ғалва/ли
ғалва/сиз
ғалва/чи
ғалвир
ғалвир/ак/и
ғалдир/а/моқ
ғалдир-ғулдур
ғализ
ғализ/лик
ғалла
ғалла/кор
ғалла/кор/лик
ғалла/симон
ғалла/чи/лик
ғалтак
ғалтак-арава
ғалтак-машина
ғалтак/мола
ғалча
ғам
ғам-андуқ
ғам/бода
ғам/гин
ғам/гин/лик
ғам/гузор
ғамза
ғам/зада
ғамза/ли
ғам/ла/моқ
ғам/ла/н/моқ
ғам/ла/т/тир/моқ
ғам/ли
ғам/нок
ғам/сиз
ғам/сиз/лик
ғам/хона
ғам/хўр

ғам/хұр/лик
ғам-қайғу
ғам-ғусса
ғам-хасрат
ғаним
ғанимат
ғаним/лик
ғараз
ғараз/гүй
ғараз/гүй/лик
ғараз/ли
ғараз/сиз
ғараз/чи
ғарам
ғарам/ла/гич
ғарам/ла/моқ
ғарам/ла/т/моқ
ғарам/ла/т/тир/моқ
ғарам/чи
ғарақ-ғарақ
ғарб
ғарб/и-жануб/ий
ғарб/ий
ғарб/и-шимол/ий
ғарб/чилик
ғариб
ғариб/ла/моқ
ғариб/ла/н/моқ
ғариб/лик
ғариб/она
ғариб/чи/лик
ғаров
ғаройиб
ғаройиб/от
ғарра-шарра
ғарс
ғарс/илла/моқ
ғарс-ғурс
ғарт/илла/моқ
ғарт/илла/т/моқ
ғарт-ғурт
ғарч
ғарч/илла/моқ

ғарч/илла/т/моқ
ғарч/ли
ғарч/сиз
ғарчча
ғарч-ғарч
ғарч-ғурч
ғарқ
ғар/ғар/а
ғассол
ғассол/лик
ғафлат
ғаш
ғаш/ла/н/моқ
ғаш/лик
ғағ/ир/ла/моқ
ғағ/ир/ла/ш/моқ
ғағ-ғағ
ға-ғу
ғивир/ла/моқ
ғивир/ла/ш/моқ
ғивир-шивир
ғивир-ғивир
ғиди-биди
ғид/ир/ла/ш/моқ
ғиди-ғиди
ғиж
ғижж/ак
ғижж/ак/чи
ғижим
ғижим-бижим
ғижим/ла/моқ
ғижим/ла/н/моқ
ғижим/ла/т/моқ
ғижин
ғижин/моқ
ғижин/тир/моқ
ғижир/ла/моқ
ғижир/ла/т/моқ
ғижир-ғижир
ғижм/а/ло/қ
ғижм/а/ло/қ/ла/моқ
ғиж-ғиж
ғиз

ғи33/а-ғи33/а
ғи3/илла/моқ
ғи3/илла/т/моқ
ғи3-ғи3
ғи3/ғи3/ак
ғи3/ғи3/он
ғийбат
ғийбат/хона
ғийбат/чи
ғийт
ғийқ
ғийқ/илла/моқ
ғийқ/илла/т/моқ
ғийқ-ғийқ
ғилай
ғилай/ла/н/моқ
ғилай/лик
ғилд/ир/а/к
ғилд/ир/а/к/ли
ғилд/ир/а/к/сиз
ғилд/ир/а/к/соз
ғилд/ир/а/моқ
ғилд/ир/а/т/моқ
ғилмай/моқ
ғилоф
ғилоф/ла/моқ
ғилоф/ла/н/моқ
ғилоф/ли
ғилт
ғилт/илла/моқ
ғилқ
ғилқ/илла/моқ
ғилқ/илла/т/моқ
ғилқ-ғилқ
ғимир/ла/моқ
ғимир/ла/ш/моқ
ғимир-ғимир
ғинг
ғинг/илла/моқ
ғинг-пинг
ғинг/ши/моқ
ғинг/ши/т/моқ
ғинг/ши/ш/моқ

ғинг-ғинг
ғинг/илла/моқ
ғинг/илла/т/моқ
ғинг/илла/ш/моқ
ғинг/ир-ғинг/ир
ғингғинг/ла/ш/моқ
ғиппа
ғиппа-ғиппа
ғир
ғира
ғира-шира
ғир/илла/моқ
ғир/илла/т/моқ
ғир/илла/ш/моқ
ғиринг
ғиринг/ла/моқ
ғиринг-ғиринг
ғиринг-ғиринг
ғирмай/моқ
ғирр/а-ғирр/а
ғирром
ғирром/боқи
ғирром/лик
ғирром/чи/лик
ғирт I (~ ёлгон)
ғирт II (тақлид сүз)
ғирт/илла/моқ
ғирт/илла/т/моқ
ғирч/илла/моқ
ғирч/илла/т/моқ
ғирч-ғирч
ғир-ғир
ғир/ғир/а/к
ғир/ғир/а/к/и
ғич/ир
ғич/ир/ла/моқ
ғич/ир/ла/т/моқ
ғич/ир-ғич/ир
ғишава
ғишт
ғишт/ин
ғиш/ғиш/а
ғиқ

ғиқ/илла/моқ
ғиқ/илла/т/моқ
ғов
ғов/ак
ғов/ла/моқ
ғов/ла/т/моқ
ғов/ур
ғов/ур/ла/моқ
ғов/ур/ла/т/моқ
ғов/ур/ла/ш/моқ
ғов/ур-ғов/ур
ғов/ға
ғов/ға/ли
ғов/ға/сиз
ғоз I (~ гўшти)
ғоз II (~ и йўқ)
ғоз/ўт/и
ғоз-ғоз
ғойиб
ғойиб/лик
ғойиб/она
ғолиб
ғолиб/ият [ғолиб/ий/ат]
ғолиб/лик
ғолиб/о
ғолиб/она
ғор
ғорат
ғофил
ғофил/лик
ғоя
ғоя/вий
ғоя/вий/лик
ғоя/вий-сиёс/ий
ғоя/вий-тарбия/вий
ғоя/ли
ғоя/сиз
ғоя/сиз/лик
ғоят/да
ғубор
ғубор/ли
ғубор/сиз
ғув

ғувв/ос
ғув/илла/моқ
ғув/илла/т/моқ
ғув/илла/ш/моқ
ғувур/ла/моқ
ғувур-ғувур
ғув-ғув
ғув/ғув/ла/моқ
ғув/ғув/ла/ш
ғув/ғув/ла/ш/моқ
ғудда
ғудур/а/моқ
ғудур/ла/моқ
ғуж
ғуж/ан/ак
ғуж/ан/ак/ла/н/моқ
ғужжа
ғужжа/к
ғужи-ғужи
ғуж/ла/моқ
ғуж/ла/н/моқ
ғуж/ла/т/моқ
ғужмай/моқ
ғужмак
ғужмак/ла/н/моқ
ғужум
ғужум/ла/моқ
ғуж/ур/ла/моқ
ғуж/ур/ла/ш/моқ
ғуж/ур-ғуж/ур
ғужғон
ғуж-ғуж
ғул
ғулдур/а/моқ
ғулдур-ғулдур
ғулу
ғул/ғул/а
ғумай
ғумай/зор
ғумбак
ғум-ғум
ғунажин
ғунча

ғунча/ла/моқ
ғурбат
ғур/илла/моқ
ғурра
ғурр/ак
ғурт
ғурур
ғурур/ла/н/моқ
ғурур/ла/н/тир/моқ
ғурур/ли
ғурур/сиз
ғусса
ғусса/ли
ғусса/сиз
ғус-ғус
ғус/ғус/ла/моқ
ғұдай/моқ
ғұза
ғұза/поя
ғұза/пұчоқ

ғұла
ғұлабур
ғұла/к
ғұлдир/а/моқ
ғұлдир/а/т/моқ
ғұлдир/а/ш/моқ
ғұлдир/ла/моқ
ғұлдир-ғұлдир
ғұнон
ғұнғ/ир/ла/моқ
ғұнғ/ир/ла/ш/моқ
ғұнғ/ир-ғұнғ/ир
ғұр
ғұра
ғұр/а/ша
ғұра-шұра
ғұр/илла/моқ
ғұр/лик
ғұрқ/илла/моқ

Ҳ

ҳа
ҳабата
ҳабаш
ҳабиб
ҳавар
ҳавас
ҳавас/кор
ҳавас/кор/лик
ҳавас/ла/н/моқ
ҳавас/ла/н/тир/моқ
ҳавас/ли
ҳавза
ҳаво
ҳаво I (тоза ~)
ҳаво II (кибр- ~)
ҳаво/дор I (эти.термин)
ҳаво/дор II (~ бино)
ҳаво/дор III (~ одам)

ҳавоза
ҳаво/йи
ҳаво/йи/ла/н/моқ
ҳаво/йи/лик
ҳавол
ҳавола
ҳаво/ла/б
ҳаво/ла/н/иб
ҳаво/ла/н/моқ
ҳаво/ла/т/иб
ҳаво/ли
ҳаво/сиз
ҳаво/сиз/лик
ҳад I (бир ~ ли)
ҳад II (чегара)
ҳаданг
ҳадаҳа
ҳаддод

ҳадик
ҳадик/сиз
ҳадик/сира/моқ
ҳад/ди
ҳадис
ҳад/сиз
ҳадя
ҳадя/нома
ҳад-худуд
ҳаё
ҳаё/ли
ҳаёл/ла/моқ
ҳаён
ҳаё/сиз
ҳаё/сиз/лик
ҳаёт
ҳаёт/бахш
ҳаёт/ий
ҳаёт/ий/лик
ҳаёт/лик
ҳаёт-мамот
ҳаёт/сиз
ҳаёт/сиз/лик
ҳаёт/ча
ҳаёт/чан
ҳаёт/чан/лик
ҳажв
ҳажв/нёт [ҳажв/ий/от]
ҳажв/ий
ҳажв/ия
ҳажв/чи
ҳажв/чи/лик
ҳажм
ҳажм/ли
ҳазар
ҳазар/чи
ҳазил
ҳазил/акам
ҳазил/вон
ҳазил/каш
ҳазил/каш/лик
ҳазил/ла/ш/моқ
ҳазил-мазах

ҳазил/манд
ҳазил-мутойиба
ҳазил/намо
ҳазил/омиз
ҳазил/симон
ҳазил-хузул
ҳазин
ҳазин/лик
ҳазир
ҳазм
ҳазрат
ҳай
ҳай/баракалла/чи
ҳай/баракалла/чи/лик
ҳайбат
ҳайбат/ли
ҳайбат/сиз
ҳайвон
ҳайвон/ий
ҳайвон/ла/ш/моқ
ҳайвон/лик
ҳайвон/от
ҳайвон/от/чи/лик
ҳайвон/симон
ҳайда/л/моқ
ҳайда/моқ
ҳайдар
ҳайда/т/моқ
ҳайда/т/тир/моқ
ҳайда/ш
ҳайда/ш/моқ
ҳайдо/в
ҳайдо/в/чи
ҳайё-ҳай
ҳайё-ҳу
ҳайин/чак
ҳайит
ҳайит/ла/ш/моқ
ҳайит/лик
ҳайит-маърака
ҳайиқ/иш/моқ
ҳайиқ/моқ
ҳайиқ/тир/моқ

хайкал
хайкалак
хайкал/тарош
хайкал/тарош/лик
хайкал/ча
хайкал/чи
хайкал/чи/лик
хайрат
хайрат/бахш
хайрат/ла/н/моқ
хайрон
хайрон/а
хайрон/лик
хайт
хайтовур
хайтт/о
хайт-хуйт
хайф
хайф/сан
хайф/син/моқ
хайъат
хай/қир/иш/моқ
хай/қир/иқ
хай/қир/моқ
хай/қир/о/қ
хай/қир/тир/моқ
хай-хай
хай/хай/ла/моқ
хай/хай/ла/ш/моқ
хайҳот
хайҳот/дай
ҳакалак
ҳакам
ҳаким
ҳакка
ҳакка-дукка
ҳакка/ла/моқ
ҳакка/ла/т/моқ
ҳакка/ла/ш/моқ
ҳаккам-дуккам
ҳаккок
ҳал
ҳалак

ҳалала-ҳашту
ҳали
ҳали-бери
ҳали/ги
ҳали/дан-ҳали
ҳалим
ҳалим/лик
ҳали/т/дан
ҳал/ла/моқ
ҳал/ли
ҳаллос/ла/моқ
ҳаллос/ла/т/моқ
ҳаллос/ла/ш/моқ
ҳаловат
ҳаловат/ли
ҳаловат/сиз
ҳалок
ҳалок/ат
ҳалок/ат/ли
ҳалол
ҳалол/ла/моқ
ҳалол/лик
ҳалол/хўр
ҳалол-ҳаром
ҳалп/илла/моқ
ҳалп/илла/т/моқ
ҳалп/илла/ш/моқ
ҳалп/ир/а/моқ
ҳалфана
ҳалфана/чи
ҳалқа
ҳалқа/ла/моқ
ҳалқа/ла/н/моқ
ҳалқа/симон
ҳалқум
ҳам
ҳамал
ҳам/аср
ҳам/гап
ҳамд
ҳам/да
ҳам/дам
ҳам/дам/ла/ш/моқ

ҳам/дард
ҳам/дард/лик
ҳам/даст
ҳамдуна
ҳам/ён
ҳам/жинс
ҳам/жинс/лик
ҳам/жиҳат
ҳам/жиҳат/лик
ҳамиша
ҳами/ят
ҳами/ят/ли
ҳами/ят/сиз
ҳам/касаба
ҳам/кор
ҳам/кор/лик
ҳам/курс
ҳамла
ҳамма
ҳамма/боп
ҳаммол
ҳаммол/лик
ҳаммом
ҳаммом/чи
ҳаммом/чи/лик
ҳам/нафас
ҳам/нафас/лик
ҳам/овоз
ҳам/овоз/лик
ҳамон
ҳамоқат
ҳам/оҳанг
ҳам/оҳанг/лик
ҳам/роз
ҳам/роҳ
ҳам/роҳ/лик
ҳам/сафар
ҳам/синф
ҳам/соя
ҳам/соя/лик
ҳам/суҳбат
ҳам/товоқ
ҳам/фикр

ҳам/фикр/лик
ҳам/хона
ҳам/шаҳар
ҳамшира
ҳам/қишлоқ
ҳам/қур
ҳам/ҳужра
ҳанг
ҳангама
ҳангама/ла/ш/моқ
ҳанги
ҳанг/илла/моқ
ҳанг-манг
ҳангом
ҳанг/ра/моқ
ҳанг/ра/ш/моқ
ҳандалак
ҳаник
ҳанс/ир/а/моқ
ҳануз
ҳап
ҳапқат
ҳар
ҳаракат
ҳаракат/ла/н/моқ
ҳаракат/ла/н/тир/моқ
ҳаракат/ла/н/тир/ув/чи
ҳаракат/ли
ҳаракат/сиз
ҳаракат/сиз/лик
ҳаракат/чан
ҳаракат/чан/лик
ҳарб
ҳарб/ий
ҳарб/ий-денгиз
ҳарб/ий/ла/ш/моқ
ҳарб/ий/ла/ш/тир/ил/моқ
ҳарб/ий/ла/ш/тир/иш
ҳарб/ий/ла/ш/тир/моқ
ҳарб/ий/лик
ҳар/вона
ҳаргиз
ҳар/дам

ҳардам/хаёл
ҳардам/хаёл/лик
ҳар/жой/и
ҳарир
ҳарис
ҳарис/лик
ҳар/на
ҳаром
ҳаром/томоқ
ҳаром-хариш
ҳаром/хўр
ҳаром/хўр/лик
ҳарорат
ҳарорат/ли
ҳарорат/сиз
ҳар/санг
ҳарс/илла/моқ
ҳарс/илла/т/моқ
ҳарс/илла/ш/моқ
ҳарс-ҳурс
ҳарф
ҳарф/ий
ҳарф/ма-ҳарф
ҳарф/хўр
ҳарф/хўр/лик
ҳар/чанд
ҳасад
ҳасад/ла/н/моқ
ҳасад/ли
ҳасад/чи
ҳасайни
ҳасанот
ҳасип
ҳасрат
ҳасрат/ла/н/моқ
ҳасрат/ла/ш/моқ
ҳасрат/ли
ҳасрат-надомат
ҳасса
ҳасса/каш
ҳасса/каш/лик
ҳассос
ҳассос/лик

ҳатла/моқ
ҳатла/ш/моқ
ҳатто
ҳатто/ки
ҳаф/ранг
ҳаф/ранг/гул
ҳафсала
ҳафсала/ли
ҳафсала/сиз
ҳафсала/сиз/лик
ҳафта
ҳафта/ла/б
ҳафта/лик
ҳафта/фаҳм
ҳафта/фаҳм/лик
ҳашам
ҳашам/ат
ҳашам/ат/ли
ҳашам/дор
ҳашам/ли
ҳашар
ҳашарот
ҳашарот/хўр
ҳашар/чи
ҳашар/чи/лик
ҳаш-паш
ҳаяжон
ҳаяжон/ла/н/моқ
ҳаяжон/ла/н/тир/моқ
ҳаяжон/ли
ҳаял
ҳаял/ла/моқ
ҳаял/ла/т/моқ
ҳақ
ҳақ/гўй
ҳақ/гўй/лик
ҳақ/и/да
ҳақир
ҳақир/лик
ҳақиқ
ҳақ/иқ/ат
ҳақ/иқ/ат/ан
ҳақ/иқ/ат/гўй

ҳақ/иқ/ат/ла/моқ
ҳақ/иқ/ат/чи
ҳақ/иқ/ий
ҳақ/иқ/ий/лик
ҳақ/ла/моқ
ҳақ/ли
ҳақ/ли-ҳақ/сиз
ҳақ-но/ҳақ
ҳақорат
ҳақорат/ла/моқ
ҳақорат/ла/н/моқ
ҳақорат/ли
ҳақорат/омиз
ҳақ/сиз
ҳақ/сиз/лик
ҳаққаст
ҳаққоний
ҳаққоний/лик
ҳаққони/ят [ҳаққоний/ат]
ҳаққони/ят/сиз/лик
ҳақ/қуш
ҳаҳ
ҳа-ҳа
ҳа-ҳу
ҳе
ҳей
ҳе/мири
ҳе/мири/лик
ҳеч
ҳеч/қи/си
ҳе/ҳе/ла/моқ
ҳе-ҳе-ҳе
ҳибс
ҳибс/хона
ҳид
ҳиддат
ҳид/ла/моқ
ҳид/ла/н/моқ
ҳид/ла/н/тир/моқ
ҳид/ла/т/моқ
ҳид/ла/т/тир/моқ
ҳид/ла/ш/моқ
ҳид/ли

ҳидоят
ҳид/сиз
ҳижжа (қ. ҳижо)
ҳижжа/ла/моқ
ҳижжа/ла/т/моқ
ҳижжа/ла/ш/моқ
ҳижо
ҳижоб
ҳижр/ий
ҳижрон
ҳийла
ҳийла/гар
ҳийла/гар/лик
ҳийла/кор
ҳийла/кор/лик
ҳийла/кор/она
ҳийла/ли
ҳийла-макр
ҳийла-найранг
ҳикмат
ҳикмат/ли
ҳикмат/сиз
ҳикоя
ҳикоя/навис
ҳикоят
ҳикоя/чи
ҳикоя/чи/лик
ҳилва
ҳилвир/а/моқ
ҳилвир/а/т/моқ
ҳилёл
ҳилп/илла/моқ
ҳилп/илла/т/моқ
ҳилп/ир/а/моқ
ҳилп/ир/а/т/моқ
ҳилп-ҳилп
ҳил-ҳил
ҳимар/ил/моқ
ҳимар/моқ
ҳимм
ҳиммат
ҳиммат/ли
ҳиммат/сиз

ҳиммат/сиз/лик
ҳимоя
ҳимоя/сиз
ҳимоя/чи
ҳинг/илла/моқ
ҳинг/илла/ш/моқ
ҳинг/қ/илла/моқ
ҳинг/ҳинг/ла/моқ
ҳинд
ҳинди
ҳинди/шунос
ҳинди/шунос/лик
ҳир/инг/ла/моқ
ҳир/инг/ла/ш/моқ
ҳир/инг-ҳир/инг
ҳирс
ҳирс/ли
ҳирс/лик
ҳис
ҳис/ли
ҳисоб
ҳисоб/дон
ҳисоб/дон/лик
ҳисоб/дор
ҳисоб-китоб
ҳисоб/ла/моқ
ҳисоб/ла/н/моқ
ҳисоб/ла/т/моқ
ҳисоб/ла/т/тир/моқ
ҳисоб/ла/ш/ил/моқ
ҳисоб/ла/ш/иш/моқ
ҳисоб/ла/ш/моқ
ҳисоб/ли
ҳисоб/от
ҳисоб/сиз
ҳисоб/чи
ҳисоб/чи/лик
ҳисори
ҳисса
ҳисса/дор
ҳисс/и/ёт [ҳисс/ий/от]
ҳисс/и/ёт/чи
ҳис/сиз

ҳис/сиз/лик
ҳисс/ий
ҳиқ
ҳиқ/илдо/қ
ҳиқ/илла/моқ
ҳиқ/и/чоқ
ҳиқ-ҳиқ
ҳн-ҳи
ҳи/ҳи/ла/моқ
ҳо
ҳов
ҳовва
ҳов/илла/моқ
ҳовли
ҳовли-жой
ҳовли/ма-ҳовли
ҳовлиқ/иш/моқ
ҳовлиқ/ма
ҳовлиқ/ма/лик
ҳовлиқ/моқ
ҳовлиқ/тир/моқ
ҳовол
ҳовон
ҳовон/ча
ҳовуз
ҳов/улла/моқ
ҳовур
ҳовуч
ҳовуч/ла/моқ
ҳодиса
ҳожат
ҳожат/барор
ҳожат/барор/лик
ҳожат/манд
ҳожат/раво
ҳожат/хона
ҳозир
ҳозир/гар/лик
ҳозир/ги
ҳозир/жавоб
ҳозир/жавоб/лик
ҳозир/ла/моқ
ҳозир/ла/н/моқ

ҳозир/ла/т/моқ
ҳозир/лик
ҳозир/ча
ҳозир/ча/лик
ҳой
ҳой/на/ҳой
ҳой/ҳой/ла/моқ
ҳой/ҳой/ла/ш/моқ
ҳой-хуй
ҳоказо
ҳоким
ҳоким/ият
ҳоким/лик
ҳол
ҳол/ат
ҳол-аҳвол
ҳол/бу/ки
ҳолва
ҳолва/гар
ҳолва/й/тар
ҳолва/фуруш
ҳолва/чи
ҳол-жон
ҳол/сиз
ҳол/сиз/ла/н/моқ
ҳол/сиз/ла/н/тир/моқ
ҳол/сиз/лик
ҳол/сира/моқ
ҳомий
ҳомий/лик
ҳомила
ҳомила/дор
ҳомила/дор/лик
ҳомила/ли
ҳомуза
ҳопит/моқ
ҳопит/тир/моқ
ҳор/диқ
ҳори/моқ
ҳори/т/моқ
ҳор/ма/й-тол/ма/й
ҳор/ма/с-тол/ма/с
ҳор/гин

ҳор/гин/лик
ҳосил I (мўл ~)
ҳосил II (~ бўлмоқ)
ҳосил/а
ҳосил/дор
ҳосил/дор/лик
ҳосил/ли
ҳосил/от
ҳосил/сиз
ҳосил/сиз/лик
ҳотам
ҳотам/лик
ҳотам/той
ҳофиз
ҳофиза
ҳофиз/лик
ҳошия
ҳошия/ла/моқ
ҳошия/ли
ҳо/ҳо/ла/моқ
ҳу
ҳув
ҳув/илла/моқ I (қизишмоқ)
ҳув/илла/моқ II (~б қол-
моқ)
ҳув/илла/т/моқ I (қ. ҳув/-
илла/моқ I)
ҳув/илла/т/моқ II (қ. ҳув/-
илла/моқ II)
ҳув-ҳув
ҳув/ҳув/ла/моқ
ҳуда-бе/ҳуда
ҳужайра
ҳужайра/ли
ҳужжат
ҳужжат/ла/моқ
ҳужжат/ла/т/моқ
ҳужжат/ли
ҳужжат/сиз
ҳужра
ҳужум
ҳужум/кор
ҳужум/кор/лик

хужум/чи
хузур I (~нга чақирмоқ)
хузур II (роҳат)
хузур/ла/н/моқ
хузур-ҳаловат
хукм
хукм/дор
хукм/дор/лик
хукм/нома
хукм/рон
хукм/рон/лик
хукум/ат
хулкар
хунар
хунар/ли
хунар/манд
хунар/манд/лик
хунар/манд/чи/лик
хунар/сиз
хур I (эркин)
хур II (чиройли)
хур/иш
хурк/ак
хурк/ит/моқ
хурк/моқ
хурк/ов/уч
хур/лик
хурмат
хурмат/ла/моқ
хурмат/ла/н/моқ
хурмат/ла/ш
хурмат/ли
хурмат/сиз
хурмат/сиз/лик
хур/моқ
хурпай/иш/моқ
хурпай/моқ
хурпай/тир/моқ
хурпа/к
хурр/ият [хур/ий/ат]
хурр/ият/парвар
хурр/ият/парвар/лик
хусайни

хусн
хусн/буз/ар
хусн/дор
хусни/хат
хусн/ли
хут-ют
хуш
хуш/ёр
хуш/ёр/ла/н/моқ
хуш/ёр/лик
хуш/ёр/хона
хуш/ли
хуш/сиз
хуш/сиз/ла/н/моқ
хуш/сиз/ла/н/тир/моқ
хуш/сиз/лик
хушт
хушт/ак
хушт/ак/боз
хушт/ак/боз/лик
хушт/ак/чи
хуқуқ
хуқуқ/ий
хуқуқ/ли
хуқуқ/ли/лик
хуқуқ/сиз
хуқуқ/сиз/лик
хуқуқ/шунос
хуқуқ/шунос/лик
хуққа
хуққа/боз
хуққа/боз/лик
хуққи
хуҳ/ла/моқ
ху-ху
ху/ху/ла/моқ
ху/ху/ла/ш/моқ
хўк
хўкиз
хўл
хўл/ла/моқ
хўл/ла/н/моқ
хўл/лик I (намлик)

хўл/лик II (кўз ёши)

хўл-қуруқ

хўнг/илла/моқ

хўнг/ир-хўнг/ир

хўнг/р/а/моқ

хўнг/р/а/ш/моқ

хўнг-хўнг

хўп

хўпла/м

хўпла/моқ

хўпла/ш/моқ

хўнпак

хўппоз

ФОНЕТИК ВАРИАНТЛАР ВА АДАБИЙ НОРМАЛАР

Нутқ, ички томондан қараганда, маънолар тизмасидан, ташқи томондан эса товушлар занжиридан иборатдир. Маъно англатадиган минимал—энг қисқа, энг кичик—бўлинмас элемент морфема бўлса, товуш жиҳатидан энг кичик—бўлинмас элемент фонемадир: сегментацияда энг кейинги элемент товушдир. Демак, буларнинг биринчиси икки томонлама (маъно ва товуш томонлари), кейингиси эса бир томонламадир: товушнинг ўзи маъно бермайди, у маъно билан потенциал боғланган: маъноли элементларнинг—сўз ва морфемаларнинг—ташқи томонини ташкил қилади—уларни шакллантиради ва фарқлайди.

Сўзнинг ёки морфеманинг товуш томонидан бир неча формада учраши, умуман олганда, турли-туман кўринишларга эга: сўз (ёки морфема) диалектларга кўра, шунингдек, тил тарихининг даврларига кўра, ҳар хил фонетик тусга эга бўлади (тарихий ҳар хилликлар ҳам аслида диалектал фарқларга бориб тақалади): *тала—дала, товуш—довуш, битиш—питиш, пичан—бичан* (ўзакнинг ўзи икки тусда: *пичмоқ—бичмоқ*), *пичоқ—бичоқ, кўз—гўз* (Хоразм шеваларида); товушнинг алмашиши билан морфема ҳам ўзгаради: *этак—этаги (этак—этаг), ўроқ—ўроғи (-оқ ва -оғ)*; морфема товуш тушиши натижасида бошқа тусга киради: *ўйин—ўйна (ўйин—ўйн)*; бу ҳодиса товушларнинг ўрин алмаштириши билан ҳам юзага келади (товуш алмашмайди): *ёғмир—ёмғир (ёғ ва ём, -мир ва -ғир)*; ўзакнинг охиридаги ундош товуш иккиланади: *жиз—жизза (жиз-жиз ва жизз-жизз)* ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси учун «товуш ўзгаришлари» терминини қўлласак, товушларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ўрни ўзгарганда ҳам, уни «товуш ўзгариши» деб аташга тўғри келади. Шунга қараганда «товуш ўзга-

риши»га нисбатан «фонетик ўзгаришлар» термини кенгроқ: *фонетика* сўзи лексик жиҳатдан «товушлар илми»ни билдирса ҳам, лингвистик термин сифатида маъноси кенгайган: у сегмент товуш единица — бирликлари (фонемалар, бўғинлар) билан бирга, суперсегмент товуш birlikларини ҳам ўз ичига олади (лексик урғу, интонация).

Пичан—бичан, товуш—довуш каби ҳолларда «товуш ўзгариши»ни қандай изоҳлаш керак? Бир шевадаги бир форма (*бичан*)иккинчи шевада бошқача кўринишда қўлланади (*пичан*, лекин бу шева «бичан»ни «пичан» қилган эмас: айлантирмаган, ўзгартирмаган). Демак, бу ўринда «ўзгариш»га нисбатан «мос келиш» иборасини ишлатиш мувофиқроқ бўлади.

Англашиладики, юқоридаги мисолларда бирор элементнинг фонетик жиҳатдан бошқа тусда бўла олишининг бир қанча турларини кўрамиз: товуш алмашиши (қ→ғ, к→г, о→а каби), товуш тушиши (*айир—айрим* каби), товушларнинг мос келиши (звуковые соответствия: *пичан—бичан* каби), ўрин алмаштириш (*ёғмир—ёмғир* каби), товуш иккиланиши (*сода—содда*) каби ҳодисалар. Буларнинг ҳаммасида ҳам сўз ё морфема ташқи томондан—товуш жиҳатидан фарқланади. Бу ҳодисалар учун умумий қилиб «фонетик вариантлар» иборасини термин сифатида ишлатиш мумкин.

Фонетик вариантлар—фонетик бошқаликлар, табиий, аффиксация билан боғлиқ бўлиши шарт эмас: ўзак-негизга аффикс қўшиш натижасида туғиладиган фонетик ўзгаришлар—морфеманинг бошқача тусга кириши—умуман, фонетик ўзгаликнинг бир кўринишидир. «Морфематик луғат»да, унинг номидан англашилиб турганидек, фонетик вариантларнинг аффиксация билан боғланган кўринишларигина қаралади. Лекин бу ҳодисанинг қонуниятларини баён қилишдан аввал фонетик вариантларга доир айрим умумий масалаларни кўриб ўтамиз: булар аффиксация натижасида юзга келадиган фонетик вариантларни, шунга алоқадор бўлган ҳодисаларни, уларнинг туғилиш сабабларини англашга ёрдам беради.

1. Фонетик ўзгаришларнинг сабаби талаффузга қулай қилиш, гапиришни енгиллаштириш, сўзлаш органларининг, мускулларнинг ҳаракатини ва вақтни тежаш—қулайлик ва эконoмия принциpidир: *ўйин +а:*

ў-йи-на → *ўйна* (уч бўгин → икки бўгин), *бора+олади* → *боролади* ёки *боралади*, *бундай этма* → *буйтма* (шеваларда), *не этсин?* → *нетсин?* (шеваларда), *қай+чоғ+ин:* *қайчо-ғин* → *қайчоғин* → *қайчон* → *қачон?*, *бўй + ин + чоғ* → *мўйинчоғ* → *мунчоғ* → *минжиқ* (Хоразм шеваларида), *тиш+иқ* → *чиқ* (ташқарига чиқмоқ) ва бошқалар. Англашиладики, бу ўзгаришлар тил воситаларидан фойдаланишдаги экономия билан боғланади. Бундай ўзгаришларнинг бошқача сабаблари ҳам бор: 1) поэтик талаб билан ўзгариш—нормадан чекиниш. Масалан, шеърларда ўлчовни тўғрилаш учун ўзгартириш (*«кўринади»* ўрнига *«кўрнади»* каби қўллаш); 2) фонетик бошқалик мазмунни кучайтириш, экспрессивлик, эмоцияларни билдириш, бадний асардаги персонажни нутқ жиҳатидан характерлаш, индивидуаллаш учун—стилистик мақсадга хизмат қилади: *...дарахтнинг уччида, . . . оловси, менга қара* (Мирмуҳсин), *...мазза қилиб ўтирибмиз. . . , семи:з* (и унлисини бир оз чўзсак, «жуда семиз» маъноси келиб чиқади), *... у жи:м ўтирди* (жим сўзидаги и унлисини чўзинг), *ўйла:б юрди* (биринчи сўздаги а унлисини чўзинг), *... ойнониб кетай* (қиёсланг: *ўзим айланай—айнанай*); 3) товуш бошқалигидан баъзан грамматик ҳодисани, омонимик ҳолатда, дифференциациялашда фойдаланилади: *қишлоқ + и* → *қишлоғи* (қ → ғ: бундаги и элементи учинчи шахс эгалик аффиксидир). Бундай қўшилишда қ → ғ типдаги ўзгаришнинг юз бермаслиги и элементининг ясовчи аффикс эканлигидан дарак беради, шунинг сигнали бўлади.

2. Фонетик вариантлар: а) туб сўзнинг ўз составида учрайди (*тўғрамоқ—тўрғамоқ* каби); б) аффиксация натижасида келиб чиқади (*ўртоқ—ўртоғим* каби); в) қўшма сўз қисмларини, шунингдек, сўзларни қўшишда, бириктиришда учрайди (*бора олади—боролади* ёки *боралади*). Яна (шеваларда): *ўқ+илон—ўғилан*, *шол+рўмол—шоррўмол*, *уч+сўм—уссўм*, *ўчоқ+боши—ўчо-во-ши:* *ўчовоши*, *от+чопди—оччопти*. Бу ҳодиса жуфт сўзларда айрим характерга эга бўлади: компонентларнинг товуш жиҳатидан уйғунлашиши, оҳангдош бўлиши—қофияланиш тусида бўлиши. Масалан, *босар-тусар* (←*босар турар*), *ясан-тусан* (←*ясан-тузан*). Буларда иккинчи компонент биринчисига мослашган. Баъзан бунинг акси ҳам бўлади. Масалан, *қумлик-шумлик*, *қумлий-шумлий* (←*қувлий-шумлий*).

Булардан келиб чиқадики, фонетик вариантлар соф фонетик характерда (*күйён—күйён*: шеваларда), фонетик-морфологик характерда (*күййин+и—күййи*; бундай ўзгаришларни морфонология текширади), шунингдек, баъзан синтактик характерда ҳам бўлади (*кўк+ўт—кўккат* каби. Қаптар маъносидаги қадимги *кўғарчин* сўзини солиштиринг). Булар баъзан маънони ва грамматик ҳолатни дифференциялашга хизмат қилади (мисоллар юқорида кўрилди).

3. Ҳар бир фонетик бошқаликнинг ўз сабаби ва фонетик шароити бор. Масалан, *қорин+инг*: *қо-рининг* → *қорнинг* (3 бўгин → 2 бўгин: экономия принципи). Фонетик шароити: одатда, иккинчи очиқ бўгиндаги тор унли (*и* ёки *у*). Тушиш сабаби: урғусизлик натижасида бу унлининг максимал даражада кучсизланганлиги. Яна: *й* ва *ж* бошқалиги: *юр—жур*, *айир—ажрат*, *йўналиш—жўналиш* келишиги каби (сўз бошида, бўгин охирида, лекин сўз охирида учрамайди); *тўғра—тўрға* (диалектал) каби ҳолларда—товушларнинг ўрин алмаштиришида, одатда, сонор товушнинг иштироки бўлади. Фонетик шароит термини бир қанча компонентларни ўз ичига олади: 1) ургули бўлиш ёки урғусизлик (*буюр*: *буйур+уқ* → *буйруқ*); 2) бўгиннинг очиқ ёки ёпиқ бўлиши. Масалан, *ота* ва *отам* сўзларининг иккинчи бўгинидаги *а* унлиси *отам* сўзида нисбатан қисқа, чунки *у* ёпиқ бўгинда: очиқ бўгиндаги унли ёпиқ бўгиндагига нисбатан узунроқ бўлади. Яна: *и* ва *у* унлиларининг тушиши (*бўйин—бўйи* типиди) фақат очиқ бўгинда бўлади; 3) сўзнинг қайси ўрнига тегишли бўлиш (сўзнинг боши, ўртаси ва охири). Масалан, *нг* товуши, одатда, сўзнинг ёки бўгиннинг охирида келади (*онанг*, *онангдан* каби): сўз бу ундош билан бошланмайди; аффиксацияда *и* ва *у* унлиларининг тушиши фақат сўз ўртасида учрайди; 4) қайси бўгинга ва ўша бўгиннинг қайси ўрнига тегишли бўлиш. Масалан, *қочқоқ—қочоқ* (*-қоқ*, *-қоқ* → *-оқ*): ўрта бўгиннинг бошидаги *қ*, *ғ*, *к*, *г* ундошлари; 5) қайси товушлар билан қўшни бўлиш, бирикиш. Масалан, охирида икки ундош келган бир бўгинли сўзларнинг энг кейинги товуши *т* ундоши бўлганда, жарангсиз товушдан кейин, одатда, айтилмай қолади (лекин адабий тил нормаси сифатида тўла айтилади: *ғишт*, *рост*, *паст* каби), бошқа ҳолларда сақланади: *тўрт*, *шилт*.

Шилт каби. Яна: *кузги—кечки, қирғи—чопқи*; 6) қандай товушлар орасида келиш. Масалан, интервокал позицияда жарангсиз ундошнинг жаранглилашиши: *билак—билаги, эк—эгин* (шеваларда): *экин* (адабий тилда).

4. Ҳар бир давр тилида шу замондаги тилнинг асосини ташкил қилувчи етакчи, умумий—норматив ҳолатлар билан бирга, аввалги ҳолатни кўрсатувчи, лекин ҳозир ҳаракат қилмайдиган—реликт ҳодисалар ҳам бўлади. Масалан, *-н(-ин)* аффикси орқали равиш ясаш (*ёзин-қишин, эртан-кечин, кечқурун* каби). Реликт ҳодисалар бугунги норматив ҳолатни ташкил қилмайди. Улар, одатда, мақолларда, турғун, қотган ибораларда, шеваларда учрайди. Масалан, *сўрамоқ* феълининг ҳозирги тилдаги морфологик состави *сўрамоқ* тусида бўлиб, ўзакнинг *сўр* формасида келиши норма эмас: у баъзан айрим ўринлардагина учраб қолади. Ҳар бир давр тилида янги туғилаётган нормаларни ҳам кўрамыз. Масалан, адабий тилдаги *Шариф, Юсуф* каби атоқли отларга фамилия кўрсаткичини қўшганимизда, одатда, *Ф→п* формасидаги ўзгариш келиб чиқади (*Шарипов, Юсупов* каби). Турли даврларга доир мисолларни қиёсланг: *ўлтириши—ўтириши, кўп-рак—кўпроқ, ўлчак—ўлчаг—ўлчав—ўлчов, қургил—қургин, Хўқанд—Қўқон, Хийвақ—Хивақ—Хива, эгак—эгав—эгов, яяқ—яёқ—яёв, ўтурғиз—ўтқуз—ўтқаз* (*кўчат ўтқазмоқ* каби), *тупурук—тупук* (қиёсланг: *тупла—туфла—тупур*). Англашиладики, фонетик ўзгаришлар, умуман, система ҳолатидаги фонетик қонунлар тусида бўлади, лекин улар тил тараққиёти процессида—даврларга кўра—ўзгариб туради, шунинг учун тилда айрим қоидалардан чекинишлар ҳам учрайди: айрим бошқаликлар регуляр ҳолатга эга бўлади (жонли фонетик қонунлар), айримлари регуляр бўлмайди, спорадик бўлади. Ҳар бир давр тилида тарихий ва ҳозирги ўзгаришлар, спонтан ўзгаришлар ва позицион-комбинатор ўзгаришлар фарқланиб туради.

5. Фонетик ўзгаликни кўрсатувчи жуфтлар (*ёй* ва *ёз* каби: *дастурхон ёйди—дастурхон ёзди*) маънода ва унинг оттенкасида фарқланишни, сўзнинг тўғри ва кўчган маъноларининг фарқланишини кўрсатса, улар энди одатдаги фонетик вариант деб қаралмайди (стилистик талаб билан ўзгартиш бошқа). Бу фонетик во-

сита орқали сўз яшаш ёки форма яшаш, фарқлаш сапалади. Мисоллар: *ари+т* (*ари: йўқолмоқ, кетмоқ: касали ариди, кири ариди*). Қиёсланг: қадимги *ариг* сўзи «тоза, соф» маъносидан → *арт* (тозаламоқ: *ойнани артди*, аслида: *ойнанинг чангини артди*). Қиёсланг: *пўстини арчмоқ*), *шимармоқ* (масалан, *енг шимармоқ*) → *ҳимармоқ* (масалан, *ипакни ҳимармоқ*), *оҳиста* (эҳтиёт билан) → *аста* (секин), *оға+ини* (ака-ука) → *оғайни* (дўст, биродар, боғлаш учун й орттирилган, қўшилишда очиқ бўғиндаги тор и унлиси тушган: *оға+й+ини: о-ға-йи-ни* → *оғайни*); *бут* (чот: пах) — *пут* (оёқ: шеваларда) — *бут* (феъл — *битмоқ: яранинг битиши, экин битиши*, бирор нарсанинг тугаши каби: эски ўзбек тилида) — ҳозирги тилда: *бит*. Демак, ҳозир: *бут* (сифат: тугал, камчиликсиз. Масалан, *Ҳамма нарса бут*) — *бит* (феъл); *ивимоқ—увимоқ, чиримоқ—чуримоқ, эримоқ—иримоқ; бурилиш* (от) — *муйилиш* (*кўчанинг муйилишида*; бу сўзнинг «ўзгариш» маъносини кейинги формалар бермайди. Масалан, *бригаданинг ишида кескин бурилиш бўлди*); *сиқмоқ—қисмоқ, ҳозир* (ҳозир бўлмоқ: *гайёр бўлмоқ*) — *ҳазир* (ҳазир бўлмоқ: *эҳтиёт бўлмоқ*), *ур+ин+а* → *урна* (бирор нарсага ўзини урмоқ, ҳаракат қилмоқ) → *унна* (шеваларда: бирор ишга тиришиб киришмоқ, ҳаракат қилмоқ), *ўрин+ла+т* (жойлаштирмоқ) — *ўриллат* (қойил қилмоқ), *қатмоқ—қотмоқ* (қиёсланг: *қотирма, қатқалоқ*), *қатиқ* (сутнинг нисбатан қотгани) — *қаттиқ* (крепкий). Бу фарқланишни тарихий жиҳатдан *аға* (оға) — *ака-ука* каби жуфтларда ҳам кўриш мумкин. Фонеманинг фарқлаш—ажратиш функцияси (унинг аллофонларни бирлаштириш—умумлаштириш функциясидан ташқари) айрим кўриниш билан бу ўринда ҳам сезилади.

6. Фонетик бошқалик сўзнинг морфематик составини, қисмларнинг боғланишини хиралаштиради—ажратишни нисбатан қийинлаштиради. Баъзан бу бошқаликлар сезилмас ҳолга келади (ўзгаришнинг мураккаб бўлиши, асл компонентнинг ўз мустақиллигини йўқотиб, айрим уқилмаслиги, бир элементнинг йўқолиши, орадаги муносабатнинг—ипнинг узилиши каби сабаблар, дифференциация қилиш талаби натижасида). Мисоллар: *из+ла* (қидирмоқ) → *иста* (хоҳламоқ шеваларда *изламоқ—қидирмоқ* маъносидан ҳам қўлланади), *асирға* («осилиб турадиган», «осиб қўйилган»)

→ исирға, ай + ит → ай + т → айт, қурт — құрт, асл (асли) — асил (сифат), охири (бирор нарсанинг сўнги, конец) — ахийри (наконец, в конце концов), ўрт (олов) → ўт (олов. Чоғиштиринг: ўртанмоқ: кўчган маънода), сесканмоқ (сезмоқ феълидан), унамоқ (аслида овоз маъносидаги ун сўзидан. Қиёсланг: ундамоқ, ундов гап, ундов белгиси, ундош товуш, унли товуш, индамаслик), оғриқ (оғриган) — о:риқ (р товуши тушган; озғин) — ориқ (шеваларда: озғин маъносида), пишак (шеваларда) — мушук (аслида «пишак»дан «мушук» туғилган). Кўр + к + лик (кўрк — чирой) сўзидан, шунинг мураккаб фонетик ўзгаришидан туғилган кўхлик (диалектларда кўрклув, кўхлув каби формалари ҳам учрайди) сўзи ас-лидан узоқлашиб, вариантликдан чиқиб, дастлабки ҳолати билан алоқаси сезилмас даражага келган ҳисоб. Мисолларни қиёсланг: кўхлик фасл, кўклам («Тошкент ҳақиқати» газетасидан), кўхликкина бир қизча (ўша газетадан).

7. Сўзлашув нутқида, адабий бўлмаган нутқда, диалектларда фонетик бошқаликлар нисбатан кучли. Мисолларни чоғиштиринг: қачқурун, ўқуссан (Наманган; кечқурун, ўқирсан); қасси боғнинг гулисан? Оссоқол, сўллаганда, бинни солди, бармоқи, учак, им атади. (Хоразм; қайси, оқсоқол, сўзлаганда, бирни солди — урди, бармоғи, учак — том: «кичик уй» — уйнинг бир қисми. Қиёсланг: ич — ичак, «кичик ич», им атади — им атади: имлайди); ўғри — ўрғи (Бўстонлиқ район шевалари) — урри (Пўлкан шоир); мийрибанниқ, қатиннар ((Пўлкан, н + л → л + н) — михриволлий, хотилла (Тошкент шеваси, н + л → л + л). Бундай ўзгаришлар натижасида диалектал заминда лексик омонимия келиб чиқиши ҳам мумкин. Масалан: осса: а) ос + са, б) от + са, в) оз + са, г) оч + са, д) ош + са; ёсса: а) ёз + са, б) ёт + са; ўсса: а) ўс + са, б) ўт + са, в) ўз + са, г) ўч + са ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси контекстда конкретлашадди. Тил хатолари ҳам шундай: соф — соп, тиф — тип, фан — пан каби (нутқ хатоларини қиёсланг: фикр — пикир, сафар — сапар, садаф — садап). Баъзан дифференциация юз беради: фарқ (разница) — парқ (пробор причёски — сочининг парқини очмоқ), асл — асил (юқорида берилган). Сўзлашув нутқида бундай фарқ сезилмайди: бундай сўзлар (парқ, асил) омоним сифатида қўллана беради.

8. Юқоридаги каби диалектал ҳар хилликларнинг ҳаммаси, тарихий ҳар хилликлар, ўзгаришлар ҳам, турли вариантлар адабий тилнинг изчил қонун-қоидалари билан ягона формага келтирилган бўлади. Масалан, «қ ё к товуши билан тутаган икки бўгинли сўз+эғалик аффикси» типидagi конструкцияда қ→ғ, к→г тусидаги ўзгариш юз беради (*қулоқ—қулоғи, кўкрак—кўкраги*). *Бармоқ—бармоқи* типида қўллайдиган Хоразм шевалари ҳам, адабий тилда гаплашганда (ёки ёзганда), шу қоидага амал қиладилар: адабий тил шева ҳар хилликларини ягона бир формага келтирадиган изчил нормаларга эга бўлган бир тилдир. Унинг нормалари социал аҳамиятга эга бўлган умумий ҳодисадир. Масалан, *айтамиз* (шеваларда: *этовуз, атамиз, айтавуз* в. б.). Адабий тилнинг фонетик вариантларга доир айрим қоидаларини қиёсланг: *сон—сана* (о—а), *тани—танув* (и—у), *пропаганда—пропагандист, команда—командир* (а қўлланмайди), *анализ—аналитик* (з—с), *синтез—синтетик* (з—т), *тоғ+ға—тоққа* (ғ+ғ→қ+қ). Адабий тилнинг орфографик қоидалари ягона ёзув нормаларини — бир хил, стандарт формаларини яратса, орфоэпик қоидалар бир хил—умумий талаффуз нормаларини ҳосил қилади. Қиёсланг: *ашула* (адабий тил нормаси)—*ашулла, ашилла, ашувла* (шеваларда); *илон—йилон, йилан, жилан; ироқ (узоқ)—йироқ; йирик—ирик, йири—ири; иримоқ—йиримоқ* (қиёсланг: *йири+нг; сурач—суврат, суррат; эпла—эвла* (қиёсланг: *эпчил, эви билан, эвида, эпақа, эпка келмоқ*). Лекин орфоэпик нормани «ёзилиш билан бир хил бўлади» деб қарамаслик керак. Мисол учун қуйидагиларни чоғиштиринг: *от—соқол—олам—даво* (бешта о унлисини қиёслани): *от+га* (айтилишда: *отка*), *бориб+ди* (*б+д*: айтилишда: *п+т*).

Ҳар бир давр адабий тили, маълумки, ўз нормаларига эга бўлади. Бу нормалар хилма-хил: сўз ишлатиш нормалари (*проект, химик, даволаш, план, медицина, архитектор, брошюра, проблема, металл—лойиҳа, кимёгар, муолажа, режа, тиббиёт, меъмор, рисола, муаммо, маъдан эмас*), сўз тартиблаш ва гап қуриш нормалари, орфографик нормалар, орфоэпик нормалар, стилистик нормалар ва бошқалар. Англашиладики, фонетик ўзгаришлар—вариантлар ҳам ўз адабий нормаларига эга. Биз бу ўринда уларнинг бир тури-

ни—аффиксация натижасида туғиладиган фонетик вариантларни, уларнинг айтилишига ва ёзилишига доир нормаларни кўриб ўтамиз.

1. Ўзак-негизларга аффикс қўшилганда, фонетик жиҳатдан ўзгариш бўлиш ё бўлмаслиги ҳақида илгари айтилган фикрлар билан ҳозиргилари орасида фарқ бор: ўтган асрда «дала+лар+да» каби ҳоллар кўзда тутилиб, «аффикснинг қўшилиши ўзак-негизларга фонетик жиҳатдан таъсир кўрсатмайди: ўзак-негиз ўзгармасдир» мазмунидаги фикр баён қилинган (масалан, Макс Мюллернинг «Лекции по науке о языке» асарида), кейинроқ ўзак-негизнинг аффиксацияда ўзгариш ўринлари ҳам борлиги аниқланган. Бунда икки ҳодиса фарқланади: а) аффиксларнинг деярли ҳаммаси урғули: ўзакка аффикс қўшиш билан урғу аффиксга кўчади, демак, ўзак фонетик жиҳатдан аввалги ҳолатига нисбатан кучсизланади: *бош—бошоқ—бошоқ+лар* (сўздаги элементларнинг энг кучли позицияси урғу остидаги ҳолатидир): *сон* сўзи билан *сонлар* сўзининг бир морфемаси—қисми бўлиб келган «сон»нинг фонетик жиҳатдан ҳам фарқи бор (биринчи *сон* кучли). Бу томондан қараганимизда, аффикс қўшилиши натижасида ўзак-негиз деярли ҳамма вақт ўзгаради. Урғу олмайдиган элементлар қўшилганда, бу ҳодиса бошқача тус олади (урғуси охиридан бошқа бўғинга тушадиган сўзларда, шунингдек, *ҳар*, *ҳеч* каби элементларни олган сўзларда ҳам). Бу хусусиятга қараб, айрим ўринларда омоним аффикслар фарқланади ҳам: *туғма* (от)—*туғма* (*туғмоқ* феълнинг бўлишсиз формаси); б) фонетик вариант ҳақида гапирилганда, одатда, бу ўзгариш (*болâ—болалâр*) эмас, балки *сон—сана* (о—а), *ҳўнг+ир+а—ҳўнгра* (и тушган), к→г каби (юқорида кўрсатиб ўтилган) ҳодисалар кўзда тутилди. Бу маънода олганимизда, аффиксацияда фонетик вариантлар кам учрайди. Биз шу кейинги маънони асос тутамиз.

2. Одатдаги—оммага мўлжалланган ёзув фонетик хусусиятларнинг ҳаммасини ҳам ақо эттира бермайди (ёзув уч хил: оммавий ёзув, транскрипция ва стенография. Кейинги икки тури махсус ёзувга киради): ёзув белгиларини тузишда қандай хусусиятларнинг асосга олиниши маълум илмий асосларга таянади. Орфоэпик қоидалар белгилашда ҳам шундай.

3. Фонетик вариантнинг туғилишида (айрим турларида) сўзнинг узун-қисқа бўлишининг—бўғинлар сонининг ҳам аҳамияти бор (қулайлик ва экономия принципини эсланг): аффикс қўшиш сўзда бўғинлар сонини оширади. Демак, «сўзнинг состави узайган сари унда қисқаришга интилиш тенденцияси кучаяди» (В. В. Радлов). Мисолларни қиёсланг: *терс* (зид)+*кари*—*тескари* (р гушгэн), *карс-курс+ир*—*касир-кусир* (р тушган), *қийи+р* (настга туширмоқ)+*уқ* (*қуйруқ*: дум), *мишир+иқ* (қиёсланг: *ишир*)—*мишиқ*—*мишук*, *қовириқмоқ*—*қовриқмоқ*—*қовлиқмоқ*, *таяноқ*—*таёқ*, *туён*—*туёқ*, *қаришиқир*—*қайшиқир*, *қўчинқар* (Маҳмуд Кошғарий, «Девон») — *қўчқор*, *Мамажон*, *Мадамин* (атоқли отлар), *на мунча* (*нага мунча*: *нега*—*нага*—*на*) — «нега мунчалик» маъносида (стилистик фарқланиш бор), *юғунди*—*ювунди*: *юв+унди*—*юнди*, *ув* (майда маъносида)+*ун*—*ун*—*ун* (мука; *увоқ*, *ушоқ*, *увада*, *уна*, *уқаламоқ*—*майдаламоқ*, масалан, *маккажўхорини уқалаш*, *улуш* (ажратилган қисм) каби сўзларни чоғиштиринг), *қайин уни*—*қайни*, *қай+чоғ+ин*—*қачон?* (Ўзгариш йўли юқорида кўрсатилган). Бундай ўзгаришларда қуйидаги ҳолларни кўрамиз: а) ундош+унли+ундош (*тиш* каби), унли+ундош (*иш* каби), ундош+унли (кейингиси ва бир унлидан иборат бўлиш жуда кам учрайди: *де*, *йе*, *а*, *у*) моделидаги бир бўғинли сўзларда фонетик ўзгариш учрамайди ҳисоб; б) ундош+унли+ундош+ундош моделидаги бир бўғинли сўзларда баъзан—жуда кам—айрим ўринлардагина учрайди, лекин булар, одатда, ёзувда акс эттирилмайди: *чарм*—*чам*, *чарх*—*чах* (қиёсланг: *пичоқни чархламоқ*), *берк*—*бек* (қиёсланг: *эшикни беркитмоқ*, *беркламоқ*), *тўрт*—*тўр* (қиёсланг: *тўрт киши*, *тўрт-беш киши*); в) *айар*—*айрим* (уч бўғинли сўзни икки бўғинга келтириш) типидagi фонетик ўзгариш қисқаришнинг нисбатан энг кўп учрайдиган кўринишидир.

4. Товушларнинг й+у, й+е, й+а, й+о типидagi учрашувларининг, бирикишларининг ю, е, я, ё тусида кўрсатилиши ёзув ҳодисасидир («огиз билан қулоқ»—товуш: айтилади ва эшитилади, «қўл билан кўз»—ҳарф: ёзилади ва кўрилади): *емоқ*, *ютуқ*, *куя*, *тўёна* (сўзлашувда, кўпинча, *тўяна* тусида қўлланади), *кияман*, *киюв*, *қуюв* (масалан, *қуюв цехи*), *ишлаёлади*. Аффиксациядаги фонетик ўзгаришларнинг айримларида

(масалан, товуш тушишида) шу ҳарфлар билан кўрсатилган товуш қўшилмаларининг ажралиши ҳам мумкин. Масалан, *буюрмоқ* (*буйурмоқ*)—*буйруқ* (*у* тушган, *й+у* қўшилмаси қолмаган).

5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили, шунингдек, етакчи шевалар, сингармонизмсиздир, лекин айрим ҳолларда унинг қолдиқлари учрайди (-лик ва -лиқ каби: *кўрпалик*, *тузлуқ*, *Олмалиқ* каби). Сингармонизм ҳодисаси¹ ўзак ва аффикс орасидаги ассимиляция ҳодисаси (кенг маънода: умуман, товуш жиҳатидан уйғунлашиш) бўлиб, бунда икки хил кўриниш бор: палатал гармония (ўзак «қаттиқ» бўлса, аффикс ҳам шу тусда бўлади. Масалан, *қил+иқ*, *қарс+ақ*: айрим шеваларда; «юмшоқлик» ҳам шундай. Масалан, *кир+иш*, *чап+ак*) ва лабиал гармония: бош бўғинда лаблашган унли бўлса, аффикс ҳам шунга мослашади. Масалан, *юз+ум*, *кўз+ум* (транскрипцион белгилар қўлламай, ҳозирги оммавий ёзув билан кўрсатдик). Эски ўзбек тили, асосан, сингармонизмли эди. Ҳозирги шеваларнинг айримларида ҳам сингармонизм сақланган. Масалан, *қаламға—кўзға*, *сиз* (вы)—*сыз* (вытекать маленькой струйкой: *сувнинг сизиб чиқиши* каби. Қиёсланг: *сизот сувлар*), *бўл* (унлиси «қаттиқ», *мажлис бўлди* каби)—*бўл* (унлиси «юмшоқ»: ажратмоқ: *қовунни иккига бўлди*). Қиёсланг: *бўлак*: қисм). Демак, аффикслар ўзакка фонетик жиҳатдан ҳам тобе бўлган. Сингармонизмнинг йўқолиши прогрессив ҳодиса бўлиб, бунинг натижасида орфоэпия соҳасида—талаффузда ҳам, орфографияда ҳам катта қулайликлар туғилди: унлилар ягона, индифферент тусга келди (масалан, икки тусдаги—«қаттиқ» ва «юмшоқ» тусдаги а унлиси бир тусга келди: у энди «қаттиқ» ҳам эмас, «юмшоқ» ҳам эмас: индифферент унли), кўпгина аффикслар стандарт формага келди. Мисоллар: *-роқ* ва *-рак* → *-роқ*, *-моқ* ва *-мак* → *-моқ* (*демак* (значит) сўзида сақланган—«қотган» *-мак* формаси бошқача характерга эга: унинг ин-

¹ Сингармонизм ҳодисасининг табиати, унинг туркий тиллар тарихидаги ҳолати, аста-секин ўзгариш процесси каби масалалар В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, В. А. Богородицкий, С. Е. Малов, Е. Д. Поливанов, Н. К. Дмитриев, А. Н. Кононов, Н. А. Баскаков, И. А. Батманов, В. В. Решетов каби олимларнинг ишларида мукамал ёритилган. Шунга кўра биз бу ўринда юқоридаги каби масалаларга тўхталмадик.

финитив кўрсаткичи билан бўлган алоқаси сезилмас ҳолга келган, бу бутунлигича кириш сўз бўлиб қолган. Қиёсланг: *гапирмоқ* феъли маъносида *демоқ* формаси ишлатилади: *шундай демоқчиман*). Бу каби (-роқ, -моқ) ҳолларда «юмшоқ» форма йўқолиб, «қаттиқ» форма умумий бўлиб қолган.

Аффиксларнинг икки (-роқ ва -рак каби), тўрт (-га, -қа, -га, -ка. Эгалик аффиксларини қиёсланг: -им, -ым, -ум: «қаттиқ» ва «юмшоқ» вариантларда) ва саккиз (-ғыз, -ғиз, -қыз, -қиз, -ғуз, -ғуз, -қуз, -қуз) вариантда бўлиши, буларнинг ҳамма ҳолатларда сақланиши адабий тилни сўзлашув нутқидан жуда узоқлаштиради (етақчи шевалар сингармонизмсиз системада: сингармонизмли адабий тил уларга жуда ҳам сунъий туюлади), орфоэпия ва орфография каби соҳалар учун жуда кўп қийинликлар туғдиради. Англашиладики, 1929 йилда бўлган республика тил-орфография конференциясининг адабий тил нормалари—қоидалари учун сингармонизмни асос қилиб олганлиги («қаттиқ-юмшоқлик» асосида: иккита а, иккита и ..., шу асосда аффикслар ҳам: -моқ ва -мақ, -га ва -га: *далага, боргон, боратургон*...) шаҳарнинг илғор, етакчи, тараққиёт маркази эканлигининг эътиборга олинмаганлиги тўғри эмас эди. Бунинг хато бўлганлигини турмуш практикаси ҳам очиқ кўрсатди: кейинроқ бу нормалар ўзгартирилди.

Сингармонизм ҳақида гапирганда, биз ўзак морфеманинг аффиксал морфемага фонетик таъсирини кўрсатдик. Баъзан бунинг тескарис—акс таъсир ҳам учрайди. Мисоллар: *бўй + ин—бўйин—мўйин* (аффиксдаги н товушининг ўзак бошидаги б товушига таъсири), *бу—бунн—мунн* (н товушининг таъсири), *ичак—ичов* (шевдаларда; к товушининг в ундошига ўтиши а→о тусидаги ўзгаришни келтириб чиқарган, бу бошқаликлар—ўтишлар натижасида, шуларнинг таъсири билан ўзакдаги и унлиси у га ўтган).

Юқорида сингармонизмнинг йўқолишини кўрсатувчи мисолларда, ўзак ва аффиксларнинг анализиди, ҳозирги тилда ажралмайдиган айрим сўзлар ҳам берилди (уларнинг тарихий ўзгаришини кўрсатиш учун). Лекин сўз ясалиши синхрон планга асосланади: ўзак ва аффиксга ажратиш ҳозирги тил нуқтаи назаридан бўлади: элементлари уқилмайдиган, онгимизда маъ-

нолари ажралмайдиган ва боғланмайдиган сўзлар қисмларга бўлинмайди. Мисоллар: *биқин* (аслида: *буқ* ва *биқ*—яширмоқ), *бўйин* (аслида: *бўй* + *ин*: «кичик бўй»), *кўжрак* (асл ўзаги: *кўк*, қиёсланг: *кўкс*), *қопқон* (аслида: *қопмоқ*—тутмоқ) ва бошқалар. Кўринадики, тил ҳодисаларини текширишда турли даврлар, ҳар хил даврларнинг хусусиятлари, нормалари фарқланади, тил ҳодисаларининг ўзгаришлари ҳисобга олинади: улар динамикада қаралади. Тил ҳодисаларининг ўзгаришлари турли даврлардаги кўринишларни қиёслаш йўли билан аниқланади. Бу ҳолатларни—ўзгаришларни, ҳаракатни аниқлаш синхрония билан диахрониянинг муносабатини кўзда тутиш зарурлигини кўрсатади (Қиёсланг: *қумлоқ*—қум кўп бўладиган жой, *қишлоқ*—қишланадиган жой: тарихан): «Тилнинг статикаси унинг динамикасидаги хусусий кўринишигинадир» (Бодуэн де Куртенэ).

Аффиксациядаги фонетик ўзгаришларни умумлаштириб, адабий нормалар — қоидалар билан боғлаб баён қиламиз. Ўзак ва аффиксларга доир кам учрайдиган айрим ҳодисаларни, тарихий ҳолатларни махсус пунктларда анализ қилмаймиз. Масалан, фонетик вариантларнинг дифференциацияга учраши (*ёз* — *ёй*: юқорида айтилди, *мен* — *ман*: биринчиси—мустақил сўз, олмош, иккинчиси—предикативлик аффикси: *мен студентман*), ўзакнинг қадимда ҳозиргидек фонетик барқарор бўлмаганлигини кўрсатувчи фактлар (*пучқоқ*: ўзак «қаттиқ» — *пучак*: ўзак «юмшоқ», *йўлық*—*йўлак*; бундай ҳолатни аффикслар орқали аниқлаймиз), фонетик вариантлар орқали сўзларнинг маъноларинигина эмас, балки лексик-грамматик категорияларини—туркумларини ҳам фарқлаш [масалан, *расо*—*тўла*, бутун (сифат) — *роса*—«жуда» маъносида (равиш: *ёмғир роса қуйди*), *ғин* (-*ғинг*) — *ғиншимоқ*(нг—н), *ўнг*—*ўнақай*(нг—н), *қоп* (мешок) — *қапа* (беркитмоқ) — *қапақ* (кўз устидаги қовоқ: «қоплаб турувчи») — *қамал* (= *қапал*: блокада)] каби ҳодисалар, қадимги, эски фонетик ҳолатларнинг ҳозирги тилга муносабати (*келтим*—*келдим*, *ўлтур*: эски ўзбек тилида *ўтириши* ва *ўлдириши* маъноларида) ва бошқалар.

Фонетик қонуниятларнинг ҳаракати билан сўз ва морфемаларнинг товуш вариантлари ҳосил бўлади. Морфемаларнинг товуш вариантлари — алломорфлар,

морфологик альтернатсия (товуш алмашиши) билан туғилган фонетик кўринишлар бир-бирига нисбат қилиш орқали билинади (*ютуқ* — *ютуғ+и*). Кўринадики, бундай ўзгаришлар морфологик характерга ҳам эга: буларнинг ҳам фонетикага, ҳам морфологияга алоқаси бор. Ҳозирги замон тилшунослик фанида бундай ҳодисаларни морфология (фономорфология) текширади. *Ўроқ*—*ўроғ+и* каби ҳоллардаги ўзгариш (*ўроқ*—*ўроғ*) кўрсатадики, бунда товушларнинг бир морфемадаги муносабати сўзнинг фонетик структураси билан морфологик структурасининг муносабатидан келиб чиқади. Демак, морфологияда морфемаларнинг фонологик структураси — фонологик воситаларнинг морфологик қўлланиши қаралади.

Аффиксациядаги фонетик бошқаликлар эргаш морфемаларнинг маъно ва функцияга кўра бўлган тури билан ҳам боғланади. Масалан, *мишиқ+и* (қ ўзгармаган, *-и*: сўз ясовчи аффикс)—*бузуғ+и* (қ→ғ, *-и*: сўз ўзгартувчи аффикс), *ош+иқ* (сифат, охирги товуши *ғ* га яқин айтилади, эгалик аффикси қўшилганда аниқ *ғ* эшитилади: *ошиғи* (*ош+иқ*)) феъл, аниқ *қ* айтилади, аффикс қўшилганда ҳам *ғ* товушига айланмайди: *ошиқ+иш*, *ошиқ+иб* каби. *Ошиғиб* каби формалар диалекталдир. Қиёсанг: *эк+ин*—*эгин*, *эк+иб*—*эгиб* ва бошқалар). Яна: *тиниқ*—*тиниғ* (сифат)—*тиниқмоқ* (феъл). Шунга кўра, дастлаб аффиксларнинг классификацияси — турлари билан танишамиз.

Аффикслар маъно ва функциясига қараб уч турга ажратилади:

1. **Сўз ясовчи аффикслар.** Булар ўзак-негизга қўшилиб, унинг маъносига фундаментал ўзгариш киришиб, янги сўз ҳосил қилади: *монтажчи*, *пардозчи*, *унумли*, *цементла(моқ)* каби. Демак, бунда сўздан сўз ясалади, англашиладики, ясовчи аффикс сўзнинг лексик маъносини билдирувчи қисмнинг — материал элементнинг ичига киради, тил ҳодисаси саналади. Унинг вазифаси лексик характердадир: янги сўз яратиб, лексикани бойитади.

2. **Форма ясовчи аффикслар.** Булар ўзак-негизнинг маъносини бир оз ўзгартирса ҳам (қўшимча маъно беради), янги сўз ҳосил қилмайди (*китоб+лар*, *китоб+ча*, *юв+ин*, *ёз+дир* каби), лекин синтактик функцияни—сўзларни бир-бирига боғлаш вазифасини бажармайди.

3. **Сўз ўзгартувчи аффикслар.** Булар сўзнинг лексик маъносини ўзгартрмайди, функцияси синтактик характердадир: сўзларни бир-бирига боғлайди. Форма ясовчилар ва сўз ўзгартувчилар гапириш процессида ишлатилиб, бунда формал-грамматик элементнинг ичига киради, демак, нутқ ҳодисаси саналади.

Форма ясовчи аффикс термини кенг маънода ҳам қўлланади. Бунда у сўз ўзгартувчи аффиксларни ҳам ўз ичига олиб, сўз ясовчи аффиксларга зид қўйилади. Бундай вақтда қуйидаги классификация келиб чиқади: аффикслар: 1. Сўз ясовчилар. 2. Форма ясовчилар: а) синтактик бўлмаган форма ясовчилар (тор маънодаги форма ясовчилар: лексик маънони сал ўзгартиради, лекин сўзларни боғлаш вазифасида ишлатилмайди); б) синтактик форма ясовчилар (сўзларни боғлаш вазифасини бажаради: сўз ўзгартувчилар). Бу классификация бундан аввалгига зид эмас: ҳар иккала классификацияда ҳам аффиксларнинг уч хил эканлиги кўрсатилади: сўз ясовчилар, форма ясовчилар (тор маънода) ва сўз ўзгартувчилар (синтактик форма ясовчилар).

Бу классификация ҳамма аффиксларни ўз ичига олади, лекин қайси аффикснинг қайси турга киришида — конкрет тақсимлашда — баъзи (ҳали жуда ҳам аниқланиб етмаган) ноаниқ нуқталар бор. Масалан, *-ники* аффикси (*китоб боланики*): у предикативлик аффикси бўлганда эди, сўз ўзгартувчига кирар эди, ҳолбуки бу ўринда у вазифани бажарувчи элемент қўлланмаган (боланикидир). Демак, бу аффикс синтактик функцияни бажармайди: уни шартли равишда форма ясовчига киритиш мумкин. Феълнинг даража аффикслари форма ясовчими ё сўз ясовчими? Бу масалада ҳам, ҳозирги ёритишларга қараганда, ойдинлаштириладиган баъзи ўринлар бор. Айрим аффикслар қайси турга кириш нуқтаи назаридан икки томонламадир: а) *-ла*, *-ли* ва *-лик*, *-чи* аффикслари — сўз ясовчи, лекин улар айрим ҳолларда форма ясовчи бўлиб ҳам қўлланади: *-ла* аффикси феълнинг ўзига қўшилганда, ҳаракатнинг интенсивлиги, такрорланиши, тез ва узоқ давом этиши каби маъноларни билдиради: *қаши* — *қашила*, *сава* — *савала*, *қиста* — *қистала* каби. (Феъл ясовчи *-а* аффикси ҳам айрим ўринларда шу хусусиятга эга бўла олади.) Демак, *-ла* аффикси бу каби ҳолларда форма ясовчи бўлади. Бу кўринишлар аффиксал омонимияни эслатади;

-лик: *бормоқлик, боришлик:* таъкидга яқин маъно, сўзнинг отлик характерини яна ҳам аниқлаш; **-чи:** *оина-оғайнигарчилик, дехқончилик* (одатда, плеонастик қўлланишда учрайди, лекин *тотувчилик* типидagi **-чи+лик** кўринишида ҳам ҳосил бўлади); б) ургули **-ча** аффикси — форма ясовчи (*китобча:* отга қўшилган, *қисқача:* сифатга қўшилган), лекин *қизилча* (лавлагининг бир тури; бунда **-ча** аффикси сифатдан от ясаган, ёки: сифат отга кўчган. Қиёсланг: *оқча* — «кичик оқ» предмет: кумуш танга, кейинроқ маъноси кенгайиб, умуман, пул мазмунида қўлланадиган бўлган): бу ўринда уни шартли равишда сўз ясовчи санаш мумкин; в) **-лар** аффикси кенг маънода ноаниқ кўплик кўрсаткичи бўлиб, синтактик функцияни бажармаган ўринларда (қиёсланг: *У китоб олди. — У китоблар олди*) форма ясовчи саналади, синтактик функцияга эга бўлган ўринларда (масалан, кесимнинг эга билан мослашувини кўрсатганда: *пионерлар шида намуна бўлдилар*) сўз ўзгартувчи саналади. Демак, бу кўриниш ҳам омонимик ҳолатни эслатади.

Кўринадики, айрим сўз ясовчилар баъзан — маълум ўринларда форма ясовчи бўлиб ҳам келади, аксинча, айрим форма ясовчиларнинг сўз ясовчи бўлиб келиши ҳам учрайди (лекин «айланганлик» бундан фарқ қилади: тарихий тараққиёт процессида: илгари келишик кўрсаткичи бўлган **-н (-ин)** аффикси равиш ясовчига айланган: *эртан-кечин*; сўз ўзгартувчи **-га+ру** элементи **-гари** тусидаги сўз ясовчига (ёки: форма ясовчига) айланган: *тесқари, ичкари, ташқари, илгари:* ҳозир *ил-* элементи ажратилмайди). Шунингдек, форма ясовчи (масалан, **-лар** аффикси), ўрни билан, сўз ўзгартувчи бўлиб келади («грамматик омонимия»). Сўз ўзгартувчи аффикс сўз ясовчи бўлиб кела оладими? *Уйнинг, уйни, уйга, уйда, уйдан* каби ҳолларда бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, лекин *олға, тўсатдан, ордан (олдидан, илгаридан)* каби ҳолларда сўз бутунлигича равишга кўчган: биринчидан, парадигмадан ажралиб, бир форма билан «қотган», иккинчидан, ҳозирги тилда ўзаги мустақил қўлланмайди, демак, аффиксал сўз ясалиш эмас, балки кўчиш деб қараш мумкин. Бироқ *чиндан (гапирди)* типидagi кўринишларда сўз (бу ўринда — сифат) келишик формасини олиш билан равиш бўлган: *чин* — сифат, у равиш функциясида ҳам кела олади

(чин гап, чин гапирди), келишик формасини олиб, сифатликдан чикди — шаклланиб, равиш бўлди (чиндан гапирди): энди сифатловчи функциясида қўлланмайди, балки ҳол бўлиб келади. Бу томонлари — дифференциация қилиш ва бошқалар — билан у аффиксал яшаш ҳодисасига бир оз яқинлашгандек бўлади. Лекин, шу билан бирга, кўчиш белгиларига ҳам эга: парадигмадан ажралиши ва «қотиш». Аниқки, бундай равишларнинг ҳаммаси бир типда эмас, уларни бир неча типга бўлиб текшириш асосида сўз ўзгартирувчи аффикснинг ясовчи бўлиб келиш-келмаслигини аниқлаш мумкин бўлади. Қийёсланг: *тез бор*. — *Тезда етиб кел*. *У бирдан кўтарилиб кетди* (бир — сон, бирдан — равиш) ва бошқалар.

Аффиксациядаги фонетик вариантлар — ўзгаришлар, умуман, фонетик бошқаликларнинг энг тарқалган, жуда кенг соҳасидир. Бу ўзгаликлар шеваларнинг кўпчилиги учун умумий бўлганда, улар, одатда, адабий норма доирасига киради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида шу ҳодисалар ҳисобга олинган. (Қийёсланг: эски ўзбек тили бу жиҳатдан ҳам сўзлашув нутқидан, оммадан узоқ эди.) Бундай фонетик ўзгаришларнинг адабий тилда акс этиши уни — адабий тилни — сўзлашув нутқига яқинлаштиради. Масалан, *бир+та*: *бирта* (эски ўзбек тилида, масалан, «Шайбонийнома»да: *бирта анор*)—*битта* (ҳозирги тилда. Лекин шунга қараб, «эртага» ни «эттага» қилиб бўлмайди: кўпчилик шевалар учун умумий эмас. Яна: *эрта матан* — *этта матан*). Бундай яқинлашиш процессини, масалан, мимемалардан аффикс орқали феъл яшашда ҳам кўрамиз: *вижирламоқ*—*вижилламоқ*, *шақирламоқ*—*шақилламоқ*, *бобирламоқ*—*бобилламоқ*, *вағирламоқ*—*вағилламоқ*, *шанғирламоқ*—*шанғилламоқ*, *динғирламоқ*—*динғилламоқ*, *питирламоқ*—*питилламоқ*, *пичирламоқ*—*пичилламоқ* каби. Буларнинг ҳамма кўринишларини, фонетик шароитларини, семантик (оттенкада), стилистик фарқланиш ҳолатларини белгилаб, шу асосда *-ир+ла* ва *-илла* (лекин *-ла* аффикси а тусида қўлланганда, л эмас, р келади: *ярқилламоқ*—*ярқирамоқ* каби) элементларининг ёзилиш ва адабий талаффуз нормаларини яна ҳам қонкретлаштириш керак бўлади.

Аффиксация натижасида туғиладиган фонетик вариантлар бир қанча кўринишларга эга (бу ўзгаришлар,

одатда, ўзакда юз беради: аффиксини ўзгариши (*мый-рыбан+нық* каби), умумий бўлмаган ҳолда, адабий нормалар доирасига крмайди): товушларнинг алмашиши, унлиларнинг чўзилиши, товушларнинг тушиши, товушнинг иккиланиши, товуш орттириш, товушларнинг ўрин алмаштириши.

ТОВУШЛАРНИНГ АЛМАШИШИ

Бу ҳодиса унли товушларда ҳам, ундош товушларда ҳам учрайди.

Унлиларнинг алмашиши шундай формаларда учрайди:

1. $a \rightarrow o$. Бу типдаги ўзгаришнинг учрайдиган ўринлари:

а) охири $q+a$ ($r+a$) формасида бўлган сўзларга бир ундошдан иборат бўлган сўз ясовчи аффикс қўшилиб, бу икки томон бирикиб (qa +аффикс) бир бўғин ҳосил қилганда. Мисоллар: *чанқа* — *чанқоқ*, *тарқа* — *тарқоқ*, *илға* — *илғор*, *шиқа* — *шиқор*. Бу ҳодиса *a* унлиси билан тугаган бошқа тип сўзларда ҳам учрайди: *сўра* — *сўроқ*, *тара* — *тароқ*, *қара* — *қарол*, *алда* — *алдоқ* (боғли негиз). Яна: *тала* — *талон*. Феълнинг даража ҳосил қилувчи аффикслари қўшилганда (шеваларда): *булғамоқ* — *булғотмоқ*, *қўзғамоқ* — *қўзғотмоқ*. Адабий норма бу ҳолларда алмашишни акс эттирмайди: айниқса — ёзувда (Яна: *қисқа+r* — *қисқармоқ*; *қисқормоқ* формаси диалектал саналади). Бу алмашишнинг сабаби: *q* (аффикс) ва *r* (ўзак-негизда) товушларининг таъсири (*тала* — *талон* типи бундан бошқа);

б) *a* унлиси билан тугаган сўзларга (ўзак-негизларга) *v* аффикси қўшилганда. Мисоллар: *сайла* — *сайлов*, *шила* — *шилов*, *алда* — *алдов*. Бу ҳодиса феълдан от ясашда учрайди. Қиёсланг: биргалик сон ҳосил қилишда *v* дан аввал *o* қўлланади (*икки* — *икков*, *етти* — *еттов*). Бу ўзгариш ($a+v \rightarrow o+v$) адабий норма бўлиб, кўпчилик шеваларга мос келади. Қиёсланг: Бухоро шаҳар шеvasида бу алмашиш учрамайди (*шилавчи* каби). Фонетик шароити: *v* ундоши билан тугаган ёпиқ бўғин. Ўзгаришнинг сабаби: *v* ундошининг таъсири. Қиёсланг: *ўлчак* — *ўлчов*.

2. $o \rightarrow a$. Ундош+*o* унлиси+ундош (ёки: *o* унлиси+

ундош) моделидаги бир бўғинли сўзларга а ясовчиси қўшилганда: феъл ясашда. Мисоллар: *от* — *атамоқ*, *сон* — *санамоқ*, *йош* — *йашамоқ* (*ёш* — *яшамоқ*). Бу ўзгариш шу моделда от ясашда ҳам учрайди: *йормоқ* (*ёрмоқ*) — *йара* (*яра*).

Бу ўзгариш: 1) аффиксациянинг шу фонетик шароитга мос келадиган (ўзакнинг охириги товуши — ундош — аффикс билан қўшилиб бир бўғин ҳосил қиладиган) бошқа кўринишларида, кўпинча дериватларда (ясалмаларда) ҳам учрайди. Масалан, *йормоқ* (*ёрмоқ*: *ўтин ёрмоқ* каби) — *йарим* (*ярим*, Орадаги муносабат сезилмас ҳолга келган: соддаланиш), *онг* — *англамоқ*, *той* — *тайлоқ*, *қорин* — *қариндош*; 2) худди шу шароитда, бир хил ҳолларда, ўзгармайдиган кўринишларга ҳам эга. Масалан, *йоримоқ* (*ёрмоқ*): *йарим* (*ярим*) — *йорти* (*ёрти*), *санамоқ* (*сон+а*) — *қонамоқ* (*қон+а*), *англамоқ* (*онг+ла*) — *онгли* (*онг+ли*), *қариндош* (*қорин+дош*) — *қоринли* (*қорин+ли*), *йашамоқ* (*йош+а*) — *ошамоқ* (*ош+а*); 3) анчагина диалектал ҳар хилликларга эга, Масалан, *йарма* (*ярма*: крупа, *ёрмоқ* феълдан, Андижон шеvasи) — *йорма* (*ёрма*: Тошкент шеvasи). Яна: *атамоқ* — *отамоқ*, *англамоқ* — *онгламоқ*, *алмаштирамоқ* — *олмоштирамоқ*, *қатирма* (овқат номи) — *қотирма*, *бақраймоқ* (*боқмоқ* феълдан) — *боқраймоқ*, *қақрамоқ* (*қоқ* — *сухой*) — *қоқрамоқ* (қиёсланг: *ташбақа* — *тошбақа*); 4) *бори* (*бор* — *есть*, *бор+и*: «қанча бўлса, шунча») — *бари* (ҳаммаси) каби ҳолларда семантик жиҳатдан ҳам фарқланган. Бу фонетик ўзгаришнинг сабаби о унлисининг аффикс қўшилиши билан урғусиз келишидир (*қорин* — *қариндош* типидagi ўзгаришнинг сабаби ургудан узоқяашишдир).

3. *а→и*. Бу типдаги алмашиш а унлисининг маълум фонетик шароитда торайиши бўлиб, айрим диалектлардагина учрайди (масалан, Тошкент, Хоразм шеваларида), адабий тил нормалари доирасига кирмайди: *бормайди* — *бормийди*, *олғай* — *олғий* (Хоразм). Бу ўзгаришнинг диалектларда а — э кўриниши ҳам учрайди. Масалан, *ичмайди* — *ичмейди* (Марғилон шеvasи), *уч яшар бола* (*йашар*) — *уч ешар бола* (Тошкент шеvasи). Буларнинг ҳаммасида адабий тил нормаси а товушининг сақланишидир. Лекин аслида *ётмоқ* феъл билан боғланган *борялти* (-*ял* формаси ҳозирги тилда аффикс тусига кирган) каби ҳолларда орфографик норма: -*ял* форма-

сида ёзиш (*бор+ял+ти*), орфоэпик норма эса а унлисини қисқа и тарзида қўллашдир: *бориялти*.

Бу типдаги ўзгаришнинг (а+й→и+й) фонетик шароити: кенг унлининг й товушидан аввал келиши, сабаби: й товушининг ўзидан аввалги а унлисига таъсири. Бу ўзгариш натижасида талаффузда узун и унлиси ҳосил бўлгандек сезилади (и+й—и:).

Айрим ҳолларда учрайдиган а→у ўзгариши (*совимоқ — сови+б→сувуп*. Қиёсланг: *сувуп қолды; товуқ — тувуқ*; Пўлкан) ҳам адабий норма саналмайдиган диалектал ҳодисадир: *совуқ — сувуқ* (Эргаш Жуманбулбул). Бу ўзгаришнинг асосий сабаби а унлисидан кейинги в ундошининг ўзидан кейинги у (←и) товушига таъсирдир.

4. и→у. Бу типдаги алмашишнинг фонетик шароити: и унлиси билан тугаган сўз+бир ундошдан иборат бўлган ясовчи аффикс. Бу кўринишда сўзнинг бўғин структураси ўзгаради: аффиксдан олдинги унли ва ундош аффикс билан бирикиб, бир ёпиқ бўғин ҳосил қилади. Бу ҳолатда — ундошлар орасида, бўғин ўртасида — бу и унлиси у товушига ўтади. Масалан, *ўқи моқ—ўқув*.

Айрим изоҳлар:

1. Бу алмашиш учун ёпиқ бўғин жуда қулай шароитдир. Бундан «Ёпиқ бўғиндаги и унлиси в ундоши билан бир бўғинда келганда, доим у тусида бўлади» деган хулоса чиқариш керак эмас: и+в ҳолатида, одатда, у+в формасида қўлланишни кўрамиз (*тани—танув*), в+и ҳолатида ўзгармайдиган кўринишлар ҳам бор (*тивит, равии, ивимоқ, шивирламоқ, фивирламоқ* каби); иккинчидан, традицияга кўра охири у бўлиб қўлланидиган *қайғу, уйғу* каби сўзлар сўзлашув нутқида, одатда, и билан келади (*қайғи, уйғи* каби. Қиёсланг: *ёғду*—Навоийда, *ёғти*—Хоразм шеваларида); учинчидан, қўшиладиган аффикс в ундошидан бошқа бўлганда, одатдагича и унлиси ишлатилади: айлана и юз бермайди (*тани — таниши, ўғи — ўғилди* каби).

2. *Ёримоқ, совимоқ, кўримоқ, қуримоқ, ачимоқ, қичимоқ, қашимоқ, сучимоқ* каби феъллардан юқоридаги каби фонетик ҳолат билан (*ўғи — ўқув*) қ'ё в аффикси орқали от (кенг маънода) ясасак, и+в қўшилмаси ҳамма вақт у+в тусига ўтади (лаб ундоши бўлган в товушининг таъсири билан), лекин и+қ қўшилмасида (охир-

ти ундош, кўпинча, кучсиз ғ тарзида айтилади) эса ҳозирги адабий тил нормаларига мувофиқ, уч ҳолат сақланади: а) . . . ви+қ→ву+қ (*сови — совуқ* каби); б) ўзак-негизда у унлиси бўлганда ҳам, шу форма сақланади (*қури — қуруқ, сучи — сучук* каби); в) ўзак-негизда ў унлиси бўлганда, и унлиси сақланади (*қўри — қўриқ* каби). Яна: 1) бундан бошқа ҳолларда ҳам и сақланади (*ёриғ, қичиқ* каби). Адабий бўлмаган нутқда бундай ўринларда (*оч+иқ, йир+иқ* каби дериватларда ҳам) у айтилиш ҳоллари ҳам учрайди: *ёруғ, қўруғ, бўлуғ, ўсуғ, қичуғ, аччуғ, очуғ* каби (Қиёсланг: *тануқ, ёрутмоқ, совутма*: Навоий асарларида), лекин буларнинг ҳаммаси ҳозирги адабий тилда и унлиси билан қўлланади; 2) феълнинг даража ясовчи аффиксларида ҳам: *қизимоқ — қизитмоқ — қизишмоқ, ёримоқ — ёришмоқ — ёритмоқ, қавимоқ — қавитмоқ, совимоқ — совитмоқ* каби (содаланиш ҳодисаси бунга кирмайди: *тушунмоқ, қутулмоқ, қутурмоқ* каби); 3) баъзан дифференциация принципи қўлланади: *уриш* (бить) — *уруш* (война). Қиёсланг: *ўқиш* (учиться) — *ўқуш* (учёба).

Ундошларнинг алмашиши шундай кўринишларда учрайди:

1. қ→ғ, к→г: қ ё к ундоши билан тугаган икки ё кўп бўғинли сўзларга эгалик аффикси қўшилганда учрайди: *ўроқ — ўроғи, юрак — юрағи, бўталоқ — бўталоғи*. Фонетик шароити: интервокал позиция (унлилар орасида келиш ҳолати); бўғин тузилишида ўзгариш юз беради (*қиш-лоғи*). Бу қўшилишда: унли+қ ёки к+унли (эгалик аффикси: *ўроқ — ўроғи — ўроғим*).

Айрим изоҳлар: 1) жаранглилашиш ҳодисасини кўрсатувчи бу қоида фонетик характердан кўра кўпроқ график характерда бўлиб, у адабий тил учун стандарт ҳолат яратиб беради: бир қанча шеваларда бундай сўзларнинг охиридаги ундош кўпинча ғ ундошига яқин айтилади (эски ўзбек тилида ҳам кўпинча ғ билан ёзилади); 2) бир бўғинли сўзларда бу алмашиш учрамайди (*йўқ* ва *ёқ* сўзларидан ташқари: *у сен уйда йўғингда борган экан. . . , ўнг ёғида — дарё, чап ёғида — ўтлоқ. . .*); 3) феълларда худди шу шароитда ҳам жаранглилашиш юз бермайди: *ошиқиб, чиниқши, йўлиқиб* кабилар; 4) бир бўғинли сўзлардаги ўзгариш (отда ҳам, феълда ҳам: *ўғи, тағи, сўғи, сўғум, чығи, ағиш*,

эзип: халқ дostonларидан. Фонетик ўзгариш натижасида лексик омонимия ҳам учрайди) диалектал ҳолатдир; 5) хоразм шеваларидаги ўзгармаслик (*бармоқ* — *бармоқи* каби) фақат диалектал хусусиятдир; 6) *йигирма* (*ики* — *икки*: *йики* — *йикки*: қ ва г муносабати), *йигирмоқ* (*йик* — *ик*: веретено) каби ҳолатларда фонетик ўзгариш, регулярилик сезилмайди: соддаланиш юз берган; 7) *бугун* (*бу*+*кун*), *билагузук* (*билак*+*узук*) каби кўринишлардаги к—г муносабати аффиксацияга хос эмас; 8) қ→г, к→г формасидаги ўзгариш айрим ҳолларда эгалик аффиксидан бошқа турлар муносабатида ҳам учраб қолади (*эллик* — *эллигинчи*, *қозоқ* — *Қозоғистон*, *қорақалпоқ* — *Қорақалпоғистон*); 9) рус тилидан олинган *гудок*, *станок* каби сўзларда, шунингдек *шиттирок*, *иттифоқ* каби айрим сўзларда юқоридаги ўзгариш юз бермайди.

2. **г+г→қ+қ, г+г→к+к**: сўзнинг бўғин тузилишида ўзгариш юз бермайди. Мисоллар: *боғ+га* — *боққа*, *барг+га* — *баркка*, *туг+ган* — *туккан*, *эг+ган* — *экан*. Бундай ўзгариш сабабли лексик омонимия туғилиши ҳам мумкин.

Айрим изоҳлар: 1) рус тилидан олинган сўзларда бундай ўзгариш учрамайди: г+г ёзилади: *педагог* — *педагогга* каби; 2) баъзан семантик сабаб билан бу ўзгариш ёзувда акс эттирилмайди (*Жаҳлим чиқиб кетди. Бу хулиганни томоғидан бўғгим келди, лекин ўзимни тутиб турдим.* «Муштум» журналидан. Яна: *Бу сомса буғ+га* — *буғга пишган*).

3. **р+л→л+л**: сонор р товуши билан тугаган сўзга л товуши билан бошланадиган аффикс қўшилганда (бўғин структурасида бир хиллик сақланган ҳолда), шеваларга кўра, умуман, икки хил ўзгариш туғилади: **р+л** — **л+л** ёки: **р+л** — **р+р** (мисоллар юқорида берилган). Бу ҳодиса бир қанча сўз туркумлари билан боғлиқ. Масалан, *шивир+ла+моқ* — *шивилламоқ*, *тер+ла+моқ* — *телламоқ*, *эгар+ла+моқ* — *эгалламоқ* каби. Бу ўринда уларнинг адабий тил учун — орфоэпик ва орфографик нормалар учун характерли бўлганларини кўриб ўтамиз. Булар мимемалардаги аффиксация ҳодисасидир.

Содда мимемалар (*тақ-тақ*, *дук-дук* каби) форма ясовчи *-ир(-ур)* аффиксини олиш билан кенгайган мимемага айланади (*тақир-тақир* каби). Бу типдаги ми-

мемага феъл ҳосил қилувчи *-ла* аффикси қўшилганда, сўзлашув нутқида деярли ҳамма вақт *л+л* (*← р+л*) формасидаги ўзгариш келиб чиқади (*чиқилламоқ, тапилламоқ* каби), лекин адабий тил учун шева ҳар хилликларини бир формага келтирадиган нормалар зарур. Буларнинг ҳаммасига *р+л* моделини умумий қилиб бўлмайди, чунки, биринчидан, баъзи дериватлар (шу турдагиси) ҳеч вақт бу моделда қўлланмайди (*дўрилламоқ, бозилламоқ, безилламоқ, зирилламоқ, вовилламоқ, бобилламоқ* каби), иккинчидан, айримларини шу қолипга «зўрлик билан» солиш мумкин бўлса ҳам, аммо улар «сунъийдек» туйилади: адабий тилни жонли сўзлашув нутқидан анчагина узоқлаштиради (*визилламоқ, писилламоқ, шиғилламоқ, вағилламоқ* каби сўзларни *р* билан айтиб кўринг). Ҳозирги адабий тилдаги тенденция бу икки хилликни мумкин бўлганича бир формага келтириб (*-илла* формасининг фойдасига) — сўзлашув нутқидаги ҳолатни адабий тилда акс эттириб, адабий тил билан сўзлашув нутқини (адабий бўлмаган нутқни) бирига яқинлаштириш йўлидир.

Юқоридаги формаларнинг адабий тилда қўлланиш ўринлари, асосан, қуйидагича:

1. Мимема ҳозирги тилда кенгайган формага эга бўлмаса (адабий тилда ўша форма қўлланмаса), *-илла* (*← -ил+-ла← -ир+-ла*) аффикси бир морфема саналади: *визилламоқ, варилламоқ, лопилламоқ, парилламоқ, дарилламоқ, ликилламоқ, лўжилламоқ, шанғилламоқ, вошилламоқ, жизилламоқ* каби. Бундай мимемаларнинг содда формасида, одатда, *р, л, з, й, в* каби товушлар бўлади (кейинги бўғинда шулар билан бир хил ёки яқин бўлган товушни айтиш қийинроқ). Мисоллар: *шартилламоқ, пилдилламоқ, жилдилламоқ, жовдилламоқ, шилпилламоқ, киртилламоқ, шалвилламоқ, ҳалпилламоқ, жирилламоқ, шовилламоқ, чийилламоқ, тўнғилламоқ, жикилламоқ, шилқилламоқ* каби.

2. Мимема *-ир* аффикси билан айрим қўллана олса, *-ир+-ла* комплекси икки аффикс саналиб, *р* формаси сақланади. Мисоллар: *ғижирламоқ, тақирламоқ, қисирламоқ, дикирламоқ, вижирламоқ, қитирламоқ, пичирламоқ, шивирламоқ* каби.

3. Бу формалар айрим ҳолларда маъно жиҳатидан дифференциацияга учраши ҳам мумкин. Масалан, *дум-*

билламоқ (бола дўмбиллаб чопиб кетди) — дўмбирламоқ (дўмбиранинг овози: дўмб+ир+а).

4. Содда мимеманинг составида у унлиси бўлганда, -ир аффикси -ур формасига ўтади: тақир (-тақир) — дукур (-дукур) каби.

5. Феъл ясовчи -ла аффикси бундай дериватларда -а тусида бўлса, табиий, р формаси сақланади: ялт-ир-а-моқ, чирқ-ир-а-моқ, қалт-ир-а-моқ каби.

6. Ҳиқ-ир-ла-моқ типигаги феъллардан қ аффикси орқали от (кенг маънода) ясалганда, р эмас, л айтилади ва -ла формаси -да тусида қўлланади. Масалан, хиқ+ир+ла+моқ — хиқилдоқ, қақирла — қақилдоқ, шақирла — шақилдоқ каби. Мимеманинг -ир аффиксини олиб кенгайган формаси қўлланмайдиган ҳолларда ҳам шундай (шилпилламоқ — шилпилдоқ каби). Буларнинг ҳаммасида ҳозирги тилда -илдоқ комплекси бир аффикс деб қаралади: шилпила-(-ила: бир аффикс) — шилпилдоқ (-илдоқ: бир аффикс, аслида эса -да+қ формасида ясалган: -да ва -ла морфемалари тарихан алломорфлардир). Демак, бундай ўринларда ҳам синхрония билан диахрониянинг муносабати кўзда тутилади.

Товуш алмашишида, аффикснинг ўзакка мослашишида, баъзан — акс таъсирда (аффикснинг ўзакка таъсирида) одатдаги ҳолдан бошқача ўзгаришларни ҳам кўрамиз. Масалан, морфемаларнинг уйғунлашишида (сингармонизмда унлилар ҳам, ундошлар ҳам мослашади): ўзак билан аффикснинг учрашган ўрнида — чегарада (охирги товуш+бош товуш): жарангли+жарангли ёки: жарангсиз+жарангсиз: туз+га, ток+ка, туз+ли, туз+сиз → тус+сиз. Лекин л, р, н сонорлари билан, баъзан—й товуши билан тугаган кўп бўғинли (айниқса — икки бўғинли) сўзларда чегарада «жарангли+жарангсиз» формасини кўрамиз. Мисоллар: йўндир-моқ ва юв-ин-тир-моқ (н+д ва н+т), ўр-дир-моқ ва чақир-тир-моқ, қул-дир-моқ ва юксал-тир-моқ, қуй-дир-моқ ва қучай-тир-моқ ва бошқалар. Бу ҳол бир бўғинли сўзларда ҳам учраб қолади. Масалан, қол-дир-моқ (л+д) ва кел-тир-моқ (л+т). Қиёсланг: уч-қун (ч+қ) ва тўл-қин (л+қ; ҳолбуки, мослашишга кўра, л+т кўзда тутилар эди: тўлгоқ, тўлғизмоқ каби). Биз буларга тўхталмай, ҳозирги асосий регуляр ўзгаришларнигина баён қилдик: контакт (ёнма-ён, биргаликдаги) ҳолатлар қаралди, лекин дистант (ажралган) ҳолат-

даги таъсир қаралмади (*сучимоқ — сучук — чучук*; қиёсланг: *ошпичоқ — ашпичоқ, мошкичири — мочкичири*); *боғламоқ — бойламоқ, қақшимоқ — қақшимоқ, мақтов — махтов, экти — эҳти, сабзи — савзи* каби бошқаликлар аффиксация билангина боғлиқ эмас. Фонетик ўзгаришлардаги тарихий ҳар хилликлар (масалан, эски тилда *ўлтурмоқ* формасининг *ўлдирмоқ* маъносида ҳам қўлланиши), буларнинг диалектлардаги излари каби масалаларни, уларнинг сабабларини ёритиш махсус ишларнинг вазифасидир.

Унлиларнинг чўзилиши

Унли товушнинг чўзиқлиги дастлабки (бирламчи) узунлик ва кейинги (иккиламчи) узунлик номлари билан иккига бўлинади. Кейинги тур, масалан, қўшни ундошнинг кучсизланиши ёки тушиши ҳисобига одатдаги унлининг чўзилиши, икки бир хил унлининг кетма-кет келиб, узунлик ҳосил қилиши каби ҳолатларни ўз ичига олади. Масалан: *ма : рамоқ → манграмоқ → мангир-а-моқ, э : ри → эри* (сўзлашув нутқи), *кў : лам ← кўҳлам → кўклам, на : (на : мунча чопасан?) ← наа ← нага → нега?* Ўзак-негиздаги унлининг узунлик олиши ҳодисаси айрим ҳолларда аффиксация билан ҳам боғланади.

Унлининг чўзиқлик олиши, умуман, турли функцияларни бажаради: а) эмоционалликни, белги-сифатнинг ортиқлик даражасини билдириш, ҳаракатнинг интенсив бажарилишини, узоқ давом этишини, узоқликни (вақт ва ўрин маъноларида) билдириш, умуман, кучайтириш, таъкидлаш ва бошқалар. Мисоллар: *э : рталаб* (рано уторм), *ка : кта* (жуда катта, одатда, сифат туркумида учрайди, сўз формасини ҳосил қилади; баъзан — отларда ҳам: *ча : нг*), *кў : р!* (эмоционал узунлик), *ўйла : б* (узоқ ўйлаб), *юри:бюри : б* (узоқ юриб), *қачо : н-қараманг, кувьини мақтайди* (сўзлашув нутқи), *секи : н* (қиёсланг: *тез* сўзидаги унлини бу маънода чўзиб бўлмайд: сабаби—семантик планда), *та : қ-та : қ, ҳо : в анови, а : нчадан кейин, қа : нча!* (жуда кўп: сўз туркуми ҳам ўзгарди: *қанча? — қа : нча!*), *онажо : н*; б) семантик дифференциация. Мисоллар: *Қодир* (атоқли от) — *қо : дир* (қудрати етадиган: сифат): арабча ва то-

жикчадан кирган *мадор*, *корхона*, *пахтакор* каби сўзлардаги узун унли ўзбек тилида чўзиқликни йўқотган: бу узунлик ўзбек тилининг фонетик структурасига мос келмайди. Айрим ҳолларда бу узун-қисқалик маънони фарқлашга хизмат қилган: *Олим* — *о* : *лим*, *уста* (мастер) — *усто* : (хитрий). Ўзбекча сўзлардаги бундай бошқача фарқланишни солиштиринг: *Ёши* — *етмиш беш* (аниқ) — *Ёши* — *етмиш бе* : *ш* («тахминан», бу «етмиш бешларда» деган мазмунга тўғри келади). Яна: *силамоқ* (*силамоқ* — *сийпамоқ*) — *си* : *ламоқ* (ҳурмат қилмоқ. Ҳар иккала маъно аслида алоқадор).

Унлининг чўзилиши геминация (ундошни такрорлаш — «чўзиш») билан алоқадор: функцияси ҳам бирига мос келади. Мисолларни солиштиринг: *узу* : *н кун* — *узун кун* (унлининг чўзилиши билан ифодаланган «узоқлик» энди ундошнинг «чўзилиши» — такрорланиши билан берилди) — *уззу* : *н кун* — *уззу* : *кун* (ҳар икки восита қўлланиб, ўша маъно яна ҳам кучайган).

Сўздаги унлининг чўзилиши айрим ҳолларда аффикс қўшиш натижасида туғилади. (Қиёсланг: аффикс қўшиш билан баъзан бунинг акси келиб чиқади: *ча* : — *чақирмоқ*, *ба* : — *бақирмоқ* каби.) Аффиксация натижасида унлининг чўзилишини уч ҳолатда кўрамиз:

1. Отларга фамилия билдирувчи *-ов*, *-ев* (*-ова*, *-ева*) аффикслари қўшилганда, бу морфемадан олдинги бўғиннинг унлиси чўзилади: *То* : *шев*, *Йўлдо* : *шев*, *Охунбобо* : *ев* каби. Урғуси охирги бўғинда бўлган *Малов*, *Седов* каби фамилиялар ўзбек тилида худди шу формада ўзлашган. *Салим*, *Карим* каби отларнинг кейинги бўғини ўзбек тилида узунликка эга эмас, улар фамилия аффикси қўшилганда, одатдагидек, узунлик олади (*Карим* — *Кари* : *мов*), лекин *Сали* : *ма*, *Кари* : *ма* каби отлардаги узунлик ўзбек тилида аффиксация билан боғланмайди: улардаги род — жинс кўрсаткичи ўзбек тилида айрим уқилмайди.

2. *Сон* (миқдор) — *со* : *ни* (-и: эгалик аффикси) : омонимларни фарқлаш (*теримчиларнинг со* : *ни бизнинг бригадада юзга етди*). Лекин бундай узайиш жуда кам учрайди. Нутқда улар, кўпинча, бир хил айтилиб, фарқлаш вазифасини контекст бажара беради. Бошқача узайишни солиштиринг: *ўн+уч* → *ў* : *нуч* (ундош такрорланса, узунлик йўқолади: улар ўрни билан бир-би-

рини компенсация қилади. Масалан, *ўннуч* : *Қўқон* шевасида).

3. *Жон*, *йор* (*ёр*), *мадор* каби баъзи сўзлар аффикс қўшилиши натижасида айрим ҳолларда узунлик олади. Масалан, *йо* : *рим*, *жо* : *ним*, *о* : *рим*, *мадо* : *рим*. Этимологик жиҳатдан қараганда, буларда узунлик «қайтган». Айрим изоҳлар: а) бу сўзлар худди шу фонетик шароитда шеваларда узунликсиз ҳам айтилади. Масалан, «*Етса, молим, етмаса, жоним*», — *деди чол* (*Эртакдан*); б) худди шу турдаги сўзлар бир хил ҳолатда, одатда, узунлик олмайди (*нон* — *нони*, *нор* — *нори*, *дор* — *дори*, *кон* — *кони*, *дон* — *дони*).

Бу фонетик бошқаликнинг шароити аффиксация натижасида бўгин ўзгариши билан сўз боши ва ўртасида ҳосил бўлган очиқ бўгиндир. Бошқа фонетик шароитдаги ҳолатларни (аффиксацияда) солиштиринг: *жонгинам*, *ёрдан*, *орли*, *жонлилар*; бироқ *жонон* каби сўзларнинг хусусияти билан *жоним* типидagi аффиксал ҳолат бир хил эмас (*жонон* каби сўзлар шу ҳолида — яхлитлигича кўчган).

Товушларнинг тушиши

Товуш тушиши ҳодисаси сўзнинг морфологик структурасини анча жиддий ўзгартиради. Бу типдаги ўзгаришлар, айниқса, шеваларда кўп учрайди. Бундай ўзгаришлар ҳар иккала формани қиёслаш орқали билинади (*буюр* — *буйруқ* каби), дастлабки форма ўз мустақиллигини йўқотган бўлса, ўзгариш сезилмас ҳолга келган бўлади (*ай + ит + моқ* → *айтмоқ* каби. Бу ҳақда юқорида айтилган). У формалар дифференциацияга учраганда ҳам шундай (*югур-моқ* → *юр-моқ*, *суғур-моқ* ва *сўғур-моқ* → *сўрмоқ* каби).

Унлиларнинг тушиши (аффиксацияда) шундай кўринишларга эга:

1. *Оғиз*, *бурун* типидagi сўзларга эгалик аффикс қўшилганда, ўзакнинг иккинчи бўғинидаги тор унли тушади (*оғзи*, *бурни*). Фонетик шароити: аффикс қўшилиши билан сўзнинг бўгин структурасининг ўзгариши, бунинг натижасида тор унли иштирокида очиқ бўғиннинг ҳосил бўлиши. Тушишнинг сабаби: ўрта очиқ бўғиннинг урғусиз қолиши (асосий сабаб), лекин бундан бошқа сабаблар ҳам бор: биринчи бўғиннинг очиқ бў-

лиши (*қо-рин, бу-рун, ў-ғил, ба-ғир* каби), қўшни ундошларнинг сифати ва бошқалар.

Айрим изоҳлар: 1) *шаҳар*—*шаҳри кўриниши* (а тушган) асосий қоидадан чекинишдир (асли — тарихан бу сўз *шаҳр* формасида бўлган). Қиёсланг: *қаҳр* — *қаҳир* — *қаҳри*. *Заҳар* — *заҳри* кўриниши стилистик жиҳатдан фарқланган; 2) сўзлашув нутқидаги *қисим* — *қисми, ақил* — *ақли* тарзидаги ўзгаришлар ҳам юқоридаги қоидага тўғри келади. Лекин аслида бу типдаги сўзларнинг ҳам кейинги бўғинидаги унли ортирилган товушдир: *қисм, ақл* каби бир бўғинли сўзлардаги с+м, қ+л каби товуш (ундош) қўшилмалари ўзбек тили фонетик системасига мос келмаганлигидан орага унли қўшилган; 3) баъзан худди шу шароитда ўша тор унлининг тушмаслик — қоидадан чекиниш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, *бағир* — *бағри*, лекин: *яғир* — *яғири* (отнинг яғири), *оғиз* — *оғзи*, лекин: *оғил* — *оғили*; 4) бундай кўринишлар айрим ҳолларда омонимликдан қочиш учун фарқланади ҳам. Масалан, *оғиз* (рот ва творог маъноларидаги икки сўз): *оғиз* — *оғзи* (сигирнинг оғзи: рот) — *оғиз* — *оғизи* (сигирнинг оғизи: творог).

2. Бу ўзгариш сўз ясовчи, шунингдек форма ясовчи аффикслар қўшишда ҳам учрайди. Мисоллар: *ўйин* — *ўйнамоқ*, *уринмоқ* — *урнамоқ* (-а — аффикс: форма ясовчи), *қийин* — *қийнамоқ*, *ўтирмоқ* — *ўтроқ*, *улуғ* — *улуғаймоқ*, *сарғ* — *сарғаймоқ* — *сарғиш шапир* (-шапир) — *шапра*, *оғиз* — *оғзаки*, *айирмоқ* — *айрим*, *ингир* (-ингир) — *инграмоқ*, *қайирмоқ* — *қайроқ*, *ҳўнгир* (-ҳўнгир) — *ҳўнграмоқ*. Қиёсланг: *олти+миш* — *олтмиш* (диалектал: *отмиш* — *олмиш*), *етти+миш* — *етмиш*. Фонетик шаронти: ўртадаги очиқ бўғин. Тушиш сабаби: урғусизлик (асосий сабаб).

3. Бундан бошқа ҳолларда ҳам учрайди. Масалан, икки унли товуш қатор келганда (одатда, ҳар хил унлилар): *икки + ала* — *иккала*: *и+а—а*; *икки + ов* — *иккови*, *Қарима+ой* — *Қаримой* (сўзлашув нутқида), *бора+олади* — *боролади* каби; *билса+эди* — *билса+й+эди* — *билса+й+иди* — *билсайди*; тарихий ўзгариш: *саккиз+ўн* — *саккизўн* — *саксўн* — *саксан* — *саксон* (*тўққиз+ўн* — ... *тўққсон*; туғилиш йўли ва фонетик процесси бир хил).

Ундошларнинг тушиши шундай кўринишларга эга:

1. *Қарс-қурс* — *қасир-қусур* (р тушган). Фонетик

шароити: **р+с** формасидаги ундошлар бирикмаси билан тугаган бир бўғинли мимемаларга кенгайтирувчи **-ир** аффиксининг қўшилиши. Ўзгариш сабаби: аффикс қўшилиши билан сўз составининг узайиши, бир сўздан икки **р** ундошининг талаффуз учун қулай бўлмаслиги ва бошқалар. Қиёсланг: *қарс-қурс, қасир-қусур, терс* (зид маъносида) **+кари — тескари**.

2. *Қай + йер — қаер, ишлай + йотир — ишлайотир, қай + йоқ + қа — қайоққа* (шеваларда: *қаққа — қа : ?*).

3. *Паст+ай+моқ—пасаймоқ, суст+ай+моқ—сусаймоқ* (жарангсиз ундошдан кейин келган **т** товуши тушган).

Товуш тушишининг бундан бошқа кўринишлари ҳам кўп. Масалан, *ўтириш → ўлтириш* (тарихий), *қочқоқ — қочоқ* (аффикс қисқарган), *чарм — чам, чарх — чах, берк — бек* (эшикни бекитди, бекикликча), лекин буларнинг аффиксацияда ўзакнинг ўзгариши ҳодисасига бевосита алоқаси йўқ, шунингдек бу ҳодиса билан боғланган баъзи ўзгаришлар санокли ўринлардагина учрайди: *нага? — на:?* (Масалан, *на : мунча шошасан?*), *хоҳиш — хоҳламоқ — хо : ламоқ, шаппа — шаппа (п+п) — шаппаламоқ — шапалоқ* (бир **п** тушган) каби.

Товушнинг иккиланиши

Товушларнинг такрорланиши — иккиланиши унлиларда ҳам, ундошларда ҳам учрайди, лекин унлиларда бу ҳодиса, одатда, узун унли ҳосил қилади (**о+о → о : каби**), ундошларда эса ўша ундошнинг чўзилиши сезилса ҳам, одатда, икки бир хил ундош айрим-айрим уқилиб туради: кўпинча, уларнинг бири бўғиннинг охирида, бошқаси ундан кейинги бўғиннинг бошида келади: *ма+за — маз-за*. Шунга кўра иккиланиш сўзи, одатда, ундошларга нисбатан ишлатилади.

Иккиланиш — қўшалоқ бўлиш, жуфтлашиш, такрорланиш ҳодисаси маъносида редупликация (масалан, сўз такрори: *чопа-чопа*); геминация терминлари қўлланади. Масалан, *миққий* (қуш: **қ+қ**), *иллат* (**л+л**). Бундай қўш (чўзиқ) ундошлар **гемината** дейилади. Бу ҳодиса икки хил: 1. Дастлабки гемината (табиий — бирламчи гемината). Бунда сўзнинг ўзи қўш ундошли бўлади: *ҳакка, ванна, металл, тонна* каби. 2. Кейинги гемината (ясама—иккиламчи гемината). Бунда ундош товуш турли мақсадлар учун такрорланади:

терақнинг учида — терақнинг уччида (ч+ч: экспрессия — кучайтириш учун такрорланган). Бунда такрорланишнинг аффиксация билан боғланишини кўрамиз (уч+и+да — уччида).

Товуш иккиланишининг хусусиятлари:

1. Иккиланиш, кўпинча, ўзакларда бўлади, аффиксда эса баъзангина учраб қолади. Масалан, *кўттариб урди* (т+т), *нимма қилишини билмай турди* (м+м), *зарданг нимасси?* (с+с: аффиксда), *ўртасида* — *ўртасида* (т+т).

2. Тилнинг ҳозирги ҳолати билан тарихининг фарқланиши иккиланиш ҳодисасида ҳам кўринади. Масалан, ҳозирги *икки*, *етти*, *саккиз*, *тўққиз*, *ўттиз* сўзлари қадимда иккиланишга эга бўлган эмас. Қиёсланг: *икки* — *йигирма* (*йики* — *ики*, к→г: *йигирма* — *игирма*); *ачимоқ*, *сасимоқ*, *исимоқ* каби феъллардан аффикс орқали сифат ясаганимизда, ундош иккиланади (*ачи* — *аччиқ*, *саси* — *сассиқ*, *иси* — *иссиқ*), лекин булар қадимги тилда қўш ундошли бўлмаган (*ачиғ*, *исиғ* каби). Ҳозирги тилда улар *яша*—*яшиша* каби параллел формада қўлланмайди, демак, бу ўринда кучайтириш функцияси йўқ. Англашиладики, иккала формаси сақланмаганда, кучайтириш функцияси ҳам бўлмайди.

3. Ундошни иккилашнинг функцияси: а) экспрессия, кучайтириш, таъкид кабилар. Масалан, *қор уюмининг теппасида* (*Ойдин*), *янгидан-янгиттан*; б) унлининг узунлигини компенсация қилиш. Мисоллар: *чи* : *ни* : (эски ўзбек тилида) — *чинни* (ҳозирги формаси), *ў* : *нуч* — *ўннуч* (Қўқон шеvasи), *узу* : *н кун* — *уззун кун* каби. Яна: *ши* : *ша* — *шишиша* — *ҳишиша* (шевaларда), *ҳижо* : (бўгин) — *ҳижо* : *лаб* *ўқиш* — *ҳижжалаб* *ўқиш*. Қиёсланг: *ҳижжалаб* *тушунтирди*: *яхшилаб* — «майдалаб, таъкидлаб» тушунтирди ибораси шундан туғилган.

4. Сўз такрори билан товуш такрорининг вазифасида ўхшашлик бор: уларнинг ҳар иккаласи ҳам таъкидлашга, кучайтиришга хизмат қилади. Бу билан логик урғу ҳам боғлиқ: ундоши иккиланган сўз, одатда, логик урғу олган бўлади.

5. Баъзи формалар тарихий тараққиёт процессида фарқланиб — ажралиб кетган. Масалан, *қатиқ* (эски тилда: крепкий маъноси, ҳозир: кислое молоко) — *қаттиқ* (крепкий).

6. Фонетик шароити: интервокал позиция: *уч+и+*

да — *у-чи-да* : *учида*. Бунда такрорланган ундош олдинги бўғинни ёпади (*у+ч — уч-чи-да*). Ўша бўғиннинг ўзи ёпиқ бўлса, оддий ёпиқ бўғин охирида ундошлар бирикиб келган бўғинга айланади: *ўр-та-си-да — ўрт-та-си-да*.

7. *Қаққаймоқ, қўққаймоқ, чўққаймоқ, шўппаймоқ* каби феълларнинг иккала формаси қўлланадиган бўлса (*тўрсаймоқ — тўрсасаймоқ*), кейингиси кучайтиришга хизмат қилади.

8. *Шарт, қарс, жиз* каби мимемаларнинг охириги товуши узунроқ эшитилади, аммо адабий тилда бир ундош билан қўлланади, лекин: а) аффикс қўшишда, одатда — сўз ясашда, интервокал позицияда бу ундош, кўпинча, иккиланади: *жизза (жиз-жиз), шаррос (шар-шар), чуввос (чув-чув), шартта (шарт-шарт), таққа (тақ-тақ)*. Бўғин тузилиши ўзгарганда, ундош иккиланмайди: *жиз+илла : жи-зил-ла, тақ+ир+ла : тақир-ла, қарс+ак : қар-сак*.

Бунда диалектал ҳар хилликлар учрайди: *ғақилламоқ — гаққилламоқ, липилламоқ — липпилламоқ*. Адабий тил нормаси: бир ундош билан қўллаш; б) *этмоқ* ёрдамчи феъли билан келганда (интервокал позиция), одатда, ўша ундош иккиланади (*тақ+этди — таққетти, дук+этди — дуккетти*). Адабий тил нормаси: бир ундош билан қўллаш.

9. Геминация айрим ҳолларда такрорланган мимеманинг қисқаришидан туғилади (аффикс ёрдами билан сўз ясашда): *варварак — варрак, ғурғурак — ғуррак*.

10. *Сир, фан, ҳақ, қад* каби баъзи сўзлар (бошқа тиллардан кирган) ўзбек тилида бир ундош билан қўлланади (*сирр эмас, сир*), бироқ аффиксацияда айрим ҳолларда икки ундош билан қўлланади: *фанний* (лекин: *фан+и*), *қадди*.

Товуш орттириш

Товуш орттиришнинг тури кўп. Бу ўринда уларнинг айримларини кўриб ўтамиз.

1. *Тиш+им* каби қўшилишда эгалик аффикси *-м* бўлиб (қиёсланг: *ручка-м*), и унлиси икки ундошни боғлаш учун келтирилган (*и+и+м*).

2. Икки унлини боғлаш учун эса й товуши қўлланади, лекин бу ҳодиса адабий норма эмас. Масалан, *тулки+й+акан* (*←экан*), *оға+й+ини* (юқорида изоҳланди).

3. Де-моқ, е-моқ феъллари икки хил қўлланади: й билан (дейилади, дейиши), й ундошисиз (деген, демоқ). Бундай қўлланишларнинг ўз фонетик шароитлари ва сабаблари бор. Баъзан бир типдаги ҳодиса икки кўринишга эга бўлади: *ей(йей) — еяй(йейай)*, *нима дерини билмай... — нима деярини билмай...*, *ем(йе+м) — ей-имсак, еярсан — ерсан, деркан — дейаркан*. Булар тарихий даврларга ва диалектларга кўра фарқланади. Демак, бу феъллар аслида икки формада бўлган (*де* ва *дей*, *е* ва *ей*).

4. *Ичида — ичинда, эртаси — эртанси, қайтага — қайтанга, егудек — егундек, тириқлайица — тириқлайинча* каби ўринларда *н* «орттириш» (*ич-и-н-да*) ҳодисаси кўринади. Буларнинг туғилиш сабаблари ҳар хил: бу ҳодисаларнинг ўзи ҳам ҳар хил. Бундай «орттиришлар» адабий тил нормалари доирасига кирмайди. Бундай орттиришнинг яна бошқа бир турини қиёсланг: *о : со : н — онсон — осон*.

5. *Келайдиган* (қиёсланг: *бор-а-диган, ишла-й-диган* ва *кел-а-й-диган*) типдаги конструкцияларда учрайдиган *й* ундоши аналогия натижасида туғилган диалектал ҳодиса бўлиб, адабий норма саналмайди.

6. *Даъво, пальто* типдаги узун унли билан тугаган сўзларга эгалик аффикси қўшилганда, одатда, аффиксдан аввал *й* товуши орттирилади: *даъвойинг, пальтоинг* каби.

Товушларнинг ўрин алмаштириши

Сўзда товушларнинг ўрин алмаштириши бир қанча кўринишларга эга. Масалан, аффиксацияда: *ёғ+мур — ёмғир*. Товушлари ўрин алмаштирган бир қатор дериватлар соддаланиш натижасида туб сўзга айланган. Бу ўзгариш туб сўзларнинг составида ҳам учрайди. Улар, одатда, тарихий ва диалектал фарқларни кўрсатади. Бундай ўзгаришнинг бир фонетик хусусияти алмашувчи товушлардан бирининг, кўпинча, сонор бўлишидир. Ҳамма типга мисоллар: *ўғурламоқ — ўғриламоқ* (диалектал), *ўғирлик — ўғрилик* (орада фарқ бор), *юмдаламоқ — юлмаламоқ* (диалектал), *япроқ — йўрноқ* (диалектал), *шапра — шарпа, киприк — кирпик* (Хоразм), *темирлоқ — термилмоқ* (адабий норма), *ўпирмоқ — ўрпимоқ* (диалектал), *тебратмоқ — тер-*

ватмоқ (диалектал. Маъно оттенкасида фарқ бор.), айланмоқ — айналмоқ (диалектал), ялмоқ — ялмоқ (диалектал), тўғрамоқ — тўғрамоқ (диалектал), ўғри — ўғри (диалектал форма). Баъзи нозик томонлари билан ажраладиганлари: ғижимламоқ — мижиғламоқ, миширмоқ (диалектал) — шимирмоқ, ҳирингламоқ — ҳингирламоқ, ижирғанмоқ — ғижинмоқ, питирламоқ — типирламоқ.

СЌЗ ЯСОВЧИ ВА ФОРМА ЯСОВЧИ АФФИКСЛАР

Бу қисмда «морфем луғати»да анализ қилинган сўзлардаги аффикслар алфавит тартибида баён қилинди. Унга аффиксларнинг ҳамма тури киритилган: сўз ясовчи аффикслар, форма ясовчи аффикслар, сўз ўзгартувчи аффикслар; шу билан бирга маъно ва функцияси, келиб чиқиши ҳали жуда ҳам аниқ бўлмаган морфологик элементлар ҳам киритилди. Масалан, қиз(а)лоқ сўзидаги а элементи (қиёсланг: бўталоқ).

Омоним аффикслар айрим номерлар билан берилди, полисемантик морфемалар эса бир ўринда — бир номер остида берилди. Ҳар бир аффикснинг олдидан (суффиксларда), кейинидан (префиксларда) ва икки томонидан (боғли қўлланишдаги аффиксларда) дефис қўйилди.

• Ажратиш аниқ бўлсин учун морфемалар сўз туркумлари бўйича эмас, балки умумий тарзда алфавит тартиби билангина кўрсатилди. Қўшма аффикслар (-дош каби содалашган аффикслар бунга кирмайди) составидаги компонентларнинг ўз ўрнида айрим-айрим берилганлигига қарамай, табиий, уларнинг ҳар бири мустақил ҳолда ҳам кўрсатилди. Ҳар бир эргаш морфема айрим тасвирланди, лекин алломорфлар берилмади. Чунки биз бу ўринда адабий тил нормаларига асосланамиз.

Аффиксларни беришда боғловчи унли кўрсатилмай, уни қавс ичида бериш маъқул бўлар эди. Масалан, -(и)м, (қиёсланг: ручка -м ва дафтар -им), -(а)й (қиёсланг: қара -й ва кўр (а)-й), лекин аффиксларни излаб топишни практик жиҳатдан енгиллаштириш учун биз уларнинг икки формасини ҳам бериб (-м, -им), биридан иккинчисига қарашни уқдириб ўтдик.

Морфемалар тасвири изоҳлаб бериш характерида бўлиб, буларни тузишда қуйидаги асарларга таяндик: 1. А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, М. — Л., 1960; 2. Ҳозирги замон ўзбек тили, Тошкент, 1957; 3. Ўзбек тили грамматикаси, 1-қисм, Тошкент, 1975.

Морфологик анализ учун сўз танлашда ва морфемалар изоҳида қуйидаги лугатлардан фойдаландик: 1. Узбекско-русский словарь, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, проф. А. К. Боровков таҳрири остида, М., 1959; 2. Р. Қўнғуров, А. Тихонов. Ўзбек тилининг чаппа лугати, Самарқанд, 1971.

- а I от, сифат, мимемалардан феъл ясайди: сон—сан/*a/* моқ, қон—қон/*a/* моқ, тун—тун/*a/* моқ, йўл—йўл/*a/* моқ, гулдур — гул/*дур/a/* моқ, қалтир—қалт/*ир/a/* моқ, бўш — бўш/*a/* моқ ва бошқалар. Маъноси ўзакнинг семантик хусусиятига қараб белгиланади: мимемалардан ясалганда ўша овоз билан характерланадиган ҳаракатни бажармоқ; сифатлардан яшашда ўша ҳолатга ўтмоқ; отлардан яшашда предметга эга бўлмоқ, яратмоқ, унга турлича муносабат ва бошқалар.
- а II феълнинг ўзига қўшилганда форма ясовчи аффикс бўлиб, ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши, интенсивлик каби маъноларни ифодалайди: бур/*a/* моқ, ур/*ин/a/* моқ каби.
- а III чоп/*a/* гон, бил/*a/* гон типидagi конструкцияларда ҳам интенсивлик билдиради.
- а IV чиқ/*a/* си келса, эгаси бош (мақол), ол/*a/* си, бер/*a/* си, ўл/*a/* си каби ўринларда иш оти ясайди, тўғ/*a/* си (рожденный) каби ўринларда сифат ясовчи бўлиб келади.
- а V феъллардан от ва сифатлар ясайди: яр/*a* (ёрмоқдан), тўқ/*a*; кўтар/*a* (савдо), қўш/*a*-қўш/*a* (уйлар).
- а VI мимемалардан от ва сифат ясайди: а) якка мимемалардан: жизз/*a*, лаққ/*a* (балиқ); б) такрорланган мимемалардан ясайди: қаҳ-қаҳ/*a*, шар-шар/*a*.
- а VII кичрайтиш оти ҳосил қилади: уя (уй+*a*), кеч/*a*.
- а VIII чоп/*a*-чоп, ур/*a*-ур, тақир/*a*-туқур каби конструкцияларда кучайтириш функциясини бажаради.

- а IX қыз/а/лоқ каби ўринларда -а—элементи аналогия йўли билан қўшилган.
- а X равишдош формасини ҳосил қилади: бор/а-бор/а, чоп/а-чоп/а.
- а XI мимемалардан равиш ҳосил қилади: тапп/а-тапп/а, гупп/а-гупп/а, шартг/а, таққ/а (тўхтади).
- а XII аёллик жинси (жен. род)нинг кўрсаткичи бўлиб келади: Карим/ов/а, Салим/ов/а. Демак, бу аффикс полисемантиклик ва омонимлик хусусиятига эга бўлиб, сўз ясовчи ва форма ясовчи функциясида келади. Бу морфема -а юкламаси билан ўхшаш формага эга. Масалан, чоп/а-чоп/а ва чоп/-а! (юклама бўлганда дефис орқали кўрсатилиб, шу билан булар ёзувда фарқланади). Айрим ҳолларда боғловчи унли вазифасида ҳам келади: бор /а/ р, кел/а/ р.
- ажак жуда кам қўлланади, ундош билан тугаган феъл негизларидан келаси замон сифатдоши формасини ясайди: кел/ажак, бўл/ажак, бор/ажак. Бунда -а асдида равишдош кўрсаткичидир. Унлилардан сўнг -й орттирилади.
- ай I феълнинг истак майлини ҳосил қилади: бор/ай, кел/ай, ёз/ай, тур/ай, тер/ай каби (Ғ.-й).
- ай II сифатдан от (кўк/а/й), сифатдан сифат (ўнғ/а/й) ясайди.
- ак I отдан от ясайди; кичрайтиш ва ўхшатиш маъносини ифодалайди: йўл/ак, барг/ак.
- ак II отлардан ўхшатиш билдирувчи сифатлар ясайди: қирмиз/ак (олма), ғалвир/ак (ёнғоқ), кес/ак.
- ак III мимемалардан от ясайди: а) якка ҳолда: қарс/ак, ғижж/ак, ғурр/ак; б) такрорланган ҳолда: биз/биз/ак.
- акай кичрайтиш аффикси сифатида ажралади: йўл-йўл/акай, бирвар/акай.
- акам от ва сифатлардан равиш ва сифат ҳосил қилади: ёлғон/д/акам, ҳазил/акам, чин/акам, рост/акам каби.
- аки отдан сифат ясайди: ёд/аки, юз/аки, оғз/аки; баъзан тақлидий сўз (ғирғир/аки, шарт/аки, жирт/аки), равиш (бурун/аки), сифатдан сифат(хом/аки, шўр/аки, пуч/аки), феълдан сифат (кўр/макўр/аки) ясайди.

- ала I** форма ясовчи: икки, уч, тўрт, беш сонларининг жамловчи (уч/*ала*, икк/*ала*, тўрт/*ала*, беш/*ала*) турини ҳосил қилади.
- ала II** (-а+ла) феълларга қўшилиб, интенсивлик маъносини ифодалайди: қув/*ала*/моқ, қайт/*ала*/моқ.
- алак** сифатдан от ясайди, кичрайтиш маъносини билдиради: дўнг/*алак*.
- алла-** сўроқ олмошлари олдидан қўшилиб, гумон олмошини ҳосил қилади: *алла*/ким, *алла*/қаер, *алла*/қачон, *алла*/нима, *алла*/вечук. Вақт, маҳал сўзлари олдидан келиб, пайт равишини ҳосил қилади: *алла*/маҳал, *алла*/вақт.
- ан** араб тилидан кирган сўз (от) ларда равиш ясовчи функциясида келади: асос/*ан*, жавоб/*ан*, шакл/*ан*, умум/*ан*, тахмин/*ан*, виждон/*ан*, мазмун/*ан*, шахс/*ан* каби.
- ана** кўрм/*ана*, тўй/*ана*, расм/*ана* каби сўзларда учрайдиган пассив элемент.
- ар** ундош билан тугаган феъллардан келаси замон сифатдоши формасини ясайди: тинчликсев/*ар*, меҳнатсев/*ар*, изқув/*ар*, ҳуснбуз/*ар*, ишбуз/*ар*, бўл/*ар*, отчоп/*ар*, чўрткес/*ар*, бўйўс/*ар*, бешиктерват/*ар*, тезот/*ар*. Уринбос/*ар*, кунгабоқ/*ар*, чўчқабоқ/*ар*, қўйбоқ/*ар* типдаги сифатдошлар одатда отлашган бўлади.
- аро** ора сўзи бўлиб, аффикслаша бошлаган отларга қўшилиб келади, бу сўз кўпинча сифат вазифасида қўлланади: ўз/*аро*, базм/*аро*, район/*аро*, ҳужайралар/*аро*, колхозлар/*аро*, областлар/*аро*, халқ/*аро* каби.
- аси** (а+си) феъл негизидан унинг сифатдош формаси ясалади: кел/*аси* (йил), ўл/*аси*(мол).
- ат** 1) араб тилидан кирган сўзлар составида учрайди: қонун/*ий*/ат зарур/*ат*, мамнун/*ий*/ат, инсон/*ий*/ат, мажбур/*ий*/ат. 2) феълдан от (ўл/*ат*, кўч/*ат*), отдан от (эл/*ат*) ясайди.
- ақай** чап/*ақай* (сифат).
- агон** феълдан сифат ясайди ва кучайтирув оттенкасига эга бўлади: бил/*а*/ғон, ол/*а*/ғон, кул/*а*/ғон, теп/*а*/ғон, топ/*а*/ғон, чоп/*а*/ғон, қоп/*а*/ғон. Асли: -а (интенсивлик аффикси)+ғон(сифатдош аффикси).
- б** феълнегизларидан ўтган замон равишдошини ҳосил қилувчи морфема: тара/*б*, қари/*б*, ўйна/*б*, сўзла/*б*

- каби. Бу тилдаги айрим равишдошлар равишга кўчган: Қишлоққа қара/*б* (томон) кетди.
- ба-** тожик тилидан кирган приставка, пассив, ўзбек тилидаги *-ли* морфемаси бажарган вазифани бажаради, унинг синоними ҳисобланади. У отлар олдидан қўшилиб, от негизда ифодаланган предметга эгаликни билдирувчи сифат ясайди. Одатда, четдан кирган сўзлар составида учрайди: *ба/давлат* (давлатли), *ба/қувват* (қувватли), *ба/маъни*, *ба/савлат*. Айрим ҳолларда *ба-* морфемасини *-ли* морфемаси билан алмаштириш мумкин бўлмайди: *ба/зўр* // зўрли(?!).
- бад-** пассив, тожик тилидан кирган, отдан салбий маъно оттенкали—«ёмон маъносидаги» сифат ясайди: *бад/ном*, *бад/бахт*, *бад/башара*, *бад/жаҳл*, *бад/қовоқ*. У тожик тилида феъллардан ҳам сифат ясайди: *бад/бин*, *бад/хўр*.
- бар-** тожик тилидан кирган отларга қўшилиб, шу от ифодалаган маънога эгаликни билдирувчи сифат ёки равиш ҳосил қилади: *бар/қарор*, *бар/тараф*, *бар/ҳаёт*, *бар/ҳақ*; баъзан уни ўзбекча *-ли* аффикси билан функционал алмаштириш мумкин: *ба/ҳаво* // *ҳаво/ли* // *ҳаво/дор*, *бар/вақт* // *вақт/ли*.
- бе-** тожик тилидан кирган отлардан шу от ифодалаган предметга эга эмасликни билдирувчи сифат ва равиш ясайди. Баъзан тожик тилидаги *но-* префикси, баъзан эса ўзбекча *-сиз* аффикси билан функционал алмашиши мумкин: *бе/айб*, *бе/андаза*, *бе/армон*, *бе/бахт*, *бе/важ*, *бе/восита*, *бе/даво*. *бе-* билан *-сиз* ёки *но-* аффиксларини алмаштириш мумкин бўлмайдиган ўринлар (семантик фарқланадиган ўринлар) ҳам бор: *но/бош* қўлланмайди, *бе/бош* (шўх) // *бош/сиз* (бошқа маънода), *бе/малол* (малолсиз), *номалол* мумкин эмас, нотинч // *бетинч* эмас; шу каби *тинчсиз* ҳам қўлланмайди.
- бо-** тожик тилидан кирган, отдан сифат ясайди. Тожик тилидаги *ба-*, *сер-* префикслари, *-дор* суффикси ўзбек тилидаги *-ли* аффикси англатган маънога мос келадиган маънони англатади: *бо/адаб* — *ба/адаб* // *адаб/ли*, *бо/маслаҳат* — *ба/маслаҳат* // *маслаҳат/ли*, *бо/умид* // *умид/ли*, *бо/хабар* — *ба/хабар* // *хабар/дор*.

- боз** тожик тилидан кирган, отдан от ясайди. Баъзан у -*воз* формасида ишлатилади (**б**→**в**): найза/*боз*, бедана/*боз*, лўтти/*боз*, каптар/*боз*, дор/*боз*, аския/*боз*; шашка/*воз*, масхара/*воз*, қоғоз/*воз*.
- бон** бирор нарсага қараб турувчи, қўриқловчи шахсни билдирувчи от ясайди: боғ/*бон*, қўйчи/*бон*, сарой/*бон*, -*бон* морфемаси -*вон* формасида ҳам кўринади (**б**→**в**): дарвоза/*вон*, қўйчи/*вон* каби.
- в** феъл негизидан ҳаракат номи, иш процессини билдирувчи отлар ясайди: безилло/*в*, ҳайдо/*в*, айбло/*в*, сўзла/*в*, қишло/*в*, терго/*в*, ундо/*в*, бағишло/*в*, сино/*в*, сайло/*в*, мақто/*в*, бундай вақтда *в* олдидаги *а* товуши *о* га ўтади (**а**→**о**). Конкрет предмет номини кўрсатувчи от, ясайди: яйло/*в*, бур/*о/в*, қиш/*ло/в*, ўрнига қараб -(и)ш, -(у)в, -моқ аффикслари билан функционал алмашуви мумкин. Қиёс.: айбло/*в* // айбла/*ш* // айбла/*моқ*, қутло/*в*// қутла/*ш* // қутла/*моқ*.
- вачча** тожикча ёш бола маъносидаги *вачча* сўзидан олинган пассив элемент. 1) отларга қўшилиб, қавм-қариндошлик муносабатини билдиради: хола/*вачча*, жиян/*вачча*, амаки/*вачча*, ака/*вачча*, қозн/*вачча*, бой/*вачча*; 2) жониворларга нисбатан ишлатилганда бола(си) маъносини билдиради: кучук/*вачча*, ит/*вачча*, мушук/*вачча*. Ит/*вачча*, қул/*вачча* типигади қўлланишларда стилистик бўёқ бор.
- вер** *бермоқ* ёрдамчи феълдан бўлиб, аффиксга айланиш процессидадир. Интервокал ҳолатда **б** товуши **в** га ўтади (**б**→**в**). -*а* ёки -*й* формасидаги равишдошдан давомлилик, такрорланганликни билдирувчи феъл ясайди: ўқи/*й/вер/ди*, ёз/*а/вер/ди*, сўз/*ла/й/вер/ди* каби.
- Баъзан «бошлайвер», «тортинма» каби тўсиқсизликни билдириш отенкасига ҳам эга бўлади: нега жимсан, гапира/*вер*.
- вий** нисбий сифатлар составида учрайди. Одатда, араб ва тожик тилидан кирган сўзларда қўлланади: қабила/*вий*, оила/*вий*, замона/*вий*, афсона/*вий* каби (қ: -*ий*).
- вор** сифатлардан, отлардан эгалик, кучайтирув каби маънолардаги сифат ва равиш ясайди: улуғ/*вор*, умид/*вор*, дори/*вор*.
- га** I жўналиш келишиги қўшимчаси: уй/*га*, мактаб/*га*.

- га II** баъзан келишик аффикси билан қотган ҳолда равишга ўтади: эрта/*га*, индин/*га*, текин/*га*, бир/*га*, бекор/*га*, гўр/*га* (майли маъносида). Шунингдек, III шахс эгалик аффикси билан бирликда келиб, сифат, равиш, баъзан оддан равиш ясайди: ялпи/*си/га*], тикка/*си/га*], айлан/*а/си/га*], чап/*на/си/га*], очик/*ча/си/га*], кўр-кўр/*она/си/га*], қатор/*а/си/га*]. *-га* аффикси беҳуда/*га*, қайта/*га*, жўртта/*га*, бекор/*га* каби равишлар составида ҳам учрайди.
- га III** эна/*га*, ўз/*га* каби отлар составида ҳам учрайди.
- га IV** тер/*га/моқ*, сур/*га/моқ* типидagi феълларда интенсивликни кўрсатиш учун хизмат қилади.
- газ** (турли фонетик вариантларда келади) феълнинг орттирма даражасини ҳосил қилувчи аффикс: юр/*ғиз*, кир/*ғиз*, кий/*ғиз*, кўр/*ғаз*, тур/*ғаз*, ўт/*каз*, ўт/*қиз*, тут/*қаз*, тут/*қиз*, бит/*киз*, бит/*қаз*, ет/*каз*, ет/*киз*, ет/*қаз*. Бу аффикснинг **-кар**, **-кир**, тарзидаги варианты ҳам мавжуд: ўт/*каз* || ўт/*кар*. *-газ* нинг турли хил формалари ўрни билан орттирма даража ясовчи бошқа формалар билан функциядош бўла олади: кўр/*ғаз* || кўр/*сам*, бит/*ир* || бит/*каз*, тўй/*ғаз* || тўй/*дир*, е/*ғиз* || е/*дир* каби.
- гани** (**-кани**, **-қани**) феъл негизларидан мақсад равишдоши ясайди: ёз/*гани*, кўр/*гани*, эк/*кани*, тақ/*қани* каби. Кўпроқ поэзияда *-гани* аффиксининг *-гали(-кали, -қали)* каби архаик формаси ҳам учраб қолади. Ҳозир у қўлланишдан чиққан. *-гани* (**-кани**, **-қани**) ҳозирги ўзбек тилида *учун* кўмакчиси билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин.
- ганча** (**-ган(и)ча**) ҳолат пайт билдирувчи равишдош ясайди: ўтир/*ганча*, югур/*ганча*, ёт/*ганча*, кет/*ганча* (шу кет/*ганча* қайтиб келмади). **-гунча(-кунча, -қунча)** аффикслари *-ганча* аффикснинг грамматик синоними ҳисобланади. Баъзан *-га+қадар* конструкцияси билан синоним бўлиши мумкин. Пайт билдирганда *-га+қадар, -га+ча* каби конструкцияларга синоним бўлиши мумкин. Ҳолат билдирганда «...дан+кўра» конструкциясига тўғри келади ва бошқалар.
- гар** (**-кар**, **-кор**) оддан ишлаб чиқарувчи шахс, касб эгасини билдирувчи шахс оти ясайди, пассив. Жа-

рангли ундошдан сўнг **-гар**, жарангсиздан сўнг **-кар**, жарангсиз ундош ва унлидан сўнг **-кор** формасида ҳам бўлади. Баъзан унлидан сўнг ҳам **-гар** формасида ишлатилади: ҳолва/**гар**, фириб/**гар**, совун/**гар**, даъво/**гар**, мис/**кар**, тажриба/**кор**, ғалла/**кор**, шоли/**кор**, лавлаги/**кор**, пахта/**кор**, ижод/**кор**, санъат/**кор**.

-гар аффикси асли тожик тилидаги **кор(иш)** сўзи билан алоқадор бўлиб, баъзан ўзбек тилидаги **-чи** аффикси англатган маънога яқин маънони англатиш учун хизмат қилади. Қиёс.: ҳолва/**гар**// ҳолва/**чи**, нағма/**гар**// нағма/**чи**, сўзан/**гар**// игна/**чи** каби. Аммо айрим вақтларда улар функционал алмаша олмайдилар: ҳийла/**гар**// ҳийла/**чи**, игво/**гар**// игво/**чи**.

Шунингдек, **-чи** билан биргаликда ҳам келади: Савдо/**гар/чи**/лик. Бу плеонастик аффикслардир. Бунда улардан бири семантик жиҳатдан кучсизланиб, сўз ясовчидан форма ясовчига ўтади.

-гарлик отдан от ясайдиган аффикс: совун/**гар/лик**. Кўпинча **-гар/чи/лик** формасида келади: совун/**гар/чи/лик**, ошна-оғайни/**гар/чи/лик** (қ. **-гарчилик**).

-гарчилик қўшма аффикс (**-гар+чи+лик**) бўлиб, абстракт от ясайди: ҳолат номи, касб номи ва бошқалар: овора/**гар/чи/лик**, сероб/**гар/чи/лик**, совун/**гар/чи/лик**, лой/**гар/чи/лик** каби.

Кўп ҳолларда **-гарчилик** аффикси ўзбекча аффикслар **-чилик** ёки **-лик** нинг грамматик синоними бўла олади. Чоғиштиринг: шарманда/**гарчилик**//шаманда/**чилик**// шарманда/**лик**; маҳмадона/**гарчилик**,// маҳмадона/**чилик**// маҳмадона/**лик**. Бу сўзларда **-гарчилик**, **-чилик** ва **-лик** аффиксларини алмаштириш мумкин бўлса, хумори/**гарчилик** каби сўзларда **-гарчилик** ўрнида **-чилик** ёки **-лик** аффиксини ишлатиб бўлмайди. Худди шундай оғир/**чилик** типдаги сўзлардаги **-чилик** аффикси ўрнида **-гарчилик** аффиксини ишлатиб бўлмайди.

-гач к, г товушларидан сўнг **-гач**, **-кач**; қ, ғ товушларидан сўнг **-қач**) аффикси пайт ва сабаб маъносини англатувчи равишдош ясайди: кўр/**гач**, ёз/**гач**, юр/**гач**, битир/**гач**, тек/**кач**, йиқ/**қач**, чиқ/**қач**. **-гач** аффи-

кси равишдош ясовчи **-(и)б** аффикси билан баъзан синонимик муносабатда бўлади: ўқи/б бўл/иб келдим // ўқиб бўл/гач келдим. Айрим ҳолларда **-гач** аффикси **-гандан кейин** (сўнг) конструкцияси билан функциядош бўлади: У кел/гач, мен кетдим // у кел/гандан кейин (сўнг) мен кетдим.

Унинг пайт ва сабаб маънолари, одатда, контекстда конкретлашади (масалан, у айт/гач,...), лекин инкор формаси билан келганда, кўпинча, сабаб билдиради: У борма/гач, мен бордим.

-гача (**-га+ -ча**) қўшма аффикс. От, сифат, равиш, олмошдан чегара маъносини билдирувчи равиш ясайди: кеч/гача, куз /гача уй/гача, мактаб/гача.

-гача аффикси **қадар//довур** кўмакчилари билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин. Чоғиштиринг: Тошкентгача // Тошкентга қадар // до-вур; соат олти/гача // олтига қадар // до-вур каби. Булар орасида нозик семантик фарқ бор: Ўн бешинчигача (до...) — ўн бешинчига до-вур (по...).

-ги I унли ва жарангли ундошдан сўнг **-ги(-ғи), -ғу**, жарангсиз ундошдан сўнг эса **-ки(-қи)**.

Бу аффикс феъл негизларидан нарса — объект ва қурол отларини ясайди: чол/ғи, чал/ғу, суз/ғи, супур/ғи, ёқил/ғи.

-ги II абстракт от ясайди: кул/ғи, сез/ғи, туй/ғу (қ. **-ки I, -қи I, -ғи**).

-ги III от, равишдан кўпинча нисбий сифат ҳосил қилади: яна/ғи, сўнг/ғи, куз/ғи, энди/ғи, ичкари/ғи, аввал/ғи, кундуз/ғи, тун/ғи, бурун/ғи каби (қ. **-ки II, -қи II**).

-ги IV эгалик аффикслари билан бирликда келиб (иш оти бўлиб), у сўз келмоқ феъли билан қўшилганда хоҳиш маъносини англатиш учун хизмат қилади: кўр/ғи+м келди, ўқи/ғи+м келди каби. Худди шу маъно **-ги+м** аффиксли сўзларни бор ва йўқ сўзлари бошқарганда ҳам юз беради: сўра/ғи+м бор, ишла/ғи+м бор каби (қ. **-ки III, -қи III**).

-ги V феъл негизларига қўшилиб, такрорланиш, давомлилик маъносини билдиради: югур/ғи/ла/моқ, чўз/ғи/ла/моқ.

-гиз феълнинг орттирма даражаси формасини ҳосил қилади. **-гиз** аффикси, асосан, ўтимсиз феълларга қўшилиб, уни ўтимлилаштиради: юр/**гиз**, кир/**гиз**, кўр/**гиз** (қ. **-ғиз**, **-ғаз(-ғаз)**, **-каз**, **-киз**, **-қаз**, **-қиз**).

Баъзан **-из** формасида келади: эм/**из**, тег/**из** (қ. **-из**).

-гил **-гин** аффиксининг тарихий формаси: кетур/**гил**: Ҳозирги ўзбек тилида **-гин** формасида қўлланади (қ. **-гин**).

-гин I **-ғин** ёки **-қин** формасида от ясайди: ён/**ғин**, қув/**ғин**, тош/**қин**, қир/**ғин**, тўл/**қин** каби.

-гин II феълдан англашилган маънони алоҳида таъкидлаш, кучайтириш билан ифодаладиган феълнинг буйруқ майлини ҳосил қилади: кел/**гин**, ўтир/**гин**, ол/**гин**, ёз/**гин**, бор/**гин** (қ. **-қин** I, **-қин** II).

-гина I субъектив баҳо формаси. а) отнинг эркалатиш-кичрайтириш формасини ҳосил қилади: бола/**гина**, қиз/**гина**, жон/**гина**(м) каби; б) сифатнинг субъектив баҳо формасини ҳосил қилади: яхши/**гина**, катта/**гина**, содда/**гина**, ширин/**гина**, кичкина/**гина**, енгил/**гина**, жажжи/**гина**; в) равишда баҳо формасини ҳосил қилади: аста/**гина**, оз/**гина**, энди/**гина**, ҳали/**гина**, кўп/**гина**.

-гина II урғусиз ҳолатда айирув—чегаралов юкламаси вазифасини бажаради: фақат/**гина**, сен/**гина**, сўзларни/**гина**, бизлар/**гина** каби (қ. **-кина**, **-қина**).

-гир феъл ўзагига қўшилиб, бирор ҳаракат ёки хусусиятда ориқликни билдириш учун хизмат қилади: сез/**гир**, бил/**гир** каби. **-гир** ўзининг семантик хусусияти билан **-(а)гон** аффиксига анча яқинлашади. Чоғиштиринг: сез/**гир**// сез/**а**/**гон**, суз/**гир**//суз(**а**)**гон**, бил/**гир**//бил(**а**)**гон** (қ. **-гир**, **-кир**, **-қир** (**-қур**)).

-гич 1) унли ва жарангли ундош товуш билан тугаган феъл негизларига қўшилиб, қурол, асбоб оти ясайди: суз/**гич**, ўтказ/**гич**, кўтар/**гич**, пурка/**гич**, ковла/**гич**, (қозон)юв/**гич**, эмиз/**гич**, қистир/**гич** каби; 2) феъл негизларидан кучайтирув оттенкали сифат ясайди, бу хусусияти билан **-(а)гон** аффиксига ўхшайди: бил/**гич** // бил(**а**)**гон** (тарихан улар фонетик ўзгариш натижасида бир

аффиксдан келиб чиққан). *-(в)ич* аффикси билан синонимликка эга: *иска/гич//иско/-вич* ва бошқалар (қ. *-гич, -кич, -қич, -онгич*).

- гор** (унли, жарангсиз ундошдан сўнг *-кор*). Отларга қўшилиб, касб эгасини, ишлаб чиқарувчи шахсни билдирувчи от ясайди: *дурад/гор, -гор, -кор* асли тожик тилидан кирган (қ. *-гар, -кар, -корI*).
- гоҳ** тожик тилидан кирган. Ўзақдан англашилган воқеа-ҳодиса билан боғланган ўринни билдирувчи от ясайди: *сайл/гоҳ* (сайл ўрни), *жанг/гоҳ, ором/гоҳ, қарор/гоҳ* каби. Пайт маъносидаги «гоҳ» сўзининг (бунда *гоҳ* боғловчисининг) синоними.
- гу** феълнинг келаси замонини кўрсатувчи тарихий форма. Ҳозир ўзбек тилида фақат поэзияда стилистик мақсадлардагина ишлатилиб келади: *Ҳосилингиз мўл бўл/гу/си, Душман куйиб кул бўл/гу/си* (қ. *-қи, -ғу*).
- гун** *-дай, -дек* аффикслари билан бирликда келиб, феъл негизларидан равиш ясайди: *арзи/гун/дай, айт/гун/дай, ўл/гун/дек* каби. Маъноси: ўзақдан англашилган ишга ярарли, мос келиш, арзийдиган, шунингдек, ўхшашлик (қ. *-дай, -дек*).
- гунча** феъл ўзак-негизларидан пайт маъноси билан алоқадор равишдошлар ясайди: *кел/гунча, пиш/гунча, уз/гунча, юр/гунча* каби. Давомлилик маъноси: *Шаҳарга ет/гунча* суҳбатлашиб келди (қ. *-кунча, -қунча*). Ишнинг мўлжалланган иккинчи ишдан кейин бажарилиши, шунингдек, чоғиштириш маъноси: «...дан + кўра»: *бекор юр/гунча// бекор юр/ган/дан кўра...*
- гур** феълга қўшилиб, истак маъносини ифодалайди; одатда, сифатдош ва сифатларга тўғри келади: *боласи тушма/гур* ёш-да... *Ўлма/гур* отам бермайди севганимга ёр-ёр.
- гуси** келаси замон сифатдоши ясайдиган архаик форма: *кел/гуси* иш, *бўл/гуси* иш каби (қ. *-ғуси*).
- да I** ўрин келишиги қўшимчаси: *уй/да, иш/да, цех/да, боғ/да*.
- да II** таъкид, тўсиқсизлик юклагаси: *бўлса/да, келса/да, битса/да, сен/да*. Пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб, маъноси ўрин равишига тўғри келади.
- да III** *ёз/да, куз/да, яқин/да, тезлик/да*.

- да IV ун/*да*/моқ, ал/*да*/моқ, ин/*да*/моқ, ҳай/*да*/моқ каби феъллар составида учрайдиган ясовчи бўлиб, *-ла* ясовчисининг алломорфидир.
- да V боғловчи, бундай вақтда у *ва*, *ҳам* боғловчилари билан синонимик муносабатда бўлади (маъно оттенкасида фарқ бор): ...келди/*да* кетди//келди *ва* кетди; ... келса/*да* ишламади//келса *ҳам* ишламади (қ. *-та*).
- даги қўшма аффикс (ўрин келишиги кўрсаткичи *-да*) от, сифат ва олмошдан сифат ясайди: уй/*даги*, боғ/*даги*, план/*даги*, сен/*даги*, мен/*даги*, биз/*даги*, сиз/*даги*, бун/*даги*, узоқ/*даги*, яқин/*даги*, кеч/*даги*, қуйи/*даги*, гал/*даги*, навбат/*даги* каби.
- дай //дек от, сифат, олмош ва баъзан бошқа туркумдаги сўзлардан сифат ва равиш ясайди: яшин/*дай* (-дек), бургут/*дай*(-дек), ўқ/*дай*(-дек), сиз/*дай* (-дек), кафт/*дай*(-дек), қуш/*дай*(-дек), қилич/*дай* (дек), чаман/*дай*(-дек), бир/*дай*(-дек), аввалги/*дай*(-дек), тоғ/*дай*(-дек), ой/*дай*(-дек), гул/*дай* (-дек), қадимги/*дай*(-дек). Бу аффикс воситасида ясалган сифат ва равишлар ўхшатиш, қиёслаш маъносини билдиради ва *сингари*, *ўхшаши*, *каби*, *қадар* кўмакчилари билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин: гул/*дай*//*каби*, *сингари*, ой/*дай*//*каби*, *сингари*. Худди шу каби *-га+ўхшаши* конструкцияси билан ҳам синоним бўлади: ой/*дай*//*-га ўхшаши*, қуш/*дай*//*-га ўхшаши* каби.
- дай*//*дек* қиёс маъносида *-ча* аффикси билан синоним бўлиши мумкин: ўлгун/*ча*// ~ *дай*, ~*-дек* каби. *-дай*//*-дек* формаси баъзан кучайтирувчи *-ин* олиб кенгайди: жин/*дай* (қиёс.: *қиттай*) каби айрим ҳолларда ўзакка сингиб кетиб, ажралмасдан қолган.
- дак I феъл ўзак ёки негизидан от, сифат ясайди. Бундай сўзлар ўзбек тилида жуда кам: кекир/*дак*, югур/*дак*.
- дак II *-дай* ёки *-дек* элементининг сўзлашув нутқидаги фонетик кўриниши (қ. *-дай*//*-дек*).
- дан I чиқиш келишиги қўшимчаси, ҳаракат бошланган ўрин, пайт, сабаб, предмет бўлганлик, восита, чоғиштириш каби маъноларни англатади.
- дан II от, сифат, равиш ва сонлардан парадигмадан ажралиб — қотиб, бошқа туркумга кўчиш йўли

билан равиш ясайди: қайта/дан, туб/дан, қасд/дан, тез/дан, афти/дан, атай/дан, чин/дан, бир/дан, бехос/дан, янгит/дан, рост/дан, ҳалит/дан, тўсат/дан//тўсин/дан, қўққис/дан каби. -дан аффикси билан, сабабли кўмакчилари ҳамда тўдадан ажратилганлик маъносини билдирганда, қаратқич келишик қўшимчаси -нинг билан синонимик муносабатда бўлади. Такрор сўзларнинг биринчи компонентда келиб, кучайтириш маъносини билдиришга хизмат қилади: янги/дан-янги, узун/дан-узоқ, кўп/дан-кўп каби.

-дан III доналик сонлардан тақсим сон ҳосил қилади: учта/дан, бешта/дан, ўнта/дан каби (қ. -дин).
-дар дар/гумон, дар/ғазаб, дар/ҳақиқат каби сўзлар составида ажратилади. Маъноси: -ли, -да морфемаларининг мазмунига тўғри келади. Қиёс.: дар/гумон// гумон/ли // гумон/дор; дар/ҳақиқат//ҳақиқат/да.

-дек// -дай (қ. -дай// -дек).

-ди I ўзлик даражадаги феълга қўшилиб, -инди формасида от ясовчи саналади: куй/ин/ди, кел/гин/ди, чўк/ин/ди, чири/н/ди, қир/ин/ди, юв/ин/ди, чиқ/ин/ди, йиғ/ин/ди каби. Маъноси: ўша ҳаракат билан туғиладиган натижа отлари.

-ди II ҳаракатнинг ҳозирги-келаси, келаси ёки ўтган замонда бажарилганлиги ёки бажарилажагини кўрсатадиган тусловчи аффикс: ўқий/ди, ишлай/ди, тера/ди, ёз/а/ди, ўқи/ди ёз/ди кел/ди каби.

Аналитик феълларда тўлиқсиз феъл, кўпинча, айтилмай қолади (сўзлашув нутқи, поэзияда ва бошқалар). Натижада, масалан, -ар аффикси воситасида ясалган сифатдошдан давомлилик, такрорланиш каби маъно англатувчи форма ҳосил бўлади: кел/ар/ди, кўр/ар/ди, бор/ар/ди, ташла/р/ди, суз/ар/ди каби. Қиёс.: кел/ув/ди ← келиб эди.

-диган келаси замон сифатдош формаси ҳосил қилади: кела/диган, ёза/диган, ўқий/диган каби. Баъзан -ар аффикси билан синонимик муносабатда бўлади: оқ/ар сув// оқ/а/диган сув, кўр/ар кўз // кўр/а/диган кўз; фарқ шундаки, -ар ли форма билан ифодаланган белги нисбатан турғунроқ бўлади ва сифатга жуда яқинлашади. Баъзан

эса *-моқчи* аффикси билан синоним бўлади: *ёза/диган* бўл *//ёз/моқчи* бўлди, *кел/а/диган* бўлди *//кел/моқчи* бўлди каби.

-дик// -диқ I ўзбек тилида айрим феъллардангина от ясайди: *сий/дик*, *қол/диқ*, *ташлан/диқ*, *ҳор/диқ*, *топил/диқ*, *қоқин/диқ*, *қувон/диқ* (асли сифатдош).

-дик II поэзияда, сўзлашув нутқида баъзан *эдик* (I шахс кўплик) феъли *-ар* аффикси воситасида ясалган сифатдошлардан сўнг *-дик* формасида ишлатилади ва давомийлик, такрорланганлик маъносини билдиради: *келар/дик*, *ёзар/дик*, *ўқир/дик*, *турар/дик* (қ. *-ди II*).

-дин (қ. *-дан* ҳозирги форма, *-дин* архаик форма).

-динг I поэзияда, сўзлашув нутқида *эмоқ* феълнинг II шахс бирлиги, *-ар* формасидаги сифатдошдан сўнг *-динг* тарзида ҳам қўшилади: *кел/ар/динг*, *ёз/ар/динг*, *бор/ар/динг* каби (қ. *-ди II*).

-динг II баъзи шеваларда *-нинг* қўшимчаси айрим сўзларда *-динг*, *-тинг* формасида ишлатилади. Лекин бу адабий норма эмас.

-дингиз *эмоқ* феълнинг II шахс кўплиги, *-ар* формали сифатдошдан сўнг поэзияда, сўзлашув нутқида баъзан *-дингиз* формасида ҳам ишлатилади: *кел/ар/дингиз*, *ёз/ар/дингиз*, *тур/ар/дингиз*.

-дир I кесимлик аффикси. III шахс бирлигида, феълдан бошқа сўз туркумларига қўшилиб, шу вазифани бажаради: *укам ўқувчи/дир*, *синглим учувчи/дир*, *акам инженер/дир* каби. Лекин бу «соф» адабий форма бўлиб, сўзлашувда, кўпинча, бунинг вазифасини пауза бажаради, демак, *-дир* қўлланмайди. Адабий тилда ҳам буни ишлатиш камайиб бормоқда, чунки бу элемент гумон, тахмин маъноси билан боғланади: *студент/дир* (студент бўлса керак), *борган/дир* (борган бўлса керак), *келган/дир*, *ўқиган/дир*, *турган/дир*, *бажарган/дир* каби.

-дир II сўроқ олмошларидан гумон олмоши ясайди: *ким/дир*, *нима/дир*, *қаер/дир*, *қаердан/дир*, *ким/дан/дир*, */қандай/дир* каби.

Бундай вақтда *-дир II* морфемаси *-алла* морфемаси билан синоним бўлади: *ким/дир//алла/ким*, *қандай/дир//алла/қандай*, *қаерда/дир//алла/қаерда* каби. }

-дир III феъл ўзак-негизларидан унинг орттирма даражаси формасини ҳосил қилади: *ёз/дир*, *кул/дир*, *тўл/дир*, *ол/дир*, *тол/дир*, *кўн/дир*. Жарангсиз ундошдан сўнг *-тир* (қ. *-тир*). Лекин *н*, *л* товушлари билан битган кўп бўғинли сўзларда *-дир* эмас, *-тир* қўлланади: *қувон/тир*, *чўмил/тир*.

-дир IV (сўзлашув нутқиға оид. қ. *-ди* I).

-дон I тожик тилидан кирган. Отларға қўшилиб, бирор предметни сақлаш учун хосланган нарса, идиш оти ясайди: *сурма/дон*, *сув/дон*, *туз/дон*, *гул/дон*, *кул/дон*, *қалам/дон*, *ўқ/дон*, *сиёҳ/дон* каби.

-дон II тожик тилидан қабул қилинган. Отларға қўшилиб, шахснинг характерини, хусусияти, белгисини кўрсатувчи сифат ясайди: *ҳисоб/дон*, *билим/дон*, *гап/дон*, *қадр/дон*. Маъноси: «билувчи» мазмунда бўлиб, *-чи*, *-ли* аффиксларига ички томондан яқинлашади. Қиёс.: *билим/дон//билим/ли*, *ҳисоб/дон//ҳисоб/чи* ва бошқалар.

-дор тожикча *доштан*—эға бўлмоқ (иметь) феълдан олинган, отларға қўшилиб, шу сўз орқали ифодаланган предметға эғалилик ёки предметнинг ўшанға хос, тааллуқли эканлигини билдирувчи от ясайди: *чорва/дор*, *найза/дор*, *ҳазина/дор*, *мансаб/дор*, *амал/дор*. Келтирилган сўзлар асли сифатдир. Бу аффикс семантика ва функцияси билан *-ли* аффиксига тўғри келади. Лекин, биринчидан, *-ли* — актив, *-дор* — пассив, иккинчидан, стилистик бўёқда фарқ бор. Бу аффикс, худди *-ли* аффикси каби белгига эға бўлишда ортикликни ҳам англатади: *шира/дор*, *кунгура/дор*, *айб/дор*, *ранг/дор*, *донг/дор* каби. Бу аффикс ўзбекча *-ли* аффиксидаги каби тожикчадан кирган сўзлардаги *сер-*, *ба-* префикслари билан синоним бўла олади: *гўшт/дор//сер/гўшт*, *айб/дор//айб/ли*, *шира/дор//шира/ли*, *маза/ли//ба/маза* (қиёс.: *маза/ли//бе/маза*). *сер-* элементи баъзан ўзбекча сўзларға ҳам қўшилади: *сер/унум*.

-дош отдан бирғалик, шериклик, умумийлик каби маъно англатувчи от ясайди: *ватан/дош*, *йўл/дош*, *қурол/дош*, *синф/дош*, *курс/дош*, *қарин/дош*, *фикр/дош*, *замон/дош*.

-дош баъзан тожик тилидаги ҳам- аффиксига си-

нонимик муносабатда бўлади: фикр/*дош*/*ҳам*/-фикр, суҳбат/*дош*/*ҳам*/суҳбат, касб/*дош*/*ҳам*/-касб, қишлоқ/*дош*/*ҳам*/қишлоқ. Баъзан уларни алмаштириш мумкин эмас: тенг/*дош*/*ҳам*/тенг (?), эмик/*дош*/*ҳам*/эмик(?), замон/*дош*/*ҳам*/замон(?).

Рашиш/*дош*, сифат/*дош*, ун/*дош* каби грамматик терминлар шу аффикс ёрдами билан ясалгандир.

-доқ I 1) буйруқ феъли формасидан от ясайди: қовур/*доқ*, қўн/*доқ*; 2) тақлидий сўзнинг кенгайган формасидан от ясайди: бизил/*доқ*, шақил/*доқ*, ҳиқил/*доқ*, лиқил/*доқ* каби. Лекин бунда *-илдоқ* комплекси бир бутун ялит саналади (қ. *-илдоқ*).

-доқ II *у, бу, шу* кўрсатиш олмошларидан ун/*доқ*, бун/*доқ*, шун/*доқ* каби сифатлар ясайди. (Кўпроқ сўзлашув нутқида учрайди.)

-дўз тожикча *тикмоқ* маъносидаги феълдан. Ўзакда ифодаланган предметни тикувчи ҳунарманд маъносидаги от ясайди: дўппи/*дўз*, этик/*дўз*, мўйна/*дўз*, кашта/*дўз*, чопон/*дўз*, зар/*дўз*. Кўпгина шеваларда бу маънода *-чи* аффикси қўшилади. Масалан, этик/*дўз* (адабий тилда) — адик/*чи* (хоразм шеваларида).

-ётган феълнинг рашишдош формасига *ётмоқ* ёрдамчисининг қўшилишидан ҳосил бўлган; бундаги *ётмоқ* феъли аффиксга айланиш процессини кечирмоқда. *-ётган* феълнинг сифатдош формаси бўлиб, ёрдамчи функцияда келади. Сифатдошнинг ҳозирги замон формасини ҳосил қилади: кела/*ётган*, бора/*ётган*, ўқи/*ётган*, сўзла/*ётган*, чиқа/*ётган* каби (қ. *-диган*).

-ётир рашишдош формасига қўшилиб, феълнинг ҳозирги замон формасини ҳосил қилади: бора/*ётир*/ман, бора/*ётир*/сан, бора/*ётир* каби.

-ётир аффикси баъзан *-моқда* аффикси билан синоним бўлса (бора/*ётир*//бор/*моқда*, юра/*ётир*//юр/*моқда*), баъзан *-иб юрибди*, *-иб ўтирибди* конструкциялари билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин: ўқи/*ётир*//ўқиб *ўтирибди*, укам университетда ўқи/*ётир*//ўқиб *юрибди* ва ҳоказо.

Лекин буларнинг қўлланиш доираси ва турли оттенкалари ўрни билан фарқланади: кела/*ётир* ва кела/*ётган* формалари замонда бир хилдек бўлса ҳам, лекин актив белги маъносининг характери ва синтактик — қўлланиш хусусияти жиҳатидан бир-биридан ажралади: бола ўқи/*ётир* — ўқи/*ётган* бола.

-жин саноқли сўзлар составидагина учрайди. Род (женский род) тушунчасини беради: гуна/*жин*, мега/*жин*.

-жон I аффиксоид, асосан, отоқли атлар, қавм-қариндошлик терминларига қўшилиб, эркалатиш, ўрни билан кесатиш маъносини билдиради: Наби/*жон*, Қосим/*жон*, дада/*жон*, она/*жон*, тоға/*жон*, ука/*жон* каби; бақла/*жон*, патин/*жон*, маймун/*жон* каби отлардаги -жон бошқа функциядаги омоним аффиксдир.

-жон II жона/*жон*, қақа/*жон*, ороми/*жон*, роҳати/*жон*, ним/*жон* каби сўзлар составидаги -жон «душа» маъносидаги сўзга алоқадор.

-зор ўзакдан англашилган предметнинг бўлиш ёки мўллик ўрнини билдирадиган отлар ясайди: пахта/*зор*, олма/*зор*, бодом/*зор*, гул/*зор*, чакалак/*зор*, узум/*зор*, қамиш/*зор*, илон/*зор*.

Маъно ва функциясига кўра ўзбекча -лоқ, -лик аффиксларига тўғри келади. Қиёс.: ўт/*зор*//ўт/*лоқ*, олма/*зор*//олма/*лиқ*.

-и I учинчи шахс эгалик аффикси, бирлик. Ундош билан тугаган сўзларга қўшилади: китоб/*и*, дўст/*и*, ватан/*и*, қалб/*и* каби. Унлилардан сўнг -си форма-сида бўлади. Уларда кўплик маъноси ўзидан олдин келган -лар орқали ифодаланади: китоб/*лар/и*, дўст/*лар/и*, қалам/*лар/и* каби.

-и II бошқа тиллардан кирган сўзларда учрайди, одатда, ўрин-жойга муносабатни билдирувчи сифат ясайди: кашмир/*и*, кобил/*и*, хитой/*и*, самарқанд/*и* каби.

Самарқанд/*и*, тошкент/*и*, қўқонд/*и* каби сўзларда у ўзбекча -лик аффикси билан синоним бўлади.

-и III от, сифатдан феъл ясайди: ранж/*и*(моқ), тинч/*и*(моқ), чанг/*и*(моқ), тўз/*и*(моқ), кам/*и*(моқ) (кам/*ай*) каби.

- иб ундош билан тугаган ўзаклардан феълнинг функционал формасини ҳосил қилади: ҳаракатни бошқа бирор ҳаракатдан олдин бажарилганлигини ёки у билан бир пайтда бажарилганлигини билдиради: *ёз/иб* (олдим), *кел/иб* (турди), *бор/иб* (олди), *қўзғал/иб* (қолди), *иккилан/иб* (ўтирди), *эшит/иб* (келди) каби.
- из феъл ўзагидан унинг орттирма даражаси формасини ҳосил қилади. Лекин маълум фонетик шароитдагина қўлланади. Масалан, *м* товушидан кейин: *эм/из*, *том/из*, *оқ/из*.
- ий I арабчадан кирган айрим сўзлар составида учрайди. Ундош товуш билан тугаган отлардан (*табий*, *жиноий* кабилар бундан мустасно) нисбий сифат ясайди: *тақлид/ий*, *танқид/ий*, *авлод/ий*, *марказ/ий*, *амал/ий*, *шакл/ий*, *одам/ий* каби. Бу аффикс баъзи сўзлар составида ажратилади, баъзиларида эса мустақил морфема сифатида ажратилмайди: *мадан/ий*, *сиёс/ий*, *самим/ий*, *ҳаққон/ий* (қ. *-вий*).
- ий II тожик тилидан кирган сўзларда учрайди. Топонимик номлардан ёки бошқа баъзи бир отлардан ёки сифатлардан атоқли отлар (*лақаблар*) ясайди: *Хоразм/ий*, *Чуст/ий*, *Наво/ий*, *Муқим/ий* каби. Бу аффикс билан ясалган сўзлар оз учрайдиган, пассив бўлиб, шоир, олим ва ёзувчиларнинг фамилиясини ҳам кўрсатади: *Раҳмат Файз/ий* (Файзиёв), *Жалол Икром/ий* (Икромов), *Амин Умар/ий* (Умаров), *Душан Файз/ий* (Файзиёв), *Юнус Ражаб/ий* (Ражабов).
Ҳозирги тилда бу элемент ўзак билан қотган фамилияни билдирмайди, шунинг учун унга ҳозирги актив фамилия кўрсаткичи қўшилади (*Муҳаммадиев*, *Васлиев*).
- ик I Совет-интернационал сўзлар составида учрайдиган бу ургули аффикс отдан сифат ясайди: *педагог/ик*, *диалог/ик*, *геолог/ик*, *филолог/ик*, *хирург/ик*, *метод/ик*, *орган/ик*;
- ик II феъл ўзакларидан от ва сифат ясайди: *кўр/ик*, *ўл/ик*, *теш/ик*, *кес/ик*, *бек/ик*, *эг/ик*, *келиш/ик*, *кўп/ик*, *кекир/ик*.
- ик III ҳар хил сўз туркумидан феъл ясайди: *кўз/ик*-

(моқ), кеч/ик(моқ), бир/ик(моқ), ич/ик(моқ) каби (қ. -ик, -ук, -к, -қ).

- ик II** феълнинг ўзлик даражасини ясайди. Масалан, кермоқ (бирон нарсани)//кер/ик/моқ (ўзи).
- ил** ундош билан тугаган сўзлардан феълнинг мажҳул даражасини, баъзан эса ўзлик даражаси формасини ҳосил қилади: ўт/ил/ди, сур/ил/ди, бор/ил/ди, ет/ил/ди, от/ил/ди, таш/ил/ди, чайқа/л/ди. -ил аффиксининг ўзлик даражада ёки мажҳул даражада эканлиги кўп ҳолларда контекстдан билинади (қ. -ин, -л, -н).
- илдоқ** тақлидий ва образли сўзлардан от ва сифат ясайди: биж/илдоқ, биз/илдоқ, жик/илдоқ, лик/илдоқ, шилп/илдоқ, пир/илдоқ, хир/илдоқ, пирс/илдоқ, пўрс/илдоқ, шақ/илдоқ, ҳиқ/илдоқ, сўлқ/илдоқ каби.
- илла** товушга тақлидий ва образли сўзлардан феъллар ҳосил қилади: шив/илла/моқ, лов/илла/моқ, ув/илла/моқ, шув/илла/моқ, ҳув/илла/моқ, динг/илла/моқ, виз/илла/моқ, физ/илла/моқ, ак/илла/моқ, серк/илла/моқ, дирк/илла/моқ, лип/илла/моқ, лоп/илла/моқ, қарс/илла/моқ каби.
- им I** биринчи шахс эгалик аффикси. Ундош товушдан сўнг -им, унлидан сўнг эса -м. Мисоллар: ватан/им, шаҳр/им, кўз/им, китоб/им, гулзор/им, нигор/им каби (қ. -м I).
- им II** ундош билан тугаган феъл ўзакларидан от ясайди: кий/им, бил/им, тил/им, ўл/им, бўл/им, тин/им, қўн/им, тер/им, ажр/им, кир/им, кечир/им, қочир/им, ўр/им, кес/им, бос/им, кўч/им, чиқ/им, ун/им. Маъноси: натижа оти, иш оти, объект оти ва бошқалар (қ. -м II, -ум).
- им III** сифатлар ва даража-миқдор равишлари ясайди: сиқ/им, қис/им, айр/им, чек/им каби.
- имиз** (-им+-из) эгалик аффиксининг биринчи шахс кўплиги. Бу форма ундош билан тугаган сўзларга қўшилади: ватан/имиз, халқ/имиз, Ўзбекистон/имиз, китоб/имиз (қ. -миз).
- имтил** (қ. -имтир).
- имтир** белгининг кучсизлигини, камлигини билдирувчи сифат формаси ясайди: кўк/имтир, оқ/имтир, сарғ/имтир, қизғ/имтир. Бу аффикс баъзан -имтил формасида ҳам келади: кўк/имтир//кўк/

- имтир* каби. Лекин бу адабий норма эмас. *-имтир* морфемаси *-иш* ва *-роқ* аффиксларига ўрни билан синоним бўла олади: *кўк/имтир//кўк/иш*, *оқ/имтир//оқ/иш*; *кўв/имтир//кўк/роқ*. (қ. *-иш* III, *-мтир*).
- ин** I феълнинг ўзлик даражасини, баъзан мажҳул даражасини ҳосил қилади: *кий/ин/моқ*, *тақ/ин/моқ*, *ёр/ин/моқ*, *юв/ин/моқ*, *бек/ин/моқ*, *чек/ин/моқ*, *ил/ин/моқ*, *қил/ин/моқ*, *ол/ин/моқ* каби (қ. *-л*, *-н*, *-ил*).
- ин** II феъл ўзак-негиздан от ясайди: *кел/ин*, *қўш/ин*, *туғ/ин*, *ёғ/ин*, *йиғ/ин*, *бўғ/ин*, *эк/ин*, *изғир/ин* каби. Маъноси: бажарувчи номи, натижа оти.
- ин** III ҳолат, пайтга муносабат билдирувчи равишлар ясайди: *ёз/ин-қиш/ин*, *олд/ин*, *бир/ин-кет/ин*, *оч/ин-тўқ/ин*, *эрт/ан-кеч/ин*. Асли қурол келишиги формасидан туғилган.
- ин** IV *ёз/ай/ин*, *ўқи/й/ин*, *бор/ай/ин* типдаги қўшилишларда маънони кучайтирувчи элемент сифатида қўлланади. Қиёс.: *шундай//шундай/ин*, *сендай//сендай/ин* каби.
- инг** I эгалик аффикси, II шахс бирлик. Ундош товуш билан тугаган сўзларга қўшилади: *китоб/инг*, *ватан/инг*, *мактаб/инг* каби (қ. *-нг* I).
- инг** II қаратқич келишиги қўшимчаси ҳам *мен*, *сен* олмошларидан сўнг *-инг* формасида (*мен/инг*, *сен/инг*) бўлади. Қиёс.: *ёзма ёдгорликларда* ва *шеваларда сиз/инг* типдаги формалар ҳам учрайди.
- инг** III ундош билан тугаган феъл негизига қўшилиб, II шахс ҳурмати, баъзан эса ўша шахснинг кўплиги маъносини ифода қилади: *ол/инг*, *бор/инг*, *ёз/инг*, *кул/дир/инг*, *ишла/т/инг*, *топ/дир/инг* *топ/инг* каби (қ. *-нг* II). Бу аффикснинг эгалик формаси ва тусловчи аффикс ҳолатлари (*кўз/инг*, *— кўр/инг*) тарихий жиҳатдан алоқадор: булар бир манбага эга.
- ингиз** I иккинчи шахс эгалик аффиксининг кўплиги. Ундош билан тугаган сўзларга қўшилади: *ватан/ингиз*, *китоб/ингиз*, *дўст/ингиз* каби (ғ. *-нгиз* I).
- ингиз** II ундош билан тугаган феъл ўзак-негизларидан буйруқ майлининг II шахс кўплик формасини

ҳосил қилади: чал/*ингиз*, ёз/*ингиз*, кел/*ингиз*, ўтир/*ингиз*. Бунда ўрни билан ҳурмат оттенкаси ҳам бўлиши мумкин. Сўзлашув нутқида кўпинча *-инглар* формаси қўлланади, бу форма борган сайин адабий тил нормасига айланмоқда: *айтингиз* → *айтинглар*. Қиёс.: қиз/*ингиз*//қиз/*инглар* (қ. *-нгиз* II).

- инди** феълларга қўшилиб, ўша ҳаракат натижасида пайдо бўлган предметни билдиради, натижа оти ясайди: юв/*инди*, қир/*инди*, супур/*инди*, чиқ/*инди*, оқ/*инди*, куй/*инди* каби (қ. *-нди*).
- инги** (қ. *-инди*).
- инчи** форма ясовчи аффикс бўлиб, ундош билан тугаган сўзлардан (сонлардан) тартиб сон ҳосил қилади: бир/*инчи*, беш/*инчи*, ўн/*инчи*, қирқ/*инчи*, юз/*инчи* каби (қ. *-нчи*).
- ир I** от ва мимемалардан феъл ясайди, шу ўзакдан англашилган маъно билан боғлиқ бўлган ҳаракатни бажаришни билдиради: гап/*ир*, туп/*ир*, шоп/*ир* каби. Қиёс.: ёз/*ғ/ир* (← ёз/*иқ/ди*).
- ир II** маълум фонетик шароитда (одада, ч, ш товуши билан тугаган) феълларга қўшилиб, орттирма даража формасини ҳосил қилади: ич/*ир/моқ*, бич/*ир/моқ*, оч/*ир/моқ*, қоч/*ир/моқ*, ўч/*ир/моқ*, кўч/*ир/моқ*, пиш/*ир/моқ*, ош/*ир/моқ*.
- ира** ундош билан тугаган баъзи мимемалардан феъл ясайди: шарқ/*ира*, гурк/*ира*, ярқ/*ира*. Асли *-ир+ра* қўшилмасидан келиб чиққан (қиёс.: ярқ+*илла*). Маъноси: ўша товуш ёки ҳолат билан характерланадиган ишни бажариш.
- (и)стон** халқ номига қўшилиб, у яшайдиган жойни; бошқа предметлар номига қўшилиб, унинг ўрнини кўрсатадиган унумсиз аффикс: Ўзбек/*истон*, Тожиқ/*истон*, Қирғиз/*истон*, Туркман/*истон*; гул/*истон*, қабр/*истон* каби.
- иш I** ундош билан тугаган феъл негизларига қўшилиб, ҳаракат номи ҳосил қилади: бор/*иш*, кел/*иш*, ёз/*иш*, ўт/*иш*, чиқ/*иш*, кул/*иш*, эк/*иш*, юр/*иш* каби. Лекин бу аффикс билан келадиган баъзи сўзлар тамоман от бўлиб кетган. Масалан, йирт/*иш* (материал парчаси), ўрган/*иш* (одат).
- иш II** феълларга қўшилиб, унинг биргалик нисбатини ҳосил қилади. Биргалик маъноси турли оттен-

каларга эга бўлади: текшир/иш/ди, тик/иш/ди, кўтар/иш/ди, кўр/иш/ди, қучоқ/ла/ш/иш/ди, сўз/ла/ш/иш/ди, чақир/иш/ди, юр/гиз/иш/ди, ўп/иш/иш/ди, жўна/т/иш/ди, кез/иш/ди, қаз/иш/ди, чиқ/иш/ди, яраш/иш/ди.

-иш III сифатларга қўшилиб, ранг-тус, белгининг камлигини билдирадиган форма ясовчи аффикс: оқ/*иш*, кўк/*иш*, сарғ/*иш*, қизғ/*иш* каби. Бу форма белгининг камлигини билдирувчи *-роқ*, *-(и)мтир*, *-(и)мтил*, *-гина* каби формалар билан синонимик муносабатда бўла олади. Қиёс.: оқ/*иш*//оқ(*и*)-*мтир*//оқ/*роқ*, кўк/*иш*//кўк(*и*)-*мтил*//кўк/*роқ*, сарғ/*иш*//сарғ(*и*)-*мтил*//сарғ/*роқ*.

-иш IV феълнинг ўзлик даража формасини ҳосил қилади: бур/*иш*/ди, қич/*иш*/ди, ач/*иш*/ди каби ҳолларда ўзлик маъноси кучайтириш оттенкасига ҳам эга бўлади (қ. *-и*).

-ият(-ий+ат) араб тилидан кирган сўзлар (от ва сифатлар)дан мавҳум от ясаш учун хизмат қилади: сабаб/*ият*, мағлуб/*ият*, зидд/*ият*, қобил/*ият*, масъул/*ият*, инсон/*ият*, расм/*ият*, мадан/*ият*, имкон/*ият*, мажбур/*ият*, зарур/*ият* ва бошқалар.

Бунда уч ҳолат бор: а) *-ий* билан келган элемент ўзбек тилида ўзак бўла олмайди (маданий, сиёсий), бунда ажралиш маданий+*ат* бўлади; б) *-ий* билан келган форма мустақил қўлланмайди (масъулият; масъулий формаси йўқ). Бунда ажралиш масъул+*ият* формасида бўлади; в) ҳамма элемент айрим қўлланади: мажбурият. Бунда ажралиш *-ий+ат* бўлади. Демак, бу типдаги дериватлар — ясалмалар икки элементли ёки уч элементли (мажбур/*ий/ат*) бўлади: ўзак+*ий+ат* ёки ўзак+*ият* (масъул/*ият*). Ёки *-ий* элементи ажратилмайди, ўзакнинг составида бўлади, аффикс фақат *-ат* бўлади: маданий+*ат*

-иқ I ундош билан тугаган феъллардан от ва сифат ясайди: соч/*иқ*, чиз/*иқ*, қил/*иқ*, сол/*иқ*, ёр/*иқ*, тута/н/тир/*иқ*, торт/*иқ*, оч/*иқ*, ёп/*иқ*, ёт/*иқ*, қоз/*иқ*, тўз/*иқ*, ёй/*иқ*, қий/*иқ*, ўй/*иқ*, бўл/*иқ*, тўл/*иқ*, чоп/*иқ*, қавар/*иқ* каби. Маъноси: ҳаракат оти, натижа оти, белги оти ва турли белгилар, ҳолатлар.

- иқ II феълнинг ўзлик нисбатини ҳосил қилади: тол/*иқ/моқ*, сўн/*иқ/моқ*, син/*иқ/моқ*, ош/*иқ/моқ*, қон/*иқ/моқ*. Маъносида «ички томонга қараб кучайтириш, интенсивлик» оттенкаси бор.
- иқ III от ва сифатлардан феъл ясайди, бирор предметга, ҳолатга, вақтга муносабат билдиради: йўл/*иқ*, чин/*иқ* каби (қ. -*иқ*).
- иғлиқ (қ. -*иқ*, -*иғ*, -*лиқ*).
- й I унли билан тугаган феълларга қўшилиб, ҳозирги замон равишдоши ҳосил қилади. Бундай равишдошлар, асосан, тусланган формада бўлади: иш/*ла/й/ман*, ўқи/*й/ман*, таш/*ла/й/ман* каби.
 Етакчи феъл функциясида келганда, тусланмаган формада бўлади: иш/*ла/й* бошладим, ўқи/*й* бошладим.
- Ҳол вазифасида келганда ҳам тусланмаган формада бўлади, лекин, одатда, такрорланган ҳолда қўлланади (сўзла/*й*-сўзла/*й* чарчади). Якка қўлланганда, одатда, -*б* ли равишдошлар ишлатилади (сўзлаб чарчади).
- й II феълларга қўшилиб, истак майлининг I шахс бирлик формасини ҳосил қилади; ундошлардан кейин қўшилганда -*а* боғловчиси билан келади: бор/*(а) й*, кел/*(а)й*, ўқи/*й*, бош/*ла/й*, таш/*ла/й*; демоқ кўмакчи феъли билан биргаликда келганда, -/*моқчи* аффиксига синонимик муносабатда бўлади. Қиёс.: иш/*ла/й* дейман//иш/*ла/моқчи/ман*, кўз/*ла/й* дейман//кўз/*ла/моқчи/ман*. Лекин кейинги феълнинг замони ўзгарса, умумий маъно ҳам бошқа бўлади: у қоқилиб йиқи *лай* деди; -*лик* аффикси билан биргаликда шу майлнинг I шахс кўплигини ҳосил қилади (-*й*+*-лик*—*йлик*): бош/*ла/й/лик*, кўз/*ла/й/лик*; -*ин* билан биргаликда келиб, таъкид кучайтириш оттенкасига эга бўлади: бош/*ла/й/ин*, кўз/*ла/й/ин* каби.
- й III сифатлардан феъл ясайди: қора/*й* (қ. -*ай*). Маъноси: бирор ҳолатга ўтмоқ, шунга эга бўлмоқ.
- к I унли билан тугаган феъл ўзакларидан нарса-қурол, натижа ёки ҳолат оти ясайди: кура/*к*, эла/*к*, тўша/*к*, тила/*к*, беза/*к*, тира/*к* (қ. -*ак*, -*ук*).
- к II мимемалардан шу овоз билан характерланадиган ҳаракатни бажарувчи предметлар номи ясайди: пир/*пир/а/к*, биз/*биз/а/к*, гулд/*ур/а/к*.

- к III** ўтган замон феълнинг биринчи шахс кўплигини кўрсатади, ў ўтган замон учинчи шахс бирлигига қўшилади. Қиёс.: иш/ла/ди/к, бор/ди/к, ёз/ди/к, кел/ди/к каби. Бунда у *-миз* аффикси билан синонимик муносабатда бўлади: бордик — борди/*-миз*.
- ка I** к товуши билан тугаган сўзларга қўшиладиган жўналиш келишиги қўшимчаси: ил/гак/ка, чаңг/ак/ка, хандалак/ка, ўрдак/ка, эр/как/ка, малак/ка, кунжак/ка, зулф/ак/ка, катак/ка каби. Баъзан г товуши билан тугаган сўзларда ҳам жўналиш келишик қўшимчаси *-ка* формасида бўлади. Унда ўзакдаги г товуши ҳам к га ўтади: барг//барк/ка.
- ка II** русча-интернационал сўзлар составида ажратилиб, аёллик жинсига (жен. род.) тегишлилик маъносини билдиради: партизан/ка, машинист/ка, санитар/ка, студент/ка, граждaн/ка.
- ка III** йўл/ка каби сўзлар составида келиб, кичрайтиш маъносини билдиради.
- ка IV** ис/ка каби ҳолларда отдан феъл ясайди (қиёс.: ис/ка/б топар, ис/ка/вуч ит). Бу аффикснинг маъно ва функцияси *-ла* ясовчисига тўғри келади: ис/ка/моқ//ҳид/ла/моқ.
- ка V** феълнинг кучайтирувчи аффикси бўлиб келади: сур/моқ — сур/ка/моқ.
- каз** жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилиб, орттирма даража формасини ҳосил қилади: ўт/каз, ет/каз, кет/каз каби (қ. *-гиз*, *-ғиз*, *-киз*, *-қиз*, *-қаз*, *-ғаз*).
- как** отларга қўшилиб асосий маънога бирор оттенка орттиради (эр/как), феълларга қўшилганда бошқа типдаги от ясайди (пиш/как — пишган сутдан туйиш йўли билан сариғ ёғ ҳосил қиладиган предмет номи: кув — маслoбoйкa).
- кали** к, г ундошлари билан битган сўзларга қўшилиб, мақсад равишдоши ҳосил қилади: тек/кали, эк/кали, чўк/кали (қ. *-ғали*, *-қали*). Ҳозирги ўзбек тилида бу форма сўзлашув нутқидан узоқ бўлиб, унинг ўрнида, *-гани* формаси ишлатилади (қ. *-гани*). *-кали* морфемаси *-ши* + *учун* конструкциясига синоним бўла олади.

- кам** отлардан сифат ясовчи ва бирор белги ёки хусу-
сиятнинг озлигини, камлигини билдирувчи пре-
фикс. Тожиқ тилидан кирган. Мисол: *кам/сўз*,
кам/гап, *кам/қувват* каби. Айрим ҳолларда унинг
маъно ва функцияси *-сиз* аффиксига тўғри
келади.
- кан I** феълнинг ўтган замон сифатдоши формасини
ҳосил қилувчи морфема: *эк/кан*, *тек/кан*, *чек/-*
кан, *бук/кан*, *тўк/кан* каби (қ. *-ган*, *-қан*).
- кан II** поэзияда, оғзаки нутқда *экан* феълнинг қис-
қарган формасида кўринади ва у бажарган вазифа-
ни бажаради: *борар/кан* (қиёс.: *борар экан*),
келар/кан (қиёс.: *келар экан*), асли: *эркан*.
- кани** (қ. *-гани*, *-қани*, *-кали*, *-қали*).
- канча** феълларга қўшилиб, бирор ҳаракатнинг юзага
келишига қадар иккинчи ҳаракатнинг бажари-
лишини кўрсатишга хизмат қилади: *эк/канча*,
тек/канча, *тўк/канча*. Мазмуни ҳам, асосан, *-гун-*
ча, *-кунча* аффиксларининг маъносига тўғри ке-
лади, шунингдек, *-дан + кўра* конструкцияси билан
(зидлаш) синонимик муносабатга кириша олади.
- кар** жарангсиз ундош товуш билан тугаган сўзларга
қўшилиб, касб-ҳунар билан боғлиқ шахс оти
ясайди: *мис/кар* каби (қ. *-гар*, *-гор*, *-кор*).
- кач I** феълнинг пайт равишдоши формасини ҳосил қи-
либ, бирор ҳаракатдан олдин бажарилган ҳара-
катни билдиради: (баргини) *тўк/кач*, (пахтани)
эк/кач, (ерга) *тек/кач* каби (қиёс.: *тек/кач/тек/-*
кандан кейин: синонимия). Сабаб маъносини ифо-
далашга ҳам хизмат қилади. (Бу ҳақда юқорида
гапирилди.)
- кач II** баъзи отларга қўшилиб, кенг маънода кичрай-
тишга тўғри келади: *тахта/кач*, *ўр/кач* каби.
- кача** -г, -к товушлари билан тугаган сўзларга қўши-
либ, равиш ҳосил қилади. Кенг маънода чегара-
ни билдиради: *ток/кача*, *узук/кача*, *барк/кача*,
зирақ/кача каби (қ. *-гача*).
- каш I** тожиқ тилидан кирган, аслида тортмоқ маъ-
носидаги сўздан туғилган. Отларга қўшилиб,
касб-ҳунар, профессия эгаси бўлган шахс оти
ясайди: *арава/каш*, *меҳнат/каш*, *чизма/каш*, *пах-*
са/каш, *қалам/каш* (қ. *-чи*).

- каш II** отлардан сифат ясайди: дард/*каш*, хаёл/*каш*, дил/*каш*, паст/*каш*. Бундай сўзлар кўпинча от каби қўлланади.
- кент** географик номлар составида ажратиладиган элемент, ҳозир аффиксга айланган, унумсиз. Тош/*кент*, Чим/*кент*, Ғазал/*кент*. Айрим ҳолларда тожик тилидан кирган *-обод* морфемасига яқин келади. Чин/*обод*, Ленин/*обод*, Деҳқон/*обод* каби. Лекин маъно оттенкаси бошқача (*обод* — благоустроенный). Бу аффикснинг *-қанд*, *-кат*, *-кет*, *-ган* (*Ўзган*) каби кўринишлари ҳам баъзи географик номлар составида ажратилади.
- ки I** жарангсиз ундош товуш билан тугаган феъл негизларидан нарса, қурол, объект, шунингдек, касаллик оти ясайди: теп/*ки*, черт/*ки*, турт/*ки*, кўч/*ки* каби. Бу аффикс жарангли ва сонор ундош товушлардан сўнг *-ги* формасида бўлади (қ. *-ги*, *-ғи*, *-қи*).
- ки II** жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб пайт ва ўринга муносабатни билдирувчи нисбий сифат ҳосил қилади: паст/*ки* ост/*ки*, уст/*ки*, кеч/*ки*, ич/*ки*, қиш/*ки*, соя/*ки* (қ. *-ги*).
- ки III** иш оти ҳосил қилиб, одатда, боғли негиз бўлиб қўлланади: *-ги*+эгалик аффикси+келмоқ феъли ёки *+бор*, *+йўқ* комплекси: кузат/*ки/м* келади, ўт/*ки/м* йўқ каби.
- ки IV** таъкид, кучайтириш каби маъноларни англатувчи элемент: шунча/*ки*, боринг/*ки*, нима/*и/ки*, жам/*и/ки*, демак/*ки*, афсус/*ки*, наҳот/*ки*, хайрият/*ки*, ҳол/*бу/ки*, ҳатто/*ки* ва бошқалар. Буларнинг кўпи аслида боғловчи вазифасидаги *-ки* билан алоқадор. Отанг/*ки* (сенга айтди) каби қўлланишларда юкламага тўғри келади.
- ки V** тожик тилидан кирган эргаштирувчи боғловчи: ҳамма билади/*ки*, радиони рус олими Попов ўйлаб топган; Сўзларингиздан маълум бўлади/*ки*, сиз ўз бурчингизни бажаришга қаттиқ аҳд қилгансиз.
- киз** жарангсиз ундош билан тугаган феъл негизига қўшилиб, орттирма даража ҳосил қилади: ет/*киз*, ўт/*киз*, кет/*киз* каби (қ. *-газ*, *-ғиз*, *-каз*, *-қаз*, *-қиз*, *-ғаз*, *-ғиз*).
- ким** (қ. *-ки*).

- кин I** г, к товуши билан тугаган феълларга қўшилиб, (II шахс бирлигига) таъкид, кучайтириш каби маъноларни беради: тўк/кин, э/кин, тек/кин каби (қ. -гин, -қин II).
- кин II** оғзаки нутқда (э)кан кўмакчи феъли вазифасида ишлатилади: келарми/кин // келар(э)канми, борарми/кин // борар(э)канми. Бу формалар семантик-стилистик жиҳатдан фарқланади ҳам.
- кин III** феълдан сифат ясайди: кес/кин(қ. -қин, -ғин, -гин).
- кина I** г, к товуши билан тугаган от ва бошқа сўзларга қўшилиб, кичрайтиш-эркалаш маъносини ифодалайди; гўдак/кина, бош/кина, эркак/кина, биллак/кина каби (қ. -гина, -қина). Бу аффикс урғули бўлиб, урғусиз ҳолати чегаралаш, таъкидлаш, ажратиш каби функцияларда келувчи юкламадир.
- кина II** сифатлардан унинг субъектив баҳо формасини ҳосил қилади: чувак/кина, сергак/кина, жиндак/кина, хуркак/кина каби.
- кина III** отларга қўшилиб, чегаралаш, ажратиш маъносини англатувчи урғусиз элементдир: безгак/кина (фақат безгак), терак/кина (фақат терак), ҳандалак/кина (фақат ҳандалак). Мисол: кўйлак/кина эмас, пальто ҳам олдим. Бунинг маъно ва функцияси *фақат* ёрдамчисига тўғри келади, кўпинча иккаласи биргаликда қўлланиб, маънони кучайтиради: *фақат* куртак/кина...
- кир I** (қ. -гир I).
- кир II** феълларга қўшилиб, ўзакдан англашилган иш-ҳаракат ёки хусусиятда, кўпинча, ортиқлик маъносини англатувчи сифат ясайди: кес/кир, ўт/кир (қ. -гир II, -қир II, -қур II, -ғир II).
- кич** жарангсиз ундош товуш билан тугаган феълларга қўшилиб, нарса-қурол оти ясайди: сеп/кич, теп/кич, кес/кич, кўр/сат/кич, совут/кич каби (қ. -гич, -ғич, -қич).
- кор I** тожик тилидан кирган; касб эгаси, мутахассислик, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясайди: пахта/кор, бино/кор, халос/кор, хизмат/кор каби (қ. -кар, -гар).
- ку I** таъкидлаш ва кучайтиришни билдирадиган юклама: она/ку, инсон/ку, сен/ку, олдинг/ку, ўқидинг/ку, бординг/ку каби.

- ку II** феъллардан иш оти ясайдиган морфема бўлиб, қўлланиши боғлиқ ҳолатдадир. (қ. *-ки III*).
- кунча** к, г ундошлари билан тугаган сўзларга қўшилиб, *-гунча* аффикси англатган маънони билдириш учун хизмат қилади (қ. *-гунча, -гунча, -кунча*).
- кур** ҳозирги ўзбек тилида *-гир, -гур, -қур, -фир* каби аффикслар англатадиган маънога яқин мазмунни беради (қ. *-гир, -гур, -қур, -фир*).
- л** унли билан тугаган феълларга қўшилиб, мажҳул даража, баъзан эса ўзлик даража ҳосил қилади: *ўқи/л/ди, ёз/(и)л/ди, кўр/(и)л/ди, кўз/га/л/ди, чайқа/л/ди, йиқ(и)л/ди, чўз/(и)л/ди* каби (қ. *-ил, -ин, -н*).
- ла I** энг актив феъл ясовчи аффикс бўлиб, деярли ҳамма сўз туркумларидан феъл ясади: *иш/ла, кўз/ла, оқ/ла, қора/ла, бош/ла, сен/ла, гиж гиж/ла, тез/ла, ўнта/ла, бешта/ла, войвой/ла* каби. Маъноси: ўзакнинг семантик хусусиятига қараб ўша предметни яратиш, восита сифатида ишлатиш, эгаллик, аралаштириш, ўхшатиш; шунингдек бирор белгига эга бўлиш, ҳолатга эга бўлиш каби хилма-хил маъноларни англатади.
- ла II** феълларнинг ўзига қўшилиб келадиган унумсиз форма ясовчидир: *қув/ла, сава/ла, қаши/ла* каби. Маъноси: ҳаракатнинг такрорланиши, кучайиши, узоқ давом этиши, тез такрорланиши, «майдаланиши» ва бошқалар.
- ла III** поэзияда *билан* кўмакчиси қисқартирилиб, *-ла* шаклида ишлатилади, алоҳида морфема сифатида ажратилади: *Кўл/ла* тузган созимни (А. С. Пушкин «Ҳайкал»). Бу элемент феъл ясовчи *-ла* аффиксидан ургусизлиги билан ҳам фарқланиб туради. Қиёс.: *кўз/ла* (феъл, мўлжалламоқ) — *кўз/ла* (кўз билан: от+кўмакчи).
- лаб** турли хил сўз туркумларидан равиш ясади, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини ва миқдорини билдиради: *яхши/лаб, ой/лаб, йил/лаб, саҳар/лаб, куй/лаб, кўп/лаб, тепа/лаб, атай/лаб*. Лекин *-ла+б* формасида бўлганда икки аффикс саналади, бунда *-б* аффикси феълнинг равишдош формасини ҳосил қилади: *майда/ла/б*.

- лай** (-ла + -й) сифатлардан равиш ясаиди; бутун/лай, тирик/лай каби. Баъзан кучайтирувчи -ин аффикси билан кенгайди: бутун/лай/ин, тирик/лай/ин. Ҳолат билдиришига кўра -лигича элементи билан синонимик муносабатда бўла олади. Қиёс.: тирик/лай/ин//тирик/лиг/и/ча.
- лан I** (-ла + -н) сифат ва сонларга қўшилиб, феъл ҳосил қилади. Бу феъл одатда ўзлик даражада бўлади: шод/лан/ди, от/лан/ди, икки/лан/ди, тин/ч/лан/ди, қурол/лан/моқ каби.
- лан II** архаик форма бўлиб, сонларга қўшилиб келади ва жамлик сон ҳосил қилади (маълум сонларгагина қўшилади): икк/ов/лан, тўрт/ов/лан, олт/ов/лан каби. Бу тарихан феъл ясовчи -ла аффикси ва ҳолат билдирувчи н морфемасининг бирикишидан туғилган: олтов/лан — «олтитаси бир бўлган ҳолатда» деган маънода.
- лар I** отларга қўшилиб келиб, предметнинг бирдан ортиқлигини кўрсатади (ноаниқ кўплик), кўпликнинг морфологик кўрсаткичи бўлиб, у форма ясовчидир: одам/лар, қуш/лар, китоб/лар. -лар морфемаси кўпликдан ташқари ҳурмат, кесатиш, муболаға каби маъноларни ҳам билдиради.
- лар II** бу аффикс кесимнинг эга билан сонда мослашувини кўрсатганда, синтактик функция бажаради ва сўз ўзгартувчи саналади: Пионер/лар йиғилдилар. Коммунист/лар — интернационалистлар.
- ларча** (асли: -лар + -ча) -ча, -часига аффикслари каби ҳаракатнинг қайтарзда бажарилиши, ҳаракат ва белгининг ўхшашлиги каби маъноларни англатувчи равишлар ҳосил қилади: ботир/ларча, дўст/ларча, қадрдон/ларча, телба/ларча, бола/ларча, мард/ларча, нодон/ларча, миллион/ларча, ўн/ларча, сурбет/ларча каби (қ. -ча).
- лат** (асли: -ла + -т) орттирма даража формасидаги феъл ҳосил қилади: ободон/лат каби. Аслида феълни -ла аффикси ясаган, орттирма даражани эса -т аффикси ҳосил қилган. Бу икки аффикс айрим ўринларда ажралмас ҳолатга келиб, -лат қўшма аффиксини яратган.
- лаш** (-ла + -ш) биргалик даражадаги феъл ҳосил қилади: ёрдам/лаш/моқ, хайр/лаш/моқ, гап/лаш/моқ,

савдо/лаш/моқ, дўст/лаш/моқ каби. Бу қўшма аффикснинг ҳосил бўлиш йўли -лат аффиксидаги кабидир.

-лаштириш (-ла+-ш+-тир+-иш) тўрт морфеманинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма аффикс. Бу русча-интернационал сўзлар составидаги: *-изация* — «*ификация*» каби аффиксларни калькалаштириш натижасида келиб чиққан: радио/лаштириш, газ/лаштириш, экран/лаштириш, автомат/лаштириш, колхоз/лаштириш, электр/лаштириш каби. Юқоридаги *-лаш* ва *-лаштириш* аффикслари умумий функцияси жиҳатидан ўхшаш бўлса ҳам, лекин маълум фарқлар билан бир-биридан ажралади.

-ли кенг маънода отларга қўшилиб, сифат ясайдиган умумий аффиксдир. Маъноси: бирор предметга, белги-ҳолатга эга эканликни, предметнинг бирор нарсага яроқли эканлигини, эгаликда ортиқликни, иш отларига қўшилганда, шунга жуда ҳам мос келишни англатади: сув/ли, милтиқ/ли, онг/ли; гавда/ли, ейиш/ли, ичиш/ли, қорин/ли, елка/ли, мин/иш/ли (от) каби.

Бирор предметга эгалик ёки шу жиҳатдан ортиқлик билдирганда тожик тилидан кирган **ба-**, **-дор**, **баъзан сер-** морфемалари билан синонимик муносабатда бўлади: маза/ли//ба/маза, унум/ли//сер/унум//унум/дор каби.

-(а)р билан ясалган сифатдошларга қўшилганда «шу ҳолатга эгалик, шунга мос, арзийдиган» деган маънони ифодалайди: қониқар/ли (баҳо), айтар/ли (гап). Ота-она/ли (қиёсланг: ота/ли-она/ли) типидagi қўлланиш хусусияти билан ясовчи аффикслардан ажралиб туради.

Шерюрак (йигит) — шерюрак/ли (йигит) каби конструкцияларда унинг қўлланиши факультативдир.

-лик I турли хил сўз туркумларига қўшилиб, абстракт маъноли от ясайди (белги оти): бола/лик, она/лик, студент/лик, заргар/лик, косиб/лик, боғ/дор/лик, сўл/лик, оғ/ма/чи/лик, тез/лик, яхши/лик, янги/лик, ёлғиз/лик, ботир/лик, эски/лик.

Баъзан конкрет предмет отини ясайди: ширин/лик (қанд, парварда кабилар), дарс/лик,

- кунда/лик, ўс/им/лик, ич/им/лик (напиток). Географик номларга қўшилганда, шахснинг ўша ерга тегишли эканлиги, у ерлик эканлиги англашилади: тошкент/лик, самарқанд/лик, москва/лик каби.
- лик** II инфинитив ва айрим иш отларига қўшилганда, маънони бир оз кучайтиради, таъкид билдиради: бор/моқ/лик, айт/иш/лик, демак/лик. Бундай ҳолларда у маъно ва функциясига кўра форма ясовчи аффиксга тўғри келади.
- лиқ** I турли хил сўз туркумларидан абстракт маъноли от ясайди: айри/лиқ, бор/лиқ, от/лиқ, бош/лиқ, оқ/лиқ, бўш/лиқ, йўқ/лиқ каби.
- лиқ** II отларга қўшилиб ўша отдан англашилган предметнинг ўрни, шунингдек, идиш маъносини билдиради: Олма/лиқ, туз/лиқ каби (қ. -луқ).
- лиқ** III -иқ, -иғ аффикслари + -ган морфемаси воситасида ясалган (осиғ//осилган, ёп/иқ//ёпилган) сўзлар англлатган маънода келиб, предмет ҳолатини кўрсатувчи сифат ҳосил қилади: ос/иғ/лиқ (қозон), ёпиқ/лиқ (қозон), солиғ/лиқ.
- лиғ** (қ. -лиқ).
- лоқ** I отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган предметнинг ўринини, баъзан— шу ўринда ўша предметнинг мўллиги маъносини англатади: сув/лоқ, қум/лоқ, ўт/лоқ, тош/лоқ.
- лоқ** II отларга қўшилиб, субъектив баҳо формасини ҳосил қилади. Кичрайтиш ва эркалаш маъносини билдиради: қиз/а/лоқ, бўта/лоқ, чақа/лоқ, той/лоқ. Баъзи ўринларда -ча аффикси билан синоним бўла олади. Қиёс.: қиз/а/лоқ//қиз/ча, той/лоқ//той/ча.
- луқ**: туз/луқ (қ. -лиқ).
- луғ** (қ. -лиқ).
- м** I унли товуш билан тугаган отларга қўшилиб, биринчи шахс бирлигини кўрсатувчи эгалик аффикси: бўта/м, она/м, ота/м, бола/м, тоға/м, кўрпа/м. Ундодан сўнг -им: қиз/им, кўз/им, шарт/им каби. (қ. -им I).
- м** II феълларда сўзловчи бирлигини кўрсатувчи шахсон аффикси: келди/м, ёзди/м, кўрди/м, севди/м, учди/м каби.

- м III алда/м, чида/м каби ўринларда феъллардан ҳаракат, ҳолат оти ҳосил қилади.
- м IV феъллардан натижа оти ҳосил қилади: тўп/ла/м, тўғра/м каби.
- м V дам/ла/м, ҳўп/ла/м, тиш/ла/м каби ясалишларда миқдор англатиш билан боғлиқ бўлган от ясайди.
- ма I феълнинг бўлишсиз формаси кўрсаткичи сифатида ажратиладиган урғусиз аффиксдир. Инкор, тақиқлаш, огоҳлантириш, тахмин каби маъноларни англатади: бор/ма(ди), ёз/ма(ди), ўқи/ма(ди), кўр/ма(ди), тег/ма, яқин/ла/ш/ма, (олов ўчиб қолган) бўл/ма/син каби. (Бу маъноларни ифодалашда феълнинг формаси ҳам роль ўйнайди).

- ма II Феълдан от ва сифат ҳосил қилувчи урғули морфема: газ/ла/ма, юк/ла/ма, дим/ла/ма, тер/ла/ма, йўқ/ла/ма, қўл/ёз/ма, суз/ма, туг/ма, унда/л/ма, қотир/ма, бос/тир/ма (от); иви/т/ма, қовур/ма, қай/на/т/ма, ағдар/ма, қайт/ар/ма, бўя/ма, яса/ма, бура/ма, жаранг/ла/ма (тақлидий сўздан), бук/ла/ма (сифат).

Маъноси хилма-хил бўлиб, ўзакнинг семантик характери билан белгиланади: натижа оти, жой оти, иш оти; шу белги билан характерландиган нарсанинг оти, ҳаракат билан боғланган белги, овоз билан боғланган белги ва бошқалар.

- ма III тожик тилидан кирган (б→м) такрор формасидаги равишларнинг биринчи компонентидан келиб, ҳолат, ҳаракатнинг белгисини билдириш учун хизмат қилади: қўл/ма-қўл, ён/ма-ён, кет/ма-кет, бир/ма-бир, уст/ма-уст, олд/ин/ма-кейин, юз/ма-юз, орқа/ма-орқа, тизза/ма-тизза каби.

- ман I кесимларда биринчи шахс бирлигини кўрсатадиган сўз ўзгартувчи аффикс: а) феълларда: ёз/а/ман, бор/а/ман, иш/ла/й/ман, кўз/ла/й/ман бажар/а/ман, суз/а/ман каби; 2) бошқа сўзларда: колхоз/чи/ман, иш/чи/ман, педагог/ман, яхши/ман/, катта/ман, бит/та/ман, миллион/та/ман. Биринчи ҳолатдаги -ман (а пункт) урғули бўлиб, кейингиси урғусиздир (урғунинг дифференциация қилиш функцияси).

- манд** отларга қўшилиб, сифат ясайди, белги, хусусият билдириш учун хизмат қилади: баҳра/*манд*, аёл/*манд*, ҳунар/*манд*, давлат/*манд*, орзу/*манд*, иштиёқ/*манд* каби. Бу сўзлар отлар олдида келганда сифат каби қўлланади, лекин кўпинча шахс оти бўлиб қўлланади. Маъноси: кўпгина ўринларда *-ли*, *-дор* аффиксларининг мазмунига яқин келади.
- мас** (*-ма+с*) I-(*а*)р аффикси воситасида ясалган сифатдошнинг бўлишсиз формаеи сифатида ажратилди (*р→з→с*): бил/*мас*, кўр/*мас*, сез/*мас*, топ/*мас*, ўзгар/*мас*, тўй/*мас*, қўрқ/*мас*. Бу морфема сифатдош составида келиб, айрим ажратилади. Редупликация йўли билан ясалган равишларда ҳам шундай: бил/*ар-бил/мас* (гапиради), кел/*ар-кел/мас*, айт/*ар-айт/мас*, эшит/*ар-эшит/мас* каби.
- мас** II *-ган* формали сифатдошдан кейин баъзи сўзларда *эмас* тўлиқсиз феълнинг қисқарган формаси сифатида ажратилади. Бу, одатда, оғзаки нутқда, поэзияда учрайди. Қиёс.: кел/*ган эмас//* кел/*ган/мас*, юр/*ган эмас//*юр/*ган/мас*, суз/*ган эмас//*суз/*ган/мас*. Бунинг ҳам аслида сифатдошга алоқаси бор.
- маслик** (*-ма+с+лик*) феълга қўшилиб ҳаракат, ҳолат номи ясайди: абстракт маъноли сўз ҳосил қилади: қўрқ/*маслик*, иш/*ла/маслик*, кўр/*сат/маслик* каби.
- миз** I биринчи шахс эгалик аффиксининг кўплиги: унли билан тугаган сўзлардан кейин қўшилади: армия/*миз*, ота/*миз*, тоға/*миз*, она/*миз*, опа/*миз*.
- миз** II феъллар составида III шахс кўплигини кўрсатувчи тусловчи аффикс сифатида ажратилади: бор/*а/миз*, кўр/*а/миз*, юр/*а/миз*, топ/*а/миз*, суз/*а/миз*; худди шу вазифада феъл бўлмаган сўзларга ҳам қўшилиб келади. Лекин бунда урғусизлиги билан ҳам фарқланади: студент/*миз*, иш/*чи/миз*, колхоз/*чи/миз*, педа/*гог/миз* каби (қ. -м II).
- миш** эски ўзбек тилида ўтган замон сифатдошининг белгиси бўлган бу форма ясовчи аффикс бугунги тилда қўлланмайди, фақат қотган: ўт/*миш* (йил), қил/*миш-қидир/миш*, э/*миш* сўзларида учрай-

ди. Ҳозирги тилда бу вазифани *-ган* аффикси бажаради.

- МОН** *-(а)р* аффикси воситасида ҳосил қилинган сифатдошлардан шахс оти ва сифатлар ясайди: ўл/ар/мон, еяр/мон, ичар/мон, бил/ар/мон, уста/буз/ар/мон, иш/буз/ар/мон (қ. *-ман*). Бу унумсиз аффикс саноқли сўзлардагина учрайди. «Ўша ишни бажарувчи, шу белгига эгалик, шунда ортиқлик» каби маъноларни англатади. Бунинг маъноси ва функцияси *-(а)гон* аффиксига яқин келади: бил/ар/мон//бил/а/гон (қ. *-ман*).
- МОҚ I** феъллардан инфинитив, ҳаракат номи ҳосил қилади: яша/моқ, иш/ла/моқ, таш/ла/моқ, бош/ла/моқ, ёш/ла/моқ.
- МОҚ II** феълларга қўшилиб, нарса-предмет оти ясайди: қуй/моқ, қас/моқ (қазмоқ), чақ/моқ, тўқ/моқ каби (қ. *-мак*).
- МОҚДА** (асли: *-моқ+да* бўлиб, от формасидир) ҳозирги замон давом феълининг кўрсаткичи: иш/ла/моқда, ёз/моқда, кўз/ла/моқда, бош/ла/моқда, ўқи/моқда.
- МОҚЛИК** (*-моқ+лик*) (қ. *-моқ* ва *-лик*).
- МОҚЧИ** (асли *-моқ+чи* тусида бўлиб, от формасидир) феълнинг сифатдош формаси бўлиб, мақсад маъносини ифодалаш билан боғланган: бор/моқчи, ўқи/моқчи каби.
- МТИР** (*-(и) мтир*) сифатларга қўшилиб, белгининг камлигини, кучсизлигини кўрсатувчи морфема—ясовчи аффиксдир: кўк/(и)мтир, қора/мтир, сарғ/(и)мтир. Бу аффикс белгининг даражасини англатиш жиҳатидан *-ғиш* ва *-роқ* морфемалари билан синонимик муносабатда бўлади. (Қиёс.: кўк/(и)мтир//кўк/иш//кўк/роқ; қора/мтир//қора/роқ; сарғ/(и)мтир//сарғ/иш каби (қ. *-имтир*, *-иш III*)).
- Н I** феълнинг ўзлик, баъзан эса мажҳул даражасини ҳосил қилади: тара/н/ди, ўй/ла/н/ди, таш/ла/н/ди, ўнг/ла/н/ди, тайёр/ла/н/ди, ўқ/ла/н/ди, сўз/ла/н/ди (қ. *-ин*, *-ил*, *-л*).
- Н II** поэтик асарларда баъзан учинчи шахс эгалик аффиксидан сўнг қўшилган тушум (*-ни*) ва қаратқич (*-нинг*) келишиги кўрсаткичи сифатида қўлланади: Чиройлидир гўё ёш келин, икки дарё

ювар кокиди/н. (Ҳ. Олимжон.) Ҳар оила ўчоғи/н ўз қутлуғ тарихи бор (Ҳ. Ғулом). Бу форманинг қаратқич кўрсаткичи сифатида қўлланиши ҳозирги адабий тил нормасидан ташқаридир.

-на феълнинг баъзи бир тарихий формаларисоставида ажратилади: чақ/на/моқ, тўқ/на/ш/моқ, тўғ/на/моқ, чат/на/моқ. Буларнинг кўпи тарихан -н+а тусидадир: йиғ+ин+а → йиғ/на.

-намо тожик тилидан кирган, отлардан ва сифатлардан, сифатдошлардан «ўхшашлик» маъносини англатувчи сифат ясади: жинни/намо, мажнун/намо, ҳазил/намо, олим/намо, кул/ган/намо каби.

-не не/га, не/гап бўлди каби айрим сўзлар составида нима сўроқ олмошининг қисқа формаси: а) якка ҳолда ҳам қўлланади (нима маъносида: не сабабдан... — нима сабабдан); б) нега каби баъзи сўзлар составида ўша маънода келади; в) такрорланиб, аниқловчи бўлиб келганда, одатда, нима олмоши билан алмашмайди. Масалан, Жангга кирди не-не йигитлар (Уйғун).

-ни тушум келишиги кўрсаткичи.

-ники от ёки олмошларга қўшилиб, абстракт — мустақил қарашлилиқ маъносини англатади, лекин сўз яшаш вазифасини бажармайди, демак, у форма ясовчи аффиксдир: ме/ники, Карим/ники, сиз/ники, биз/ники, укам/ники, мактаб/ники, ўзим/ники каби.

-ним- тожик тилидан кирган, аслида «ярим» маъносидаги сўз бўлиб, саноқли сўзлар составида учрайди: ним/ранг, ним/жон, ним/пушти. Маъноси: белгининг кучсизлиги, одатдагидан камлиги.

-нинг қаратқич келишиги кўрсаткичи. Бирор предмет ёки ҳодисанинг бошқа бирор предмет ёки шахсга тегишли эканлигини билдиради: Ленин/нинг асарлари, қалам/нинг учи, сўз/нинг кучи, кўз/нинг қораси, Салима/нинг куйлаши каби. У қаралмиш билан биргаликда бир бутунлик ҳосил қилади. Унинг -ники маъносида қўлланиши ҳозирги замон адабий тили нормаларига хилофдир. Масалан, Севдигим, пролетар, исёнлар сенинг (Ғ. Ғулом).

но- тожик тилидан кирган сўзлар составида ажралиб, баъзан ўзбекча сўзларга ҳам қўшилади, от ва си-

- фатлар олдидан келиб, йўқлик, инкор каби маъноларни билдиради: *но/рози, но/умид, но/қулай, но/маълум, но/тўғри, но/ҳақ, но/илож, но/тинч, но/ўрин*. Маъно ва функцияси жиҳатидан ўзбекча *-сиз* аффиксига тўғри келади. Лекин *но-* кўпинча сифатларга қўшилади. *-сиз* эса, асосан, отларга қўшилади. *но-* морфемаси инкор, бўлишсизлик англатувчи эмас ёрдамчиси билан ҳам алоқадордир. Лекин орада грамматик-стилистик фарқ бор: *но/тўғри/тўғри* эмас (қ. *бе-, -сиз*).
- нома** тожик тилидан кирган «ёзув», «хат», «хужжат» маъносини англатади. Отдан от ясайди: *талаб/нома, айб/нома, жанг/нома, арз/нома, табрик/нома, йил/нома, ваколат/нома, таклиф/нома, гувоҳ/нома, шарт/нома*.
- нчи** унли билан тугаган саноқ сонлардан тартиб сон ҳосил қилади: *икки/нчи, олти/нчи, етти/нчи, йигирма/нчи* каби (қ. *-инчи*).
- нг I** унли товуш билан тугаган сўзлардан сўнг қўшилиб, эгалик аффикси иккинчи шахс бирлигини кўрсатади: *она/нг, ота/нг* каби (қ. *-инг I*).
- нг II** унли билан тугаган феълларга қўшилиб, иккинчи шахс кўнлиги ёки ҳурмат маъносини беради: *ишла/нг, бош/ла/нг, боғ/ла/нг, кўз/ла/нг* каби. (қ. *-инг II*.)
- нг- III** феълларга қўшилиб а) иш-ҳолат оти ясайди (қистала/нг); б) натижа белгисини англатувчи сифат ясайди. Масалан: *бур/а/нг* (тахта буранг бўлиб қолибди), в) натижа оти ясайди: *йири/нг*.
- нгиз I** иккинчи шахс эгалик аффикси кўплигининг кўрсаткичи, унли билан тугаган сўзларга қўшилади: *ота/нгиз, она/нгиз, тоға/нгиз, мартаба/нгиз, маҳалла/нгиз* (қ. *-ингиз I*).
- нгиз II** феълларда иккинчи шахс кўплигини кўрсатувчи тусловчи аффикс: *бош/ла/нгиз, таш/ла/нгиз, уз/ма/нгиз* (қ. *-ингиз II*).
- обод** тожик тилидан кирган айрим сўз маъносидан қўлданишдан ташқари аффиксид сифатида ишлатилиб, «обод» жой маъносини беради. Мисоллар: *Ленин/обод, Халқ/обод, Дехмон/обод, Юнус/обод*.
- ов** саноқ сонларга қўшилиб, жамлик, тўда, йигинди маъноларидаги сон ҳосил қилади: *икк/ов, уч/ов,*

- тўрт/оё, беш/оё, олт/оё, етт/оё. Лекин бу аффикс бир сўзига аналогия йўли билан қўшилган бўлиб, унинг маъноси бошқачадир.
- овлан** (-ов+-лан): олт/овлан, тўрт/овлан (қ. -ов).
- ой** аёллар исмларига қўшилиб, эркалатиш маъносини билдиради: Салима/ой, Туйғун/ой, Барчин/ой каби.
- он I** отларга қўшилиб, кичрайтиш маъносини ифода-лайдиган унумсиз форма ясовчи аффикс: ўғл/он, тўз/он. (Лекин тўз сўзи ҳам от, ҳам феъл бўлган икки сўздир).
- он II** эски ўзбек тилида -б ли равишдошларга қўшилиб, кучайтириш функциясини бажаради: қичқирти-риб/он.
- он III** феъллардан процесс оти ясайди: қўзғол/он.
- она I** от ва сифатлардан ҳолат билдирувчи равишлар ясайдиган унумсиз аффиксдир: мард/она, шоир/она, разил/она, жоҳил/она, қаҳрамон/она, айёр/она. -она равиш составида келганда -ларча, -ча-сига аффикси билан синонимик хусусиятда бўлади. Қиёс.: қаҳрамон/она//қаҳрамон/ларча//қаҳрамон/часига. Баъзи сўзларда -ана формасида қўлланади. Масалан, расм/ана (қ. -ана).
- онғич** (қ. -ағон) суз/онғич//суз/(а)ғон, теп/онғич//теп/(а)ғон, кул/онғич//кул/(а)ғон. Бу аффикс аслида икки қисмдан иборатдир (-он+-ғич). Бундаги н товуши ортирилган элементдир.
- ос** мимемаларга қўшилиб, шу товушнинг умумий но-мини билдирувчи от ясайди: шарр/ос, ғувв/ос, чувв/ос. Гулдур/ос сифати гулдур→+а+с фор-масида ясалган.
- от** араб тилидан кирган сўзларнинг бир қисмида ажра-лади: ажойиб/от, тартиб/от, қисоб/от, маҳсул/от, машғул/от, маълум/от, баён/от, ахбор/от каби. -от айрим сўзларда ўзбек тилидаги -лар аффикси билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин. Лекин -лар кўплик билдиради; -от эса жамлик билдиради: Қиёс.: аҳвол/от//аҳвол/лар, мазор/-от//мазор/лар (қ. -т).
- оқ I** феъллардан сифат ясайди: кўрқ/оқ, бақир/оқ, қол/-оқ. Маъноси: ўзакдан англашилган иш-ҳолат билан характерленадиган белги.

- оқ II феълдан, тақлид сўздан от ясаиди: бук/оқ, қўш/оқ, қоч/оқ, ёт/оқ, ўтир/оқ, қўн/оқ каби. Маъноси: бажарувчи шахс номи, натижа оти ва бошқалар.
- оқ III феъллардан иш оти ясаиди: ўр/оқ. Қиёс.: суво/қ
- оқ IV отлардан уларнинг кичрайтиш формасини ҳосил қилади: бош/оқ каби.
- орич (-о+рич) диалект. (қ. -онғич, -(а)ғон.)
- паз тожикча «пиширмоқ» маъносидаги сўздан, асосан, овқат номларига қўшилиб, шуни пишириш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахсни — касб эгасини билдиради: ош/паз, сомса/паз, кабоб/паз, калла/паз, манти/паз. Унумсиз аффикс бўлиб, санокли сўзлардагина учрайди.
- параст тожикчадан кирган отлар составида ўзакдан англашилган предметга, ҳолатга мойиллик, шуни севиш каби маъноларни англатади: унумсиз аффикс: мансаб/параст, амал/параст, май/параст, хаёл/параст.
- парвар тожик тилидан кирган сўзларда ажралиб, ўзакдаги отдан англашилган предметни тарбиялаш, шунга яхши муносабат каби маъноларни англатади: одам/парвар, соя/парвар, маориф/парвар, инсон/парвар, тараққий/парвар.
- пеш- пеш/қадам, пеш/айвон, пеш/тахта каби отлар составида ажралиб, префикс сифатида қўлланади ва олдинги деган маънони англатади (қ. -пеш/ана).
- р унли товуш билан тугаган феъллардан сифатдош формасини ясаиди: иш/ла/р, қайна/р, бўз/ла/р, бош/ла/р каби (қ. -ар).
- ра I кўпроқ мимемалардан, баъзан эса бундан бошқа сўзлардан феъл ясаиди: жав/ра, ганг/ра (<-ганг/ир/а), инг/ра (<-инг/ир/а). Маъноси: ўзакдан англашилган товушни ҳосил қилиш ёки шу товуш билан характерланадиган ишни бажариш.
- ри асли(р+и) феъллардан ҳолат билдирувчи сифатлар ясаиди, унумсиз: эг/ри, бук/ри.
- роқ 1) сифатларга қўшилиб, унинг озлик даражасини билдирувчи форма ясовчи аффикс. Бу жиҳатдан у -иш аффиксига яқин туради: оқ/роқ//оқ/иш, кўк/роқ//кўк/иш каби. Яна мисоллар: қалин/роқ, баланд/роқ, кўк/роқ, қизил/роқ, катта/роқ, кичик/роқ, сувсиз/роқ, совуқ/роқ; 2) равишнинг

қиёсий даражасини ҳосил қилади: тез/*роқ*, эрта/*роқ*, секин/*роқ*; 3) равишдошларга қўшилиб келганда ҳам шу маънони беради: ўхша/*б/роқ*, уял/*иб/роқ*, торти/*н/иб/роқ*; 4) сифатдошларда ҳам шундай: ўхшаган/*роқ*, қизар/*ган/роқ*, оқар/*ган/роқ*. Бунинг маъноси *сал*, *бир оз* сўзларига мос келади. Ҳозирги тилда бу аффикс қиёс маъносида ишлатилмайди ҳисоб. Чунки бу маъно (қиёс даражаси) «...дан+кўра, ...га+қараганда, ...га нисбатан, ...» каби воситалар орқали ифодаланади. *-роқ* эса ортиқликнинг ёки камликнинг «бир озгина» эканлигини билдиради.

-са I отларга қўшилиб, ўшандан англашилган предметни ишташ маъносидаги феъллар ясайди: сув/*са* (сув ишташ) каби.

-са II шарт майли, учинчи шахс бирлигининг кўрсаткичи: ёз/*са*, ишла/*са*, кўр/*са*, бор/*са*, бош/*ла/са*, таш/*ла/са* каби. Маъноси; 1) мустақил содда гапнинг кесими бўлиб келганда ишташ, илтимос маъноларини англатади. Бундай вақтда у урғусиз бўлади: шу китобни менга бер/*са* бугун ёмғир ёғ/*са*; 2) эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда шарт, пайт каби маъноларни англатади. Бундай вақтда *-са*, элементи урғули бўлади: шу китобни менга бер/*са*, жуда хурсанд бўлардим; Самолётдан қара/*са/м*, чўлда отлар югуришиб юрибди.

Айрим конструкцияларда *-са* элементи учраса ҳам юқоридаги маънолар (истак, ўрин, шарт ва бошқалар) сезилмайди: бор/*са* керак, бор/*са* бўлади, е/*са* бўлади.

-са+к (к. -к).

-сан I 1) иккинчи шахс бирлигини кўрсатувчи тусловчи аффикс; иш/*ла/й/сан*, бор/*а/сан*, кет/*а/сан*, ёз/*а/сан* каби; 2) феъл составида кесимлик кўрсатувчи морфема сифатида ажратилади: студент/*сан*, одам/*сан*, катта/*сан*, ёш/*сан*, колхозчи/*сан* каби.

сер- тожик тилидан кирган отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган предметнинг мўллигини, шунга эга бўлишда ортиқликни англатади: *сер/сув*, *сер/унум*, *сер/ҳосил*, *сер/шовкин*, *сер/гўшт*, *сер/пул* каби. *сер-* морфемаси унумли *-ли*, баъзан унумсиз *-дор* аффикелари билан синонимик муноса-

батга кириша олади. Қисе.: *сер/унум/уи/ум/ли*, *сер/пул/пул/дор*, *сер/шовқин/шовқин/ли*.

Сўзлашув нутқида баъзан бир сўзда *сер-* ва *-ли* элементлар бирликда қўлланиб, маънони кучайтиради (*сер/сут/ли* ситир). Лекин бу плеонастик қўлланиш адабий тил нормаларига кирмайди.

-си I бошқа сўзлардан феъл ясайди, жуда пассив: саноқли сўзлардагина учрайди: *алах/си*, *бўр/си*, *гаранг/си*. Маъноси: ўзакдан англашилган нарсага мойиллик, яратил, ўхшашлик. У *-со* формасида ҳам келади ва кўпгина бошқа аффикслар билан бирга қўлланади: *гаранг/си/моқ*, *сарим/соқ*, *қурум/соқ*, *бўр/си/моқ* (*бўр* — ҳид).

-си II эгалик аффиксининг учинчи шахс бирлиги кўрсаткичи, унли товушлардан сўнг қўшилади: *ука/си*, *она/си*, *ота/си*, *бобо/си*, *жўра/си*, *скульптура/си*, *гравюра/си*. Баъзан эгалик аффиксидан сўнг қўшилиб, аффиксал плеоназм яратади: *бир/и/си*, *ярм/и/си*.

си III ол/*а/си*, ўл/*а/си*, кел/*а/си* каби сўзлар составида сифатдош кўрсаткичи бўлиб, маъно ва функцияси жиҳатидан *-ган* аффиксига тўғри келади. Лекин *-си* саноқли сўзларда учрайди: *кел/а/си йил/келади/ган* йил.

-сиз I 1) биринчи шахс кўплигини билдирадиган тусловчи аффикс: *ёза/сиз*, *кел/а/сиз*, *бор/а/сиз* каби; 2) феълдан бошқа сўз туркумларида кесимлик аффикси саналади ва тусловчига киради: *студент/сиз*, *одам/сиз*, *яхши/сиз*, *колхозчи/сиз*, *педагог/сиз* каби (*қ. -ман, -сан*).

-сиз II отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган предметнинг йўқлиги ёки камлигини билдиради: *сув/сиз*, *туз/сиз*, *билим/сиз*, *илм/сиз*, *ақл/сиз*, *ҳаракат/сиз*, *тажриба/сиз*, *пломба/сиз*, *режа/сиз*, *маза/сиз*, *ёғ/сиз*, *сабаб/сиз*, *сўз/сиз*, *онг/сиз*.

Юқоридаги икки хил *-сиз* аффикси урғу орқали фарқланади. Масалан, *одам/сиз* (хона) — *одам/сиз* (сиз яхши одамсиз).

Баъзан отдан бошқа сўзларга ҳам қўшилади: *тенг/сиз* (тенги йўқ).

-симон (асли: *-си + мон*) отларга қўшилиб, «ўхшаш», «сингарил» каби маъносидаги сифатлар ясайди, каму-

нум: воронка/*симон*, шиша/*симон*, ҳалқа/*симон*, чувалчанг/*симон*, газ/*симон*, одам/*симон*, олтин/*симон*, қалқон/*симон*, винт/*симон*, кумуш/*симон* каби. -*симон* аффикси кўп ўринларда -га+ўхшаш конструкцияси, *каби*, *сингари* кўмакчилари билан синонимик муносабатда бўла олади. Қиёс.: одам/*симон*//одамга ўхшаш//одам *каби*//одам *сингари*.

-син I буйруқ майлининг III шахс бирлиги кўрсаткичи: ўқи/*син*, иш/ла/*син*, кел/*син*, бор/*син*, кузат/*син*, юр/*син* каби. Маъноси: иккинчи шахс орқали буюриш, огоҳлантириш, истак, илтимос ва бошқалар.

-син II (асли: -*си*+*-н*) сифат ва равишларга қўшилиб, уларни феълга айлантиради. Маъноси: «ўзича шу белги каби, шундай санамоқ, шундай деб билмоқ», унумсиз. Мисоллар: оз/*син*/моқ, оғир/*син*/моқ, арзон/*син*/моқ, қизиқ/*син*/моқ.

-сира феъл ясовчи бу унумсиз аффикс ўзакдан англашилган предметни иташ, шунга мойиллик каби маъноларни англатади: сув/*сира*, уйқу/*сира*, туз/*сира*, қон/*сира*. Лекин айрим ҳолларда «деб санаш», «деб билиш», «шундай деб гумон қилиш» каби маъноларни ҳам билдиради: хавф/*сира*, ҳадик/*сира*; сан/*сира*, сиз/*сира* каби олмошлардан яшашда унинг семантик хусусияти бошқачароқ бўлади.

-соз аслида тожик тилидан кирган «ясамоқ» маъносидаги бу элемент ўзбек тилида фақат аффикс бўлиб қўлланади: арава/*соз*, кема/*соз*, машина/*соз*, станок/*соз*, соат/*соз*, асбоб/*соз*, самолёт/*соз*. Маъноси: ўзакдан англашилган предметни яратиш, яшаш ва тузатиш.

-стон унли товушлардан кейин қўшилиб, -*истон* морфемасининг бир кўрinishи саналади ва маъноси у билан бир хил (қ. -*истон*).

-т унли товуш билан тугаган сўзларга, шунингдек, р, й ундошлари билан тугаган кўп бўғинли сўзларга қўшилиб; феълнинг орттирма даражасини ҳосил қилади: иш/ла/*т*, беш/ла/*т*, тўхта/*т*, сўз/ла/*т*; кенг/*ай*/*т*/моқ, узай/*т*/моқ, кам/*ай*/*т*/моқ, қора/*й*/*т*/моқ, кич/*рай*/*т*/моқ, пас/*ай*/*т*/моқ, сус/*ай*/*т*/моқ, улғ/*ай*/*т*/моқ, сарғ/*ай*/*т*/моқ,

қабар/*m*/моқ, ўзгар/*m*/моқ, кўк/*ар*/*m*/моқ, ёш/*ар*/*t*/моқ, гапир/*m*/моқ, бўя/*m*/моқ каби.

Айрим изоҳлар: 1) **р** ёки **й** билан тугаган бир бўғинли сўзларга **т** эмас, балки *-дир* формаси қўшилади: тий/*дир*, қуй/*дир*, қур/*дир*, ур/*дир*; 2) икки бўғинли сўзларда *-т* ҳам, *-тир* ҳам қўлланади: қисқар/*m*//қисқар/*тир* каби. Бу *-т* аффикс қисқарган формадир. Буларнинг ҳар бирининг ўз қўлланиш ўринлари бордир.

-та I Саноқ сонлардан доналик сонлар ҳосил қилади, ургулисиз: ўн/*та*, беш/*та* каби. Бу элемент «дона» маъносини беради: ўн/*та*//ўн *дона*.

-та II ўсим/*та*, қўрам/*та* каби баъзи отлар составида ҳам учраб қолади.

-тараш асли тожикча *тарош* сўзидан бўлиб, *стрич* маъносини англатади. Аффикс ҳолида ҳам шу маънони сақлайди. Бундан олдинги қисм — ўзак — от шу ҳаракатнинг объектини билдиради: ҳайкал/*тарош*, қалам/*тарош*, тош/*тарош* каби.

-тача (*-та+ча*) саноқ сонларга қўшилиб, чамасон ҳосил қилади: беш/*тача*, ўн/*тача*, қирқ/*тача*, эллик/*тача*. Тахминини билдириш учун айрим ҳолларда *-ча* нинг ўзи қўлланади: бир минг/*-ча*.

-тир феълнинг орттирма даража формасини ҳосил қилади: уй/*ла*/*n*/*тир*, кўз/*ик*/*тир*, ўқи/*t*/*тир*, кел/*тир*, орт/*тир*. Жарангсиз ундошлардан кейин қўшилади. Лекин кўп бўғинли сўзларда **л**, **н**, **й** сонор товушларидан кейин ҳам қўшилади: юкса/*л*/*тир* (қиёс.: тўл/*дир*), яса/*n*/*тир* (қиёс.: кўн/*дир*), кўпай/*тир* (қиёс.: қўй/*дир*). тургон (қ. *-ди+ган*).

-у I аффикс тусидаги кучайтирув, таъкид юкламаси, аслида *-ку* юкламасининг қисқаргани: айт-дим/*-у*.

-у II зидлик боғловчиси. Бу ҳам *-ку* юкламаси билан алоқадор: борар/*-у*, лекин қайтмас. (Кўпинча *лекин* боғловчиси билан бирга келади.)

«Бордим-у келдим» типидagi қўлланишларда зидлик маъноси эмас, балки кучайтириш, ишнинг тез бажарилиши, бирдан иккинчисига тез уланиб кетиши каби маънолар ифодаланади.

-(у)в I феълнинг инфинитив иш оти формасини ҳосил қилади: бор/*ув* (бормоқ, бориш).

-(у)в II феълдан от ясайди. Бу аслида -(у)в I дан келиб чиққан: ёз/ув (письмо), ўқ/у/в (учёба), иш/ло/в (обработка), тортиш/ув (тяжба).

-ум I) феълга қўшилиб, ҳаракат натижасида ҳосил бўлган предметнинг отини, ҳаракат процессининг номини ҳосил қилади: ун/ум, ют/ум, туш/ум каби (қ. -м).

-ун (қ. -ин III).

-ур (қ. -ар).

-уқ составида у ёки ю товуши бўлган феъллардан от ва сифат ҳосил қилади: ют/уқ, буз/уқ, буйр/уқ, уз/уқ, юл/уқ, уч/уқ. Маъноси: натижа оти ёки ҳаракат натижасида туғилган белгининг оти (қ. -к, -қ, -ик, -иқ, -ук, -ак, -оқ).

-фуруш тожикча, «сотмоқ» маъносидаги *фурухтан* сўздан олинган. Ўзақдан англашилган предметни сотиш билан шуғулланадиган шахсни билдирувчи от ясайди: мева/фуруш, беда/фуруш, газлама/фуруш, олма/фуруш, китоб/фуруш, шойи/фуруш, гул/фуруш, ҳолва/фуруш, чит/фуруш каби.

-хон I тожикча *ўқимоқ* маъносидаги сўздан олинган, ўзақдан англашилган нарсани ўқиш билан шуғулланадиган шахсни кўрсатувчи от ясайди: журнал/хон, китоб/хон, муштум/хон, газет/хон каби.

-хон II асосан, хотин-қизлар отларига қўшилиб, эркалаш ёки кесатиш каби маъноларни англатади: Лола/хон, Салима/хон, Раиса/хон, Ҳабиба/хон, Барно/хон каби.

-хона тожик тилидан кирган. У «комната» маъносидаги мустақил сўз. Шунингдек, бирор предмет билан боғланган ўрин, жой, бирор нарса сақланадиган ёки ўзақдан англашилган иш бажариладиган бино маъносини англатувчи аффиксоид ҳам дир. Отдан от ясайди: пилла/хона, босма/хона, чой/хона, тўй/хона, грим/хона, қуён/хона каби.

хуш- тожик тилидан кирган, асосан, отлар олдидан келиб, «яҳши», «ёқимли» маъносидаги сифат ҳосил қиладиган аффиксоид: хуш/бичим, хуш/муомала, хуш/табиат, хуш/манзара каби.

-хўр тожикча *хўрдан* — «емоқ» феълдан, негиздан англашилган предметни ейдиган, ичадиган ёки кўп ейдиган, кўп ичадиган шахсни билдирувчи от ясайди: *гўжа/хўр*, *палов/хўр*, *қимиз/хўр*, *шафтоли/хўр*, *нон/хўр*, *гўшт/хўр*, *чай/хўр*. Баъзан сифатларга ҳам қўшилиб, шахсни белги орқали англатади: *текин/хўр* каби.

-ч I феълнинг ўзлик даражасидан, умуман, н товуши билан тугаган феъллардан абстракт от ва сифатлар ясайди: *сев/ин/ч*, *ишон/ч*, *ўт/ин/ч*, *қувон/ч*, *суюн/ч*, *аян/ч*, *суян/ч*, *шошил/ин/ч*, *ўт/ин/ч*, *қўрқ/ин/ч*. Маъноси: ҳолат оти, абстракт тушунча, белги оти.

-ч II н товуши билан тугаган сўзларга қўшилиб, сифат ясайди: *жиркан/ч*, *тин/ч* каби.

-ча I отлар составида кичрайтириш ва эркалатиш аффикси сифатида ажратилади: *қиз/ча*, *йигит/ча*, *арава/ча*, *лампа/ча*, *зарра/ча*, *хўроз/ча*, *юлдуз/ча*. Бу аффикс сифатларда, равишларда, шунингдек, феъллар составида ҳам кичрайтириш маъносига кела олади: *қисқа/ча*, *ҳозир/ча*, *ўрта/ча*, *терма/ча/ла/моқ* каби.

-ча II ўхшатиш, тарз каби маънолар билан боғланган равишлар ҳосил қилади: *янги/ча*, *европа/ча*, *бола/лар/ча*, *ўзга/ча*, *қуш/ча* (урғуси биринчи бўғинда) ва бошқалар. *Ун/лар/ча*, *юз/лар/ча*, *минг/лар/ча* каби сўзлар составида чама, ошириш маъносини билдиради.

-ча III бу аффикс айрим ҳолларда бир қўшилманинг ўзига икки хил вазифани бажаради: сифатга қўшилиб, кичрайтиш маъносини сақлаган ҳолда уни отга айлантиради: масалан, *қизил/ча* (лавлагининг бир тури, шунингдек, касаллик номи), *кўк/ча* (қовунинг тури). Бундай ҳолларда -ча морфемаси сўз ясовчи саналади.

-чак I келин/*чак*, тугун/*чак* каби отлар составида -ча аффикси англаган кичрайтиш маъносини билдиради (қ. -ча). *Ўйин/чоқ* каби қўлланишларда кичрайтиш билан бирга объект номи ҳам келиб чиқади.

-чак II ийман/*чак*, куй/*ин/чак*, эрин/*чак* каби сўзларда феълнинг ўзлик даража формасидан сифат ясай-

- ди. Шу хусусият билан характерланувчи шахснинг белгисини англатади (қ. -чок).
- чан I** отларга, ҳаракат номларига қўшилиб сифат ясайди: а) иш отларига қўшилганда шахсни шу ҳаракат билан характерланиш белгиси орқали аниқлайди. Бунда кўпинча ортиқлик маъноси ҳам бўлади. Мисол: яшов/*чан*, сез/*ув/чан*, ён/*ув/чан*; б) отларга қўшилганда ортиқлик маъноси, эгалик маъноси билинади: бўй/*чан*, ўй/*чан*, уят/*чан*. Бунда **-ли** аффикси билан яқинлик бор: бўй/*чан/ли*, ўй/*ли*.
- чан II** отларга қўшилиб, «шу предметнинг ўзи билангина» ёки «шу предметсиз» маъносидаги сифатлар ясайди: кўйлак/*чан*, майка/*чан*, маҳси/*чан* ва бошқалар.
- чанг** (қ. -чан).
- часига** (**-ча+сига**) равиш ясовчи бўлиб, ҳаракатнинг қандай бажарилишини, бу жиҳатдан ўзакдан англашилган предметга ўхшатиш маъносини билдиради: ҳарбий/*часига*, солдат/*часига*, стаханов/*часига*, комсомол/*часига*, қаҳрамон/*часига*, мард/*часига*, деҳқон/*часига*, очиқ/*часига*. Бунда асл маънони **-ча** аффикси беради. **-си+га** элементи эса шу маънони бир оз кенгайтиради.
- чи I** отлардан (иш отларидан, ҳаракат номидан ҳам), баъзан сифат, сон, олмошлардан от ясайдиган серунум аффиксдир: иш/*чи*, колхоз/*чи*, стаханов/*чи*, ўқув/*чи*, кўпминг/*чи*, аъло/*чи*, икки/*чи* (двоечник) каби.
- Маъноси хилма-хил бўлиб, бу турлилик ўзакнегизнинг семантик характериغا боғлиқдир: а) предмет отларига қўшилганда, «шунини яшаш, сойтиш, бирор ишни шу орқали бажариш, шунини бошқариш» каби маъноларни англатади; б) иш отларига қўшилганда, шу ҳаракатнинг бажарувчисини билдиради: тер/*им/чи*, таш/*ув/чи*, тинглов/*чи* каби; в) сифатларга қўшилганда, шу белги билан характерланиш маъносини англатади: аъло/*чи*, қизиқ/*чи*.
- чи II** сўроқ, кучайтирув, таажжуб маъноларини англатувчи юклама: Карим/*чи*, сен/*чи*, отсанг/*чи*, келсанг/*чи* каби.

-чил I отларга қўшилиб, бирор хусусиятга эга эканлик ва бундаги ортиқликни англатади: дард/*чил*, халқ/*чил*, эп/*чил*, из/*чил*.

-чил II сифат ва равишларга қўшилиб, озайтириш — кучсизлик маъносини билдиради. Бунда *-роқ* аффикси англатган маънога яқин мазмун ифодаланади: Қиёс.: кўк/*чил*//кўк/*роқ*//кўк/*иш*; кам/*чил*//кам/*роқ*; оқ/*чил*//оқ/*роқ*// оқ/*иш*//оқ/*им-тир*.

-чилик (*-чи* + *-лик*) қўшма аффикс; от ёки сифатлардан касб-хунар, ҳолат билдирувчи от ясади: содда/*чилик*, қуда/*чилик*, оила/*чилик*, ошна/*чилик*, хур-санд/*чилик*, қассоб/*чилик* каби.

Айрим изоҳлар: 1) шахс билдирувчи сўзга *-чилик* қўшилганда плеоназм ҳосил бўлади (совун/*гарчилик* каби). Бунда шахс билдирувчи морфемалардан бирининг маъно ва функцияси кучсизланиб, у форма ясовчига яқинлашади; 2) пишиқ/*чилик*, лой/*гарчилик* каби ўринларда *-чи* аффикси бевосита шахс маъносини ифодаламайди. Қўшма суффикснинг бир элементи саналади; 3) қари/*чилик* (қиёс.: қари/*лик*) типдаги қўлла-нишларда *-чи* аффикси назик бир семантик оттенкани кўрсатади. Бундай ўринларда у форма ясовчи бўлади.

-чиқ I от ва сифатларга қўшилиб, субъектив баҳо формасини ҳосил қилади, кичрайтиш, эркалаш маъноларини билдиради: қоп/*чиқ*, қора/*чиқ*, бола/*чиқ*, тўй/*чиқ* каби. Бу аффикс *-чоқ* элементининг алломорфидир (қ. *-чоқ*, *-чак*).

-чиқ II сирпан/*чиқ*, юпан/*чиқ*, қизған/*чиқ*, сирған/*чиқ* каби сўзлар составида феъллардан сифат ясовчи бўлиб, ўша хусусиятга эгалик маъносини англатади ва мақтан/*чоқ* типига яқин келади.

-чоқ кичрайтиш ва эркалаш маъносидаги от формасини ҳосил қилади: қўзи/*чоқ*, той/*чоқ*.

-ш I феълдан ҳаракат номи ва унга омонимик муносабатдаги от ясади. Қиёс.: ўқи/*ш* (от)//ўқи/*ш* (феълнинг айрим формаси).

-ш II феълларда биргалик даража ҳосил қилади: айб/*лаш*/ди, кучоқ/*лаш*/ди, иш/*лаш*/ди, қара/*ш*/ди, учра/*ш*/ди каби.

- ш III** феълнинг ўзлик формасини ҳосил қилади: бур/*иш*/моқ, қур/*иш*/моқ, оғир/*ла/и*/моқ каби.
- шунос** тожик тилидан кирган, танимоқ маъносидаги сўздан олинган отларга қўшилиб, касб-хунар, мутахассислик, машғуллик оти ясайди — пас-сив элемент: тил/*шунос*, адабиёт/*шунос*, шарқ/*шунос*, ҳуқуқ/*шунос*, тупроқ/*шунос*, товар/*шунос*-каби. Кўпгина ўринларда *-чи* аффиксига тўғри келади ва у билан алмаша олади: тил/*шунос/и* тил/*чи*.
- юм** (қ. *-ум*, *-им II*, *-мII*).
- часига** (*-ча+сига*) равиш ясовчи бўлиб, ҳаракатнинг қандай бажарилишини, бу жиҳатдан ўзакдан англашилган предметга ўхшатиш маъносини билдиради: ҳарбий/*часига*, солдат/*часига*, стаханов/*часига*, комсомол/*часига*, қаҳрамон/*часига*, деҳқон/*часига*, ошиқ/*часига*. Бунда асл маънони *-ча* аффикси беради, *-си+га* элементи эса шу маънони бир оз кенгайтиради.
- яжак** (қ. *-ажак*).
- яп** (*йа+п*) **-а**, **-й** билан ясалган равишдошлардан феълнинг ҳозирги замон давом формасини ҳосил қилади: кел/*а/я(йа)n/ман*, иш/*ла/я(йа)n/ман*, бош/*ла/я(йа)n/ман* каби.
- Бу морфема аслида, «ётмоқ» сўздан бўлиб, аффиксланиш процессини кечирган.
- қ I** унли билан тугаган феъллардан нарса, қурол ва процесс билдирувчи отлар, шу ҳаракат билан турлича белгини англаувчи сифатлар ясайди: ўт/*о/қ*, қуро/*қ*, суво/*қ* (қ. *-иқ*, *-оқ*, *-уқ*).
- қ II** унли билан тугаган феъллардан сифат ясайди, ҳаракат ва ҳолат натижасида юзага келган белгини билдиради: тарқо/*қ*, пор/*ло/қ*, чанқо/*қ*, шилдир/*о/қ*, тит/*ро/қ*, хир/*ил/до/қ* каби (қ. *-к*, *-ик*, *-иқ*, *-ук*, *-уқ*, *-ак*, *-оқ*).
- қа I** жўналиш келишиги қўшимчаси: **ғ**, **қ** товуши билан тугаган сўзлардан кейин қўшилади: қирғоқ/*қа*, боқ/*қа* (*F+F→қ+қ*), тоқ/*қа* (*тоғ*) каби (қ. *-га*, *-ға*, *-ка*).
- қа II** феълдан сифат ясовчи аффикс: қис/*қа*, қаш/*қа*. Маъноси: натижа оти.

- қаз жарангсиз ундош товушдан сўнг қўшилиб, феълнинг орттирма даражасини кўрсатади: қут/қаз/моқ, ют/қаз/моқ, ўт/қаз/моқ, тут/қаз/моқ (қ. -газ, -гиз, -қаз, -қиз, -қиз, -газ, -гиз).
- қали: чиқ/қали, тақ/қали, уқ/қали (қ. -гани, -гали).
- қан (қ. -ган, -кан I).
- қани: чиқ/қани, туқ/қани, боқ/қани (қ. -қали).
- қач: (чиқ/қач, қизик/қач, тақ/қач, туқ/қач, боқ/қач (қ. -ғач, -қач).
- қача: тоқ/қача, қиш/лоқ/қача, қирқ/қача (қ. -қача, -гача).
- қи I жарангсиз ундош товуш билан тугаган феъл негизларига қўшилиб, нарса, қурол, объект оти ясайди: сачрат/қи, ачит/қи, қичит/қи, соч/қи, ивит/қи, чоп/қи (қ. -қи).
- қи II нисбий сифат ясайди, негиздан англашилган ҳаракат билан боғлиқ белги, ўрин, вақтга алоқадорликни билдиради: вайса/қи, қабар/ин/қи, қис/ин/қи.
- қиз: ўт/қиз/моқ, ют/қиз/моқ (қ. -қиз, -гиз).
- қил(арх.) боқ/қил, чиқ/қил, уқ/қил (қ. -қин).
- қин I феълдан от ва сифат ясайди: тўл/қин, бос/қин, тўс/қин, сот/қин, тош/қин. Маъноси: процесс номи, бажарувчи номи ва бошқалар.
- қин II: боқ/қин, тоқ/қин (қ. -гин, -кин).
- қина: қиз/а/лоқ/қина(м); бўта/лоқ/қина(м), дўндиқ/қина(м), қар/о/қ/қина(м) каби (қ. -гина, -кина).
- қир: чоп/қир, топ/қир, уч/қир (қ. -гир, -кир, -гир).
- қич феълларга қўшилиб (жарангсиз ундош товушдан кейин), қурол-асбоб отини ясайди: қис/қич, ёрит/қич каби.
- қоқ I: қоч/қоқ, бот/қоқ, тут/қоқ (қ. -гоқ, -как, -гак).
- қоқ II: феъллардан бирор белги билан характерланиш маъносидаги сифатлар ясайди: тириш/қоқ, уриш/қоқ, қоч/қоқ, ёпиш/қоқ, уюш/қоқ, буриш/қоқ каби.
- қу(арх.): чоп/қу каби (қ. — қи II).
- қун: уч/қун, тут/қун (қ. -гин, -қин, -гин).
- қунча: чиқ/қунча, туқ/қунча, ёқ/қунча (қ. -гунча).
- қур: уч/қур (қийс.: чоп/қир) (қ. -гир, -кир, -қир, -гир).
- га I (қ. -га жўналиш келишиги қўшимчаси).

- га II мимемадан от ясайди: гов/га (қиёс.: гов/ур-ғув/ур). Маъноси: шу овоз билан характерланидиган ҳодиса.
- газ: тур/газ, тўл/газ каби (қ. -каз, -каз).
- ги: чал/ги, ён/ил/ги, ёқ/ил/ги, қир/ги (қ. -ги, -ки).
- ғиз: тўй/ғиз/моқ, тўл/ғиз/моқ, ўтир/ғиз/моқ каби (қ. -газ, -ғиз; -каз, -киз; -қаз, -қиз).
- гин I феълдан от ясайди. Маъноси: процесс ва ҳолатнинг номи. Мисол: ён/гин, қув/гин, қир/гин каби (қ. -қиз, -кин).
- гин II феълдан сифат ясайди: оз/гин, сўл/гин. Маъноси: шу белги билан характерланиш, ўзакдан англашилган ҳаракат натижасида туғилган белги.
- гир: ол/гир, ўз/гир (қ. -гир, -кир, -қир, -қур).
- ғич I: қаш/ла/ғич, елпи/ғич, қир/ғич, чиз/ғич, сава/ғич, тўғна/ғич, томиз/ғич, сўр/ғич (қ. -ғич, -кич, -қич).
- ғич II: юл/ғич, бош/ла/н/ғич, суз/он/ғич, қоп/он/ғич каби (қ. -ғич, -кич).
- гоқ I феълдан от ясайди: тўл/гоқ. Маъноси: ҳаракат-ҳолат номи.
- гоқ II феълдан сифат ясайди, предметнинг хусусиятини англатади: той/гоқ.
- ғу: чол/ғу, ур/ғу, туй/ғу (қ. -ғу -ку).
- гун II феълдан сифат ясайди. Маъноси: «шу хусусиятга эга бўлиш» мазмунидаги белги: буз/ғун, уй/ғун, туй/ғун (қ. -гун, -гин, -гин).
- ҳам: ҳам/фикр, ҳам/суҳбат, ҳам/касб каби (қ. -дош).

РУСЧА-ИНТЕРНАЦИОНАЛ СЎЗЛАР СОСТАВИДА АЖРАЛАДИГАН МОРФЕМАЛАР

- а-** (**ан**) (унлидар олдидан **ан-**) приставка; русча-интернационал сўзлар составида ажратилади ва бирор белги ёки сифат инкор қилинади: *а/морал, а/симметрия, а/нормал, ан/органик.*
- аж** русча-интернационал сўзлар составида ажратилади, бирор предмет ёки ҳаракатнинг миқдорини ёки жамлиқни билдириш учун хизмат қилади: *километр/аж, метр/аж, хронометр/аж, арбитр/аж, репорт/аж, вольтр/аж, тонн/аж, инструкт/аж.*
- ал(-уал)** русча-интернационал сўзлар (сифат) составида ажратилади: *гени/ал, колони/ал, территори/ал, индустри/ал, форм/ал, хроник/ал, горизонт/ал, инструмент/ал, эксперимент/ал, фундамент/ал, монумент/ал, континент/ал, интеллект/уал, процесс/уал, индивид/уал.*
- ант (-янт), -ент** суффикс; совет-интернационал сўзлар составида ажратилади ва шахс оти ясайди: *музик/ант, фабрик/ант, практик/ант, оккуп/ант, эмигр/ант, адрес/ант, диверс/ант, консульт/ант, ассист/ент, оппон/ент, реценз/ент,*
- анти-** приставка; русча-интернационал сўзлар составида ажратилади ва қарама-қаршилик ёки бирор нарса - ҳодисага зид қараш маъносини англатади: *анти/демократик, анти/материалистик, анти/партиячи, анти/санитария, анти/фашист.*
- арий** суффикс; бирор нарсани сақлаш, кўпайтириш учун ажратилган майдон ёки бирор нарсани ўрганиш учун ажратилган жойни кўрсатувчи отлар составида ажратилади: *океан/арий* (қиёс.: океан), *дельфин/арий* (қиёс.: дельфин), *планет/арий* (қиёс.: планета).

- ат(-нат)** суффикс; шахс, шахслар йиғиндиси, тадбир, ижтимоий система, ташкилотларни кўрсатувчи совет-интернационал сўзлар составида ажратилади: комиссари/*ат*, стипенди/*ат*, секретар/*нат*, чемпион/*ат*, ректор/*ат*, декан/*ат*.
- атор (-ятор), -изатор, -тор** суффикс; шахс, қурул, механизм, бино ҳамда бошқа предметларни кўрсатувчи совет-интернационал сўзлар составида ажратилади: механизатор/*тор*, ионизатор/*тор*, реформатор/*атор*, декламатор/*атор*, детонатор/*атор*, регистратор/*атор*, авиаатор/*тор*, ликвидатор/*атор*, вентилатор/*атор*, изолатор/*атор*. Бундай отлар кўпинча *-ация (-ция)* морфемали сўзлар билан муносабатда бўлади; механ/изация ва механ/изатор, деклам/ация ва декламатор, вентил/ация ва вентилатор, авиа/ция ва авиаатор.
- ация /-яция/, -изация, -ция** ҳаракат, процесс тушунчасини англатувчи русча-интернационал сўзлар составида ажратилади: провокация/*ация*, детонация/*ация*, эксплуатация/*ация*, демонстрация/*ация*, изолация/*ация*, спекуляция/*ация*, нормализация/*ация*, сигнализация/*ация*, агитация/*ация*, инструкция/*ция*.
- де-** (унлилар олдидан *дез-*) приставка; русча-интернационал сўзлар составида ишлатилади, узоқлашиш, бекор қилиш, қуйига қараб ҳаракат қилиш каби маъноларни англатиш учун хизмат қилади: дегазация/*ация*, дегазатор/*атор*, демобилизация/*ация*, демонтаж.
- дис-** (*диз-*) русча-интернационал сўзлар составида ажратилади, бўлиниш, инкор қилиш каби маъноларни англатиш учун хизмат қилади: дисгармония/*ия*, диспропорция/*ция*.
- ив(-атив)** суффикс; русча-интернационал сўзлар (сифатлар) составида ажратилади: агрессия/*ив* (қиёс.: агрессия), эффект/*ив* (қиёс.: эффект), административ/*ив* (қиёс.: администрация), кооператив/*ив* (қиёс.: кооперация), конспект/*ив* (қиёс.: конспект), норматив/*ив* (қиёс.: норма), федератив/*ив* (қиёс.: федерация).
- изм** суффикс; таълимот, ижтимоий-сиёсий ва адабий оқим маъносини англатувчи русча-интернационал сўзлар составида ажратилади: большевизм/*изм*, гуманизм/*изм*, атеизм/*изм*, реализм/*изм*, коммунизм/*изм*, ленинизм/*изм*, сентиментализм/*изм*, капитализм/*изм*, кол-

- лектив/*изм*, маркс/*изм*, утоп/*изм*, тур/*изм*, оптим/*изм*.
- ик** суффикс; русча-интернационал сўзлар (сифатлар) составида ажратилади: большевист/*ик*, атеист/*ик*, материалист/*ик*, коммунист/*ик*, юморист/*ик*, географ/*ик*, орфограф/*ик*, философ/*ик*, биограф/*ик*, биолог/*ик*, хирург/*ик*, филолог/*ик*, зоолог/*ик*, морфолог/*ик*.
- ика** суффикс; русча-интернационал сўзлар составида ажратилади ва фан, билим соҳаси, дунёқарашлар системасини, бирор нарсанинг жамлигини ва бошқаларни билдириш учун хизмат қилади: педагог/*ика*, топоним/*ика*, синоним/*ика*, лингвист/*ика*, гимнаст/*ика*, журналист/*ика*, акробат/*ика*, автомат/*ика*.
- ир** суффикс; баъзи бир русча-интернационал сўзлар составида ажратилади ва шахс маъносини англатади: бригад/*ир* (қиёс.: бригада), команд/*ир* (қиёс.: команда), касс/*ир* (қиёс.: касса).
- ист I** суффикс; турли соҳалар бўйича мутахассис шахс маъносини англатувчи русча-интернационал сўзлар составида ажратилади: коммун/*ист*, ате/*ист*, маркс/*ист*, пропаганд/*ист*, социал/*ист*, журнал/*ист*, сол/*ист*, пиан/*ист*, машин/*ист*, анарх/*ист*, металл/*ист*, декабр/*ист*.
- ист II** аффиксли кўпгина отлар *-изм* аффикси воситасида ясалган сўзлар билан муносабатдор сўзларни ташкил қилиши мумкин. Қиёс қилинг: дуал/*изм* ва дуал/*ист*, символ/*изм* ва символ/*ист*, оптим/*изм* ва оптим/*ист*, гуман/*изм* ва гуман/*ист*, шовин/*изм* ва шовин/*ист*, альпин/*изм* ва альпин/*ист*, пессим/*изм* ва пессим/*ист*.
- итет** суффикс; русча-интернационал сўзлар составида ажратилади, жамлик, мавҳум белги, мавҳум хусусият маъноларини англатиш учун хизмат қилади: генерал/*итет*, нейтрал/*итет*, суверен/*итет*, иммун/*итет*.
- ка** суффикс; аёллик жинсини кўрсатувчи русча-интернационал сўзлар (отлар) составида ишлатилади: пионер/*ка* (қиёс.: пионер), официант/*ка* (қиёс.: официант), лаборант/*ка* (қиёс.: лаборант), студент/*ка* (қиёс.: студент), артист/*ка* (қиёс.: артист), солист/*ка* (қиёс.: солист), партизан/*ка* (қиёс.:

- партизан), санитар/*ка* (қиёс.: санитар), гимнаст/*ка* (қиёс.: гимнаст).
- мейстер** русча-интернационал сўзлар (отлар) составида ажратилган суффикс: хор/*мейстер* (қиёс.: хор), балет/*мейстер* (қиёс.: балет), концерт/*мейстер* (қиёс.: концерт).
- обер-** приставка; баъзи бир русча-интернационал сўзлар составида ажратилади, вазифа, амал жиҳатидан юқорилик маъносини англатиш учун хизмат қилади: *обер-/мастер*, *обер-/прокурор*, *обер-/офицер*.
- овка** русча-интернационал сўзлар составида ажратилган суффикс, предмет ва ҳаракат маъносини англатиш учун хизмат қилади: форм/*овка* (қиёс.: форма), миллиметр/*овка* (қиёс.: миллиметр), центр/*овка* (қиёс.: центр), оркестр/*овка* (қиёс.: оркестр), курс/*овка* (қиёс.: курс), дикт/*овка* (қиёс.: дикт/*ант*), нивелир/*овка*.
- овна** (-евна) хотин-қизлар отчествосини кўрсатувчи суффикс: Рухсора Муса/*евна*, Гулсара Абдулла/*евна*, Дилбар Мўмин/*овна*.
- ович** (-евич) эркак кишилар отчествосини билдирувчи суффикс: Мурод Мўмин/*ович*, Тоҳир Хўжа/*евич*, Ботир Болта/*евич*.
- он** рус тилидан олинган сўзлар (сифатлар) составида ажратилади: антифракци/*он*, ревизи/*он*, диверси/*он*, дискусси/*он*, авиаци/*он*, агитаци/*он*, традици/*он*, революци/*он*, эволюци/*он*, вентиляци/*он*, секци/*он*, концентраци/*он*.
- ор (-ер)** рус тилидан олинган шахс билдирувчи сўзлар составида ажратилади: агресс/*ор*, (қиёс.: агрессия), кредит/*ор* (қиёс.: кредит), архитект/*ор* (қиёс.: архитектура), миллион/*ер* (қиёс.: миллион), миллиард/*ер* (қиёс.: миллиард), бокс/*ёр* (қиёс.: бокс), лифт/*ёр* (қиёс.: лифт), шахт/*ёр* (қиёс.: шахта), контрол/*ёр* (қиёс.: контрол).
- пан-** баъзи бир русча-интернационал сўзлар составида учрайдиган приставка; «ҳаммага тегишли», «ҳаммани қамраб олувчи» каби маъноларни англатиш учун хизмат қилади: *пан/исломизм*, *пан/исломист*, *пан/туркизм*, *пан/туркист*.
- ре-** приставка; баъзи бир русча-интернационал сўзлар олдидан қўшилиб терс ҳаракат, процесс, қара-

ма-қаршилик, такрор процесс маъноларини англатишда иштирок этади: *ре/милитаризация, ре/организация.*

супер- приставка; баъзи бир русча-интернационал сўзларга қўшилади ва «юқорига, устига жойлашган», «асосий», «олий сифатли» каби маъноларни англатишга хизмат қилади: *супер/фосфат, супер/цемент.*

ультра- приставка; русча-интернационал сўзлар, калкалар (сўзма-сўз таржима) составида ажратиладиган морфема «энг юқори даражадаги белги, хусусият» маъносини англатиш учун хизмат қилади: *ультра/товуш, ультра/бинафша, ультра/қисқа.*

-ург русча-интернационал сўзлар составида ажратилди; шахс маъносини англатади: *металл/ург* (қиёс.: металл).

экс- приставка; баъзи русча-интернационал сўзлар составида ажратилади, шахс маъносининг олдинги ҳолатини йўқотганлик, собиқлик маъносини билдиради: *экс/чемпион, экс/министр, экс/президент.*

РУСЧА-ИНТЕРНАЦИОНАЛ СЎЗЛАР СОСТАВИДА АЖРАЛАДИГАН ГРЕКЧА-ЛАТИНЧА-РУСЧА ЭЛЕМЕНТЛАР

Ўзбек тилида русча-интернационал сўзлар ичида қўшма сўзларнинг турли хил типлари катта ўрин эгаллайди: *паравоз, самовар, пулемёт, вездеход, водопровод, пароход, стоп-кран, ворохочиститель, броневтомобиль, бронетанк, самолёт, самолёт-снаряд, генерал-майор, генерал-полковник, зоопарк, звеновод, гидрогенератор, геофизика; геоботаника, вице-президент, социал-демократия, радиоцентр, автотележка, автотранспорт, автосамосвал, электростанция* ва бошқалар.

Ҳозирги ўзбек тилида русча ва ўзбекча қисмлардан ташкил топган қўшма отлар — ярим калькалар катта группани ташкил қилади: *автомобил, аэробус, ампер-соат, автосуғорғич, чигитсеялка, автохўжалик, автопойга, агрохимия, альфанурлар, гидроиншоотлар, гидрохимия, фотомухбир, бета-парчаланиш, фотосурат, фотоқўғоз, радиоалоқа, радиотўлқин, радиоҳаваскор, телебошқариш, киноюлдуз, телетомошабин, яримавтомат, яримфабрика* ва бошқалар.

Кўпгина қўшма сўзлар маълум бир уялар тарзида берилади: а) *микрорайон, микроорганизм, микроспоралар, микрофлора, микроклимат, микроанализ, микроампер, микробиология, микроскоп, микроўғит, микрохимия, микровольт, микрофарада* ва бошқалар; б) *радиоактив,*

радиоактивлик, радиоалоқа, радиоаппарат, радиоаппаратура, радиоастрономия, радиобиология, радиовишка, радиогазета, радиограмма, радиозонд, радиокарнай, радиохимия, радиокомбайн, радиокомментатор, радиолампа, радиолокатор, радиолокацион, радиолокация, радиомаяк, радиомачта, радиомонтаж, радионавигатор, радионавигация, радиопередатчик, радиоперекличка, радиопостановка, радиоприёмник, радиорепортаж, радиорубка, радиостудия, радиотелеграмма, радиотелеграф, радиотелефон, радиотехник, радиотехника, радиоточка, радиотрансляция; радиотрансляцион, радиотўқин, радиоузел, радиофизика, радиохимия, радиоэлектроника ва бошқалар.

Қўшма сўзлар составида интернационал соф русча сўз элементлари ҳам учрайди: авиа-, авто-, агит-, агро-, антропо-, аэро-, би-, био-, бронь (броня), вело-, водо-, гастро-, газо- (газ) гелио-, гидро-, гипо-, дека-, деци-, зоо-, кило-, кино-, космо- (космос), культ- (культура), макро-, мега-, мото-, нео-, психо-, сейсмо-, теле-, фото-, электр-, грамма, -граф ва -графия, -лог ва -логия, -скоп ва -скопия, -фил ва бошқалар.

- авиа-** (лат. қуш, учмоқ маъноларидаги сўздан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг қисми бўлиб, маъносига кўра «авиацион», «авиацияга оид», «ҳавога оид» сўзларига тўғри келади: авиа/бензин, авиа/бомба, авиа/мотор, авиа/алоқа, авиа/почта, авиа/спорт, авиа/десант.
- авто-** I (грек. ўзим сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «ўз», «... ўзиники» маъноларини билдиради: авто/портрет, авто/граф.
- авто-** II русча-интернационал сўзларда қисмларга ажратилиб «автоматик» маъносини билдиради: авто/пилот, авто/ручка.
- авто-** III русча-интернационал сўзларда қисмларга ажратилиб, «ўзи юрадиган», «ўзи ҳаракат қиладиган» маъноларини ифодалайди: авто/грейдер, авто/вагон, авто/тележка.

авто-IV русча-интернационал сўзларда қисмларга ажратилиб, «автомобиль», «автомобилга оид» маъносини билдиради: *авто/завод, авто/йўл, авто/дўкон.*

агит- русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «агитацион» маъносини билдиради: *агит/бригада, агит/машина, агит/поезд, агит/пункт.*

агро- (грек. «дала, майдон» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, маъносига кўра «агрономик», «агрономияга оид» каби сўзларга тўғри келади: *агро/минимум, агро/техника, агро/химия, агро/биология.*

астро- (грек. «юлдуз» сўзидан) русча-интернационал қўшма отларнинг қисми бўлиб, «юлдуз», «юлдузга оид» маъноларини ифодалайди: *астро/биология, астро/номия, астро/физика, астро/навт, астро/логия, астро/ботаника.*

аэро- (грек. «ҳаво» сўзидан) русча-интернационал қўшма отларнинг биринчи қисми бўлиб, «авиацион», «авиацияга оид», «ҳавога оид» маъноларини ифодалайди: *аэро/вокзал, аэро/дром, аэро/клуб, аэро/навт, аэро/план, аэро/порт.*

бенз/о- русча-интернационал қўшма сўзларнинг қисми бўлиб, «бензин», «бензинга оид» маъносини билдиради: *бенз/о/бак, бенз/о/воз, бенз/о/колонка.*

би- (лат. «икки марта» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккита предмет ёки икки хил белги мавжудлигини билдиради: *би/металлар, би/ном.*

библио- (грек. «китоб» сўзидан) русча-интернационал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «китоб» маъносини билдиради: *библио/граф, библио/графия, библио/фил.*

био- (грек. «ҳаёт» сўзидан) русча-интернационал қўшма отларнинг биринчи қисми бўлиб, «ҳаёт», «биологик» маъноларини ифодалайди: *био/станция, био/графия.*

бронте- рус тилидан ўзлаштирилган қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, арх. «зирҳ», «зирҳли», «зирҳ-

дан қилинган» маъноларини ифодалайди: *брон/е/поезд*, *брон/е/танк*, *брон/е/автомобиль*.

-воз I рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, «бирор нарсанинг таъсири билан ҳаракатга келадиган, юрадиган» маъноларини билдиради: *пар/о/воз*, *тепло/воз*, *электр/о/воз*.

-воз II рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, «бирор нарсани ташувчи, олиб берувчи» маъноларини ифодалайди: *бензо/воз*, *рудо/воз*, *вода/воз*.

газ/о- рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «газ», «газга оид» каби маъноларни билдиради: *газ/о/мер*, *газ/о/генератор*.

гекто- (*грек.* «юз» — 100 сўздан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «юз» (100) маъносини билдиради: *гекто/ватт*, *гекто/грамм*, *гекто/литр*, *гекто/метр*.

гелио- (*грек.* «қуёш» сўздан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «қуёш», «қуёш нурларига оид» маъноларини билдиради: *гелио/метр*, *гелио/физика*, *гелио/центриқ*, *гелио/техника*.

гео- (*грек.* «ер» сўздан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «ер», «ерга оид» маъноларини билдиради: *гео/графия*, *гео/логия*, *гео/метрия*, *гео/физика*, *гео/химия*.

гидро- (*грек.* «сув» сўздан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «сув», «сувга оид», «сувга алоқадор» маъноларини билдиради: *гидро/станция*, *гидро/иншоотлар*, *гидро/логия*, *гидро/химия*, *гидро/техника*.

гипо- (*грек.* «пастдан», «қуйидан» сўзларидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарсанинг нормага нисбатан камлигини ифодалайди: *гипо/сульфит*, *гипо/центр*.

-грамма (*грек.* «ёзув» сўздан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, ўздан олдин келган сўзлар билан ифодаланган нарсаларнинг бирор весида ёзилган ёки чизилганлигини билдиради: *радио/грамма*, *теле/грамма*.

-граф/ия (грек. «ёзаман» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради: 1) муайян предметни тавсифловчи фан ёки унинг соҳаларининг, бўлимларининг номларини: *гео/граф/ия*, *орфо/граф/ия*, *этно/граф/ия*; 2) ёзиб олиш, расм (сурат) чизиш, босиш, яъни бирор нарсанинг турлитуман график қайта тикланиши маъносини: *стено/граф/ия*, *типо/граф/ия*, *лито/граф/ия*.

дека- (грек. «ўн» сўзидан) қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «ўн марта кўпайтириш», «ўнтадан иборат» маъноларини билдиради: *дека/грамм*, *дека/литр*.

ди- (грек. «икки» сўзидан) қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «икки қисмдан иборат» маъносини билдиради: *ди/логия*.

-дром («югуриш», «йўл» сўзларидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, синов, мусобақа ва бошқалар ўтказиладиган жой маъносини билдиради: *аэро/дром*, *VELO/дром*, *космо/дром*, *танко/дром*, *ракето/дром*.

зоо- (грек. «ҳайвон» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ҳайвонот дунёсига оидликни кўрсатади: *зоо/логия*, *зоо/ферма*, *зоо/парк*.

кардио- (грек. «юрак» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «юрак», «юракка оид» маъноларини билдиради: *кардио/грамма*, *кардио/графия*.

кило- (грек. «минг» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «мингта», «минг мартага кўпайтирилган» маъноларини ифодалайди: *кило/ватт*, *кило/вольт*, *кило/грамм*, *кило/метр*.

кино- русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «кино», «кинога оид», «кинематографик» маъноларини ифодалайди: *кино/аппарат*, *кино/журнал*, *кино/санъат*, *кино/томошабин*.

контр- (грек. «зид» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қарама-қарши ҳаракат, қарши маъноларини билдиради:

контр/атака, **контр/разведка**, **контр/революционер**.

косм(ос)- (грек. «олам», «дунё» сўзидан) русча-интернационал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «оламга», «дунёга оид», «оламини ўрганишга доир» маъноларини билдиради: *космо/логия*, *космо/навт*, *космо/дром*.

культ- русча ўзлаштирмаларнинг биринчи қисми бўлиб, «маданий эҳтиёжларга хизмат қилувчи» маъносини билдиради: *культ/маг*, *культ/товар*, *культ/база*.

-лог/ия (грек. «сўз», «тушунча», «таълимот») русча-интернационал қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, таълимот, фан, билим маъноларини билдиради: *археолог/ия*, *био/лог/ия*, *гео/лог/ия*, *зоо/лог/ия*, *морфо/лог/ия*.

макро- (грек. «катта» сўзидан) қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «катта», «катта миқдорларни ўрганиш билан боғлиқ» маъноларини ифодалайди: *макро/район*, *макро/климат*, *макро/рельеф*, *макро/структура*.

-метр (грек. «ўлчов» сўзидан) қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, масофа, биринчи қисмда ифодаланган нарсани ўлчайдиган асбоб маъноларини билдиради: *кило/метр*, *санти/метр*, *милли/метр*, *ампер/метр*, *вольт/метр*, *термо/метр*.

-метр/ия (грек. «ўлчайман» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, «ўлчаш» (фан) маъносини билдиради: *гео/метр/ия*, *тригоно/метр/ия*, *стерео/метр/ия*.

микро- (грек. «кичкина», «кичик», «майда» сўзларидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, қуйидаги маъноларни ифодалайди: 1) жуда майда, кичкина: *микро/климат*, *микро/район*, *микро/рельеф*, *микро/элемент*; 2) кичкина миқдорларни ўлчаш, ўрганиш билан боғлиқ: *микро/анализ*, *микро/скоп*; 3) бирор нарсанинг миллиондан бир қисми: *микро/вольт*.

милли- (лат. «минг» сўзидан) қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «ўлчов бирлигининг мингдан бир қисми» маъносини ифодалайди: *милли/ампер*, *милли/грамм*, *милли/метр*.

- моно-** (грек. «бир» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «бир», «бита» маъносини билдиради: *моно/лог* (қиёс.: диа/лог), *моно/план*.
- мото-** I (лат. «ҳаракатлантиргич» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «моторга оид» маъносини билдиради: *мото/вагон*, *мото/дрезина*.
- мото-** II қўшма сўзларда «моторлаштирилган» маъносини англатади: *мото/бригада*, *мото/колонна*.
- мото-** III русча-интернационал ўзлаштирмаларнинг биринчи қисми бўлиб, «мотоциклга оид» маъносини билдиради: *мото/спорт*, *мото/коляска*, *мото/пойга*, *мото/кросс*.
- нео-** (грек. «янги» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, маъносига кўра «янги» сўзига тўғри келади: *нео/фашизм*, *нео/колониализм*.
- обл-** русча ўзлаштирмаларнинг биринчи қисми бўлиб, «область», «областга оид» маъноларини билдиради: *обл/колхоз*, *обл/ижроком*.
- пар/о-** рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «буғ», «буғга доир», «буғ ҳосил қилишга оид» маъноларини билдиради: *пар/о/воз*, *пар/о/ход*, *пар/о/турбина*.
- поли-** (грек. «кўп» сўзидан) русча-интернационал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «кўп», «кўплик» маъноларини ифодалайди: *поли/клиника*, *поли/витамин*.
- провод** русча ўзлаштирмаларнинг иккинчи қисми бўлиб, «ўтказгич, ўтказувчи қувур» маъноларини ифодалайди: *газо/провод*, *нефте/провод*, *трубо/провод*.
- псих/о-** (грек. «жон», «руҳ» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бу сўзларнинг психикага оидлигини ифодалайди: *психо/логия*, *психо/терапия*.
- радио-** I (лат. «нур тарқатяпман» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг қисми бўлиб, «радио», «радиога оид» маъноларини билдиради: *радио/аппарат*, *радио/алоқа*, *радио/ҳикоя*, *радио/эшиттириш*.

- радио-** II (лат. «нур» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг қисми бўлиб, «радийга, радиоактивликка оид» маъноларини ифодалайди: *радио/биология, радио/метр, радио/элемент.*
- рай-** русча ўзлаштирмаларнинг биринчи қисми бўлиб, «район», «районга оид» маъноларини билдиради: *рай/ком, рай/совет, рай/ижроком.*
- скоп/ия** (грек. «қарамоқ» сўзидан) русча-интернационал қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, «кузатиш» маъносини билдиради: *микро/скоп, теле/скоп.*
- теле-** I (грек. «узоқ» сўзидан) русча-интернационал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «узоқ масофага оид» маъносини билдиради: *теле/видение, теле/визор, теле/граф, теле/скоп.*
- теле-** II (грек. «узоқ» сўзидан) русча-интернационал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «телевидениега, телевизорга оид» маъноларини ифодалайди: *теле/миниатюра, теле/кўрсатув, теле/минора.*
- тепло-** (русча «иссиқ», «илиқ» сўзидан) русча қўшма сўзларнинг бир қисми бўлиб, «иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш» маъноларини билдиради: *тепло/воз, тепло/ход, тепло/техника.*
- термо-** (грек. «иссиқ», «илиқ» сўзидан) қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «иссиқликка, ҳароратга оидлик» маъносини билдиради: *термо/метр, термо/изоляция, термо/жуфт.*
- типо-, -типия** (грек. «нусха» сўзидан) русча-интернационал сўзларнинг биринчи ёки иккинчи қисми бўлиб, «босишга оидлик» маъносини ифодалайди: *типо/графия, лино/тип, моно/тип.*
- фон/о-, -фон/ия** (грек. «товуш, овоз» сўзидан) «товушга, овозга оид» маъносини ифодаловчи қисмлар: *микро/фон, магнито/фон, теле/фон, фон/этика, фон/о/метр.*
- фото-** I (грек. «ёруғлик» сўзидан) қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «фотографияга оид» маъносини билдиради: *фото/аппарат, фото/графия, фото/мухбир, фото/қоғоз, фото/газета.*

фото- II қушма сүзларнинг биринчи қисми бўлиб, «еруғликка оидлик» маъносини билдиради: *фото/бактериялар, фото/синтез, фото/элемент.*

-ход (русча «юрмоқ» сүзидан) рус тилидан ўзлаштирилган сүзларнинг иккинчи қисми бўлиб, «юришга оид», «юрадиган» маъносини билдиради: *тепло/ход электро/ход, атомо/ход.*

1. www.ziyouz.com
2. www.ziyouz.com
3. www.ziyouz.com

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Луғат	17
<i>Иловаалар:</i>	
1-илова. Фонетик вариантлар ва адабий нормалар	365
2-илова. Сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслар	382
3-илова. Русча-интернационал сўзлар составида ажраладиган морфемалар	448
4-илова. Русча-интернационал сўзлар составида ажраладиган грекча-латинча-русча элементлар	453

На узбекском языке

АЮБ ГУЛЯМОВ, АЛЕКСАНДР НИКОЛАЕВИЧ
ТИХОНОВ, РАХМАТУЛЛА КУНГУРОВ

МОРФЕМНЫЙ СЛОВАРЬ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Издательство «Ўқитувчи»
Ташкент—1977